

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

С. ОТАМУРАТОВ, Ж. РАМАТОВ, С. ХУСАНОВ

# МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

*Maъruzalap matni*

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўулланмаларини қайта  
кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика  
мувофиқлаштириши комиссияси тавсия этган*

Тошкент – 2000 йил

**Тақризчилар:** *A. Болиев, M. Қурунов*

## К И Р И Ш

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарихан қисқа вақт ичидა иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлар Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуришни ўзида ифода эттирувчи бозор муносабатларига асосланган концепциянинг ҳаётйилиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда бу концепциянинг тўғрилигини жаҳондаги йирик сиёсий арбоблар томонидан эътироф этилиши Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширмоқда.

Тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтишнинг бу «ўзбек модели»нинг ўзига хос томонларидан бири – мавжуд муаммолар ва ўтиш даврида пайдо бўладиган янги муаммоларни ҳал этишда аждодларимиз қолдирган улкан маънавий меъросга, халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятларига таяниш ва улардан кенг фойдаланишга асослангандир.

Президентимиз 1992 йилдаёқ: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнgra маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч құдратидир», - деб таъкидлаган эди.

Ана шу кўрсатмага муфовиқ маънавиятни ривожлантириш, мамлакатда амалга оширилаётган барча ишларда унга таяниш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикаизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида, 1996 йил 9 сентябрда эса «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самараадорлигини ошириш тўғрисида; 1999 йил 3 сентябрдаги «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-куvvatлаш тўғрисида»ги фармонлари ва 1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий ва маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самараадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» маҳсус қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатларга биноан Республика олий ва ўрта маҳсус таълим

Ваъзирлиги 1997 йилдан бошлаб барча олий ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат асослари» маҳсус курсини ўқитиш тўғрисидаги қарор қабул қилди ва унинг дастлабки ўқув дастурларини ишлаб чиқилди. Ўтган давр ичida маълум бир тажрибалар тўпланди, курсда фойдаланиш бўйича бир қатор илмий ва оммабоп мақолалар ҳамда рисолалар чоп этилди. Чунки, халқимизнинг, жамиятнинг маънавиятни кўтариш ва ривожлантириш бугун ҳам, эртага ҳам муҳим вазифа сифатида қолиши муқаррардир. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маъруzasида Ўзбекистоннинг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиши устивор йўналишларини белгилаб берар экан, «Иккинчи устивор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучини тасаввур қиласманан<sup>1</sup>», деб таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам маънавият қанчалик юксак бўлса, инсон қалбидаги жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, ялқовлик каби салбий иллатларга ўрин қолмайди, унинг ўрнида ёшларимиз онгигда ватанпарварлик, яратувчанлик туйғулари юксак даражага кўтарилади, ўзаро муносабатларда самимийлик, бирдамлик, меҳр-оқибат, эътиқод, иймон, масъулият ва бошқа бир қатор ижобий фазилатлар халқимиз турмуш тарзининг ажralмас бойлиги даражасида яна ҳам мустаҳкам ўрин олиб бораверади.

Ана шу ўта муҳим вазифаларни ҳал қилишимиз учун миллий истиқлол ғоясини чинакам моддий кучга айлантириш стратегик аҳамиятга эгадир. Бу ўз навбатида биз қўлга киритган истиқлолнинг маъно ва мазмуни, миллий ўзлигимизни тўла англашимизга, миллий ғуур ва ифтихор туйғуларимизни мустаҳкамлашимизга, Ватан ва миллат истиқболи учун ҳар бири-мизнинг масъуллигимизни тушуниб етишимизга ўзининг катта таъсирини кўрсатади.

Худди мана шуларни ижобий ҳал қилишимиз Президентимизнинг маънавиятимизни янгилаш борасида олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга имкон беради. Зоро,

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 1997 йил. 17-бет.

улар таъкидлаганидек «Жамиятни маънавий янгилашдан бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш ва комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатаро тотувлик, диний бағрикенглик қаби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат»<sup>1</sup>. Бу улкан вазифаларни маънавиятимизни миллий истиқлол гоялари билан бойитиб борсаккина амалга оширишимиз мумкин бўлади.

Шу маънода ҳам маънавиятни талаба-ёшларимизга ўргатишга эҳтиёж ўсиб бормоқда ва бу борасида жуда катта вазифалар олдимизда турибди. Айниқса, мукаммал ўқув қўлланмаларни ва улар асосида дарсликларни яратиш ана шундай долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маърузалар матнини тайёрлашда муаллифлар сўнгги йилларда олимлар, адабиётшунослар ва маънавият масалалари билан шугууланувчи мутахассислар томонидан чоп этилган китоблар ва мақолалардан материал сифатида кенг фойдаландилар. Келажакда у ўқув қўлланмалари тайёрлашда материал бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам муаллифлар бу маъруза матнлари ҳақида билдириладиган барча танқидий фикрлар ва таклифларни бажонидил қабул қиласидилар, келажакда улардан фойдаланадилар ва ўз фикрларини билдириган барча муаллифларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этадилар.

Мазкур матнларнинг охирги вариантини кайта тайёрлашда фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Х.О. Шайхова (13-мавзуда) ва фалсафа фанлари доктори М.Х.Холматова (16-мавзу) ларнинг материалларидан фойдаланилди.

### **Курсни ўрганишга доир баъзи услубий маслаҳатлар**

Ўқитувчи «Маънавият асослари» курси бўйича маъруза ва амалий машгулотлар ўтказишга киришар экан, аввало юксак маънавият ҳар қандай жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлиб келганлигига, маънавиятсиз жамият бўлмаслигига талабалар диққатини қаратмоғи лозим. И.А. Каримов айтганидек, маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч құдратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди<sup>2</sup>.

Ватанимиз мустақилликка эришган буғунги кун ўзбек халқининг асрий орзулари амалга оша бошлаган қутлуғ даврdir.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Миллий истиқлол мағкураси-халқ жътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000й, 23-24 бетлар».

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент «Ўзбекистон», 1998 й. 62-бет

Биз мустақил давлатимиз, фуқаролар жамиятини куриш, миллий маънавиятимизни мустақил, эркин ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз. Бу - Оллоҳ таолонинг бизга берган табарук инояти, халқимизнинг буюк саодатидир. Бунинг қадрига етмоқ, бу имкониятдан унумли фойдаланмоқ барчамизнинг, айниқса ёшларимизнинг бурчидир. Бу йўлда ўтмишла қанчадан-қанча алломалар тирноқ қонатмади. Буни эсламоқ қанчалик аянчли бўлмасин, у хайрлидир.

Маънавият асослари курсини ўқитишнинг назарий методологик асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг маънавият ва маърифатга оид асарлари, нутқлари ташкил этади.

Энг қувончлиси шундаки, юртбошимиз бу масалага аввал бошданоқ катта аҳамият бериб келмоқда. Чунки, мустақилигимизнинг уч таянчи мустақил миллий сиёсат, иқтисодий қудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боелиқ бўлиб, уларнинг ўзаро уйғун ривожи таъмин этилсагина, Ўзбекистон буюк юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнини эгаллай олади.

Маърузани ўқишга киришадиган ҳар бир муаллимнинг диққат марказида худди мана шу концептуал фоя туриши лозим бўлади.

Юртбошимизнинг бу соҳада эълон қилинган асарлари, мақолалари ва маърузалари 1998 йилда «Маънавий юксалиш йўлида» номи билан чоп этилди. У ўқувчи ва маънавият жонкуярларига тақдим этилганлигини алоҳида мамнуният билан қайд этиш мумкин. Улар мазкур матнларни тайёрлашда асосий материал бўлди. Муаллимлар ундан маърузани ўқиш жараёнида кенг фойдаланишлари лозим бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод орзуси», «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари, «Тафаккур» журнали бош мұхаррирининг саволларига жавоблари, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» каби китоб, рисола ва савол-жавобларида, шунингдек Олий мажlisининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган, «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига берган жавоблари «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» асарлари ва нутқларида иқтисод, сиёсат, маънавият, тарбия масалалари, уларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти янада ривожлантирилди.

Миллий мустақиллик туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида аста-секин амалга оширилаётган покланиш, айниқса

маънавий ҳаёт соҳасида яққол намоён бўла бошлади. Халқимиз ўзлигини, ўз тарихини англай бошлади.

Ўқитувчи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий вазифасини баён этар экан, ёш авлодни ватанпарварлик, инсон-парварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш; уларда миллий гурур ва ифтихор туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик сингари хислатларни шакллантириш, ҳар бир фуқарони мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш – хуллас комил инсонни, ҳар тарафлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш ҳозирги кундаги маънавий-маърифий тарбия ишининг асосий мақсади эканлигига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Ўқитувчи маънавият ва маърифат курсини ўқитишининг мақсад ва вазифаларини жамиятимиз тараққиёти, истиқболидан келиб чиққан ҳолда баён этиши лозим. Шунингдек, мазкур курснинг предмети – жамият ва инсон маънавий камолоти, жамиятнинг инсон маънавий юксалишига таъсири ва айни вақтда инсон маънавий юксаклигининг жамият тараққиётига ижобий таъсирини ўрганиш, маънавий баркамол инсоннинг асосий хислатларини, Марказий Осиё халқлари маънавияти ва маърифатини ўрганиш ташкил этишини талабаларга тушунтириши лозим бўлади.

Хуллас, бу курсда Президентимизнинг асарларида шахс маънавиятининг шаклланиши, баркамол авлодни тарбиялаш, улар маънавиятни миллий истиқбол фоялари билан бойитиб бориш буларнинг миллий тараққиётимиз ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларни ўрганиш назарда тутилади.

Олий ўкув юртларининг кадрлар тайёрлаш йўналишларига қараб маъруза матнларининг айрим мавзуларига ажратиласлан соатлар миқдорини ўзгартириш ва талабаларга мустақил ўрганишги тавсия этиш мумкин.

# **МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

## **1-МАВЗУ**

### **ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ, УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ**

#### **Режа:**

1. Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳияти.
2. Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига таърифи, унинг назарий ва методологик аҳамияти.
3. Мустақиллик йилларида миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.

**1-масала баёни.** Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қиласи. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукаммал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқололи ва тараққиёти йўли» номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавият соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий

ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурнада барча гоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-аҳлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртга асосий негизга асосланади» – деб кўрсатади ва қуидагиларни белгилаб беради.

умуминсоний қадриятларга содиқлик;

халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;  
ватанпарварлик<sup>1</sup>.

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислом Каримов шундай ёзади: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-кудрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб – асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун багиашлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждан эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир»<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Муаллиф халқимизнинг маънавий илдизлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, муаллиф кейинги асарларида ҳам маънавий меросимизни қайта тиклаш боясини ижодий ривожлантиради ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, «Инсонпар-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

варлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир».

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини талабаларга етказиш муаллимнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президентимиз шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган»<sup>1</sup>.

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қурдатли кучга айланади»<sup>2</sup>.

Маърузани ўқиши жараёнида муаллим талабаларга бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа сифатида белгиланганлигини Президентнинг юқоридаги фояларини чуқур тушунтириш орқали асослаб бериши лозим.

Ислом Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қўйидаги концептуал фояни илгари суради. У шундай ёзади: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳтсаодат бўлмайди...»

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал фоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижти-

<sup>1</sup> Ўша асар 78-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

моий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқизорозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирумасдан, шахснинг маънавий-руҳиятини ўзгартирумасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига асосий эътиборни қаратган.

Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал фояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганингидир.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишлиган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажralmas қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади. Муаллим талабалар дикқатини худди мана шу фоянинг моҳиятини тушуниб етишга қаратиши лозим.

Президентимиз мазкур асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишлиган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равища унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Амир Темур – фахримиз, гуруримиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафкураси ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурмоқдамиз («Туркестон» газетасининг мухбири саволларига жавоблар)», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркестон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар)», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Миллий мафкура – келажак пойдевори», «Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишона-ман («Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар)» каби

асарлари, нутқлари ва мухбирлар саволларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал фояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуидаги йўналишларни ўз ичига олади:

маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғуур ва ифтихор туйгуларини изчилик билан мустаҳкамлаш;

мустақиллик шароитида миллий фоя ва миллий мағкуруни шакллантириш ҳамда уни ҳалқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида барқамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол фоялари билан бойитиб бориш, улар онгига мағкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажralмас қисмига айлантириш кабиладир. Маърузачи Президентимиз асарларида илгари сурилган ана шу концептуал фояларни асарлар бўйича мукаммал баён қилиб бериши зарур бўлади.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузололар, олиму-уломолар, сиёsatчилар, саркардалар етишиб чиққан.

Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қараашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди<sup>1</sup> деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демактир»<sup>2</sup> – деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафкура-миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафкура воситасида эл-юрг бирлашади ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади<sup>3</sup>–деб таъкидлайди. Президентимиз ўз навбатида миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: «... миллий ғоя биринчи наубатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишлик олийжоноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»<sup>4</sup> лигини белгилаб беради. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукумронлигидан озод бўлиб демократик жамиятни қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўровонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли инсон манфатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳди билан қаршилик кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Ҳудди мана шу жараёнда юзага кел-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак ійӯқ. Т: Шарқ, 1998, 3-4 бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асарда 5, 10-бетлар.

<sup>3</sup> И. Каримов. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент, Ўзбекистон. 1998, 4,2,15-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша асар. 15-бет.

ган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффаккурини шакллантириш муҳим вазифа дараҷасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни маваффақиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечётганилига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни амалга ошириша раҳбарлик қилмоқда. У Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маъруzasida бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлари: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимиизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятилизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдирни – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»<sup>1</sup>.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал гояси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруритини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлодни назарда тутилади. Шунинг учун ҳам у «...фарзандлари соғлом юрт қурдатли бўлади, қурдатли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади»<sup>2</sup> – деган гояни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшлиаримиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чукур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлиари замона-

<sup>1</sup> Баркамол авлод орзуси. Т: Шарқ, 1999, 9-бет.

<sup>2</sup> Президент И.А.Каримовнинг Конституция кунига багишланган тантанали маросимдаги нутқи: -Халқ сўзи, 1999 йил 8 декабр.

вий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукаммал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимиға кириб бориши тезлашади.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллади. Жумладан, у «Фидокор» газетаси мухбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг foяvий қарашлари билан яхши таниш эмас Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларнинг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдик Президентимиз миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илфор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига кўймоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепцияси жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу мустақиллик йилларида маънавий тараққиётимизда кўлга киритилган ютуқлар мисолида ўз тасдигини топди.

**2-масала баёни.** Маънавиятнинг инсон ва миллат камолотидаги ҳамда жамият тараққиётидаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосда уни ривожлантириш, унинг моҳиятини ҳамда мазмунини илмий таҳдил қилишни тақозо этади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, собиқ шўролар тизими шароитида маънавият бугунги ҳолатда ўрганилмаган. У маънавий маданиятнинг тармоғи сифатида ёки олимлар асарларида тилга олинганолос.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил, 34-35 бетлар.

Бу жуда мураккаб масалага шу даражада «эътиборсизлик» атайлаб қилинган. Чунки у шахс ва миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилдир, шунинг учун шахснинг руҳий оламига кириб бориш, уни мустақил фикр юритишига, миллатнинг эса маънавий-руҳий оламини юзага чиқариш, унинг ўзини ўзи англашга, ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва ўзи хоҳлаган тараққиёт йўлидан боришига йўл қўймаслик давлатнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилган эди.

Тўғри, миллий маданият ҳақиди кўп ёзилган ва кўп галирлган, аммо номи айтилса ҳам амалда «ягона» совет адабиёти, санъати, ахлоқи ва ҳакозолар шаклида акс эттирилган. Бундан кўзланган мақсад шахс ва миллатни маънавий қашшоқ қилиш, уни тоталитаризм тузумига хизмат қилдириш ва итоатда ушлаб туриш эди.

Шўроларнинг худди мана шу жирканч мақсадларини талаба ёшларга кенг тушунтириб беришга маърузачи эътиборини қаратиши зарур.

Маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Уни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидаги миллий тафаккур тараққиётимизда янги йўналишдир. Бу йўналишнинг пайдо бўлишини ва унинг концептуал ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисолалари, маърузаларида маънавият тушунчаси моҳияти очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётидаги миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Президентимиз миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқдоли ва тараққиёт йўли» даёқ маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериб шундай ёзган эди: «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродағи сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиллик билан маънавият чашмасини излайди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар сұхбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

Мамлакатда ўтказилаётган ислоҳатлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президентимиз яна маънавиятни ривожлантириш масаласига қайтиб шундай ёзади: «Моддий ислоҳатлар, иқтисодий ислоҳатлар – ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳатлар – қуллик, мұytелик исқанжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда»<sup>1</sup>.

Президентимиз маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруглар, қўни-қўшилар, ҳалқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»<sup>2</sup> – деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараённида шаклланади. Шу маънода ҳам Президентимиз «Маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбida камол тапиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»<sup>3</sup> лигини таъкидлайди.

Талабаларга Президентимиз томонидан илгари сурилаётган худди мана шу концептуал фоянинг моҳиятини тушунтириб бериш катта аҳамиятга моликдир. Талаба ўзининг кундалик ҳаётида миллат ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш руҳиятига эга бўлсин.

Президентимиз асарларини қунт билан ўрганиб борар экан-сиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган фоялар кейинги-ларида ижодий ривожлантирилган, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараённида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Жумладан, у Олий Мажлиснинг XIV-сессиясидаги «Ўзбекистон

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1996, Т.1, 202-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар сұхбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар сұхбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 79-бет.

XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида маънавият тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: «Маънавият... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, вижлонини йўғотадиган қудратли ботиний куч...»<sup>1</sup> дир.

Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунласини ўзида тўла акс эттирган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлари ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашда катта куч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қуйидаги фикрларининг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгалтир. «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг самарадорлиги, аввало ҳалқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир»<sup>2</sup>.

Президентимиз маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ислоҳатларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан, у «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида қуйидагиларни таъкидлайди: «... авваламбор ёшлиаримизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол иисонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яашшига эришишидир»<sup>3</sup>.

Бу кўрсатилган концептуал вазифаларни муваффақиятли амалга ошира олсак президентимиз томонидан жамиятни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т: Ўзбекистон, 1999, 17-бет.

<sup>2</sup> Уша асар 18-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Миллий истиқолол мафкура – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й, 12-13 бетлар.

маънавий янгилаш борасида белгилаб берган кўрсатмаларини бажара олишимиз мумкин бўлади. Белгиланган бу вазифалар Ватанимиз ва миллатимиз истиқболи учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини тараққиётимизнинг ўтган даври тўла тасдиқлади.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш коцепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча уларнинг аҳамияти куйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлигини ва унинг сабабларини тушунишга;

иккинчидан, собиқ шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти-ҳаракатларига қарамасдан, миллий-маънавий меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб этишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйгуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб этишга;

учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми, ёки каттами ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий-маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантиришга ва кейинги авлодга етказиш бахтига мұяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдoshimiz ва ватандошимизнинг мустақилликдек улуф неъматни сақлаб қолиши учун фидоийлик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон беради;

тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чукур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган «куч – билим ва тафаккурда» – деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал гоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

бешинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислоҳатларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий

тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидоийлик кўрсатиш зарурлиги;

олтинчидан, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий гуур, ифтихор, фидоийлик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олийжаноб фазилатларни шакллантириш – мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етиш;

еттингчидан, миллий истиқлол гоясининг маъно ва мазмуни чукур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгиланишимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишларини ва кўламини чукур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидоийлик кўрсатишимишнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан ишлаб чиқарилган миллий маънавий тикланиш илмий-назарий концепцияси жуда катта назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу концепция келажакда масалани яна ҳам чуқурроқ ўрганишимиз учун асос бўлади.

**З-масала баёни.** Ўзбек халқи 130 йилча мустамлакачилик истибоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси паймол этилди, тарихи сохталаштирилди. илмий, маданий бинобарин маънавий меросга ниглистик қараш ҳукм суриб чеклаб қўйилди. Халқимизнинг онги сал бўлмаса ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвзликка қаршилик кўрсатолмай юввош яшайверишига кўнишиб қолаёзган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эркин-эмис фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди.

Мустақилликка эришишимиздан аввал: ким И мом ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, И мом ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матрудий, ал-Марғиноний, Фаззолий, Нақшбанд каби алломаларимизнинг номини тилга олар, улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш имкониятига эга эди?;

Ким Куръони Каримни, Ҳадисларни, дину-исломни эркин ўқий ва ўргана оларди?;

Ким Амир Темур, Мирзо Улугбек, Бобур Мирзо сингари маънавий маданиятилизнинг юлдузлари бўлган буюк зотлар номини эркин-эмис тилга олар эди?;

Ким Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Беҳбудий каби маърифатпарвар, миллатпарвар бўлган улуғ зотларни эслай оларди?;

Бу каби саволларнинг сон-саноғи йўқ. Мана шуларнинг ўзи ҳам миллий маънавиятилизнинг нақадар топталганлигини таъкидловчи мисоллардир.

Фақат мустақилликни қўлга олишимиз шарофати туфайлиги-на маънавий меросимизни, кўхна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият қуришдек баҳтга мушарраф бўлдик.

Бундай имкониятларни қўлга киритишимизда ҳалқимизнинг севимли фарзанди, улкан давлат ва сиёsat арбоби, етук олим, ватанпарвар ва миллатпарвар инсон Ислом Каримовнинг етакчилик ва раҳбарлик роли асосий рол ўйнади.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичida иқтисодий, ижтимойи-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазифаларини вазминлик билан амалга ошироқдамиз.

Президентимизнинг миллий маънавий тикланишимиз бора-сида қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикамида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида фамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнамолари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги нишонланишида бош-қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Куръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадисларини чол этиш тугалланди. Ҳожа Аҳмад Ясавийнинг «Ҳикматлар» тўплами чоп этилди. Кўплаб Куръони Карим шарҳларига оид китоблар ҳам чоп этилганлигини ва улардан ҳалқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Курбон Ҳайит кунлари диний қадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврӯз умумхалқ байрами сифатида ҳалқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзодарнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли миллый истиқолимиз курашчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Беҳбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган күнлар умуммиллий байрам сифатида нишонланди.

Қатағон йилларида миллатимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қурбон бўлган ҳалқимизнинг ана шу севикли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шаҳидлар ҳиёбони барпо этилди.

Узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра маънавиятимиздан гувоҳлик берувчи Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари 1997 йилда катта тантаналар билан нишонланди.

Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан ҳалқимизнинг миллый қаҳрамони буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, ҳалқимизнинг буюк мероси ҳисобланган «Алномиш» достонининг 1000 йиллиги, миллый-маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк давлат арбоби, фан ҳомийси Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг 190 йилликлари 1999 йилда кенг нишонланди.

Бу йил эса илоҳиёт илмининг дарғаси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг муборак юбилейи, келгуси йил яна бир улкан

меросимиз ҳисобланган «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлар кетмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили даражасига айланиши борасида бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат идораларида иш юритиш, шаҳарларда кўчалар ва жойларни номлашда тарихий ҳақиқат тикланмоқда. Маънавий меросимиз саналган кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима этилмоқда. Хуллас, мустақиллик йиллари биз учун ўзбек тилининг халқ ва давлат ҳаётидаги асосий аҳамияти ва ўрнини тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа миллатнинг қадрқиммати, мустақил давлатимизнинг қадрқиммати мустаҳкамланди, мактаблар ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини русийзабон ёшларнинг ўрганиши учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мустақиллик йиллари маънавиятимизнинг муҳим элементи ҳисобланган таълим ва тарбия тизимиға миллый руҳ бағишлишада бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида «Таълим тўғрисида қонун», «Кадрлар тайёрлашнинг миллый дастури» ва «Соғлом авлод дастур»ининг қабул қилиниши миллый маънавиятимизнинг юксалишида, мамлакатимизнинг келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллатимизнинг обрў-эътиборининг ошиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг иқтидорли 2000 дан ортиқ ёшлари ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар ҳам Президентимиз ташаббуси билан вужудга келди. Улар бугунги кунда таълим, тарбия ва миллый маънавиятимизни ривожлантириш ишларига катта ёрдам бермоқда. Энг муҳими бугунги кунда мустақиллигимиз таъминланди, миллатимиз қадрини, фурурини, ор-номусини, миллый-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги ҳаракатимиз Президентимиз раҳнамолигида ҳақиқатга айланди.

Бу ҳақиқат. Бундан ҳеч ким, ҳатто мухолифларимиз ҳам кўз юмолмайди. Бу муваффақиятларимиз ўтмишда фақат орзу эди, холос. Қилинган ишлар, маънавий меросимизни ўзлаштириш, миллый ўзлигимизни англаш ва бошқа кўплаб маънавий

ҳаётимизда содир этилган ўзгаришлар мустақиллигимизнинг ме-  
васи ҳисобланади.

Шунинг билан бир қаторда миллий-маънавий тикланиш бо-  
расида кўлами жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Биз  
миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим  
бўлади. Зоро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек,  
«Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти  
орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган ютуқларни кўлга киритишимишни  
халқимиз адолатли равишда Президентимиз номи билан  
боғлайди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз  
томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий  
аҳамиятга эга бўлган ишлар қаторига яна қўйидагиларни қўшиш  
лозим бўлади:

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий  
концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий та-  
раққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берган-  
лиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг то-  
талитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига  
хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат  
миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг  
билан бирга умумижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида  
янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим  
бўлади.

Ислом Каримов томонидан амалга оширилган барча ишлар  
халқимизнинг қаддини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мам-  
лакатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, миллатимиз  
абадийлигини мустаҳкамламоқда.

Мазкур мавзуда маъруза ўқилганда юқорида келтирилган ҳар бир  
фоянинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришда муаллим масалани  
ҳар томонлама кенгайтирган ҳолда талабаларга етказишига эътибори-  
ни қаратиши лозим бўлади. Энг муҳими, талабалар ўқилган маъру-  
здан келиб чиққан ҳолда, кўтарилиган масалаларни кендроқ,  
чуқурроқ ўрганиб, амалий машгулотларда, реферат ёзища мус-  
тақил фикр юритиш ҳамда чуқур ўзлаштиришлари лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 9-бет.

## **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Мустамлака, мустақиллик, миллий, маънавий, тикланиш, назария, методология, мерос, қадриятлар, маънавият, баркамол, авлод, тарихий хотира, негиз, ўзликни англаш, соғлом авлод, умуминсоний, байрам, аллома, XXI аср, вазифа, йўналиш, тараққиёт.

## **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Миллий-маънавий тикланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиқсанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз?
3. Ислом Каримов томонидан «маънавият» тушунчасига берилган таърифнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Ислом Каримов ишлаб чиқсан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор?
5. Мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланиши мизда Ислом Каримовнинг хизматлари нималардан иборат?
6. Нима учун Ислом Каримов маънавиятни ривожлантиришга устивор вазифа сифатида қарамоқда?
7. Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда XXI асрда маънавиятни ривожлантиришнинг қандай вазифалари белгилаб берилди?
8. Миллий-маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожлантиришнинг мукаммал фоялари Ислом Каримовнинг қайси асарларида асослаб берилган?

## **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Т: Ўзбекистон, 1992
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1993 й.
3. Каримов И.А. Амир Темур – фаҳримиз, фуруримиз. Т: Ўзбекистон, 1996 йил.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т: Ўзбекистон, 1997 йил.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т: Ўзбекистон, 1997 йил.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: Шарқ, 1998 йил.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т: Ўзбекистон, 1998й.
8. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.–Халқ сўзи, 3 феврал, 1999 йил.
9. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Халқ сўзи, 6 март 1999 й.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т: Ўзбекистон, 1999 йил.
11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т: Ўзбекистон, 2000 йил.
12. Каримов И.А. Хотира чироғи ўчмайди. (Хотира ва қадрлаш кунига бағишлиланган маросимдаги сўзи) – Халқ сўзи, 11 май 1999 йил.
13. Каримов И.А. Миллий мафкура келажак пойдевори. Халқ сўзи, 7 апрел, 2000 йил.
14. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил.

**МАЊНАВИЯТНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТУШУНЧАЛАРИ,  
УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ВА  
РИВОЖЛANIШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Режа:**

1. Мањнавиятнинг таърифи тўғрисида мулоҳазалар ва унинг фалсафий таҳлили.
2. Мањнавиятнинг асосий категориялари, унинг ривожланиш қонуниятлари.
3. Мањнавиятни ривожлантириш – давлат сиёсатида устивор соҳа.

**1-масала баёни:** Ўқитувчи мањнавият тушунчасини баён этар экан, охирги йиллар мобайнида кўпчилик зиёлиларимиз мањнавият нима деган саволга жавоб излаб, қизғин изланиш ишлари олиб бораётганликларини айтиш жоиз бўлади. Бунга сабаб мањнавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий ботиний томонларини ҳам қамраб олганлигидадир. Ҳозирда матбуотда ушбу мавзуга бағишлаб кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда. Очигини айтиш керак, бу сўз, бу тушунча «советлар тузуми даврида» кўп ҳам тилга олинмас, муҳокама қилинмас эди. Албатта, бу ҳолатнинг ўз сабаблари мавжуд бўлган. Булар ҳақда кейинги маърузаларимизда алоҳида тўхтамиз.

Ўқитувчи, аввало, мањнавият - инсонни жамики бошқа мавжудот-лардан ажратиб туришини алоҳида уқдириб ўтиши лозим. Инсон табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак мањнавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, мањнавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш онгсиз ва руҳсиз маҳлуқотларга хос. Мањнавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатdir. Мањнавият одамнинг

рухий ва ақлий олами мажмуди каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Юқорида айтганимиздек, маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шундай экан, ўқитувчи дарс давомида «маънавият» тушунчасига бир йўла муқаммал таъриф беришга уринмаслигини, мавзуга муқаддима тарзида ёндашиб, унинг баъзи жиҳатларини акс эттирувчи таърифларни бериб ўтишини маслаҳат берамиз.

Бу борада ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий қараваш-ларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсаддага мувофиқ. Юрганбашимиз «Туркистон» газетаси мухбири-нинг саволларига жавобларида, маънавият ҳам борлиқ, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлигини, инсон фикри, тафаккури, ҳис-тўйгуси тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлишини ўқдириб: «Маънавият авваламбор одамни руҳан по-кланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёси-ни, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, вижданонини уйғотадиган куч...<sup>1</sup>» деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан бўён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган мақо-лаларда, ўтказилаётган анжуманларда «Маънавият» тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Ҳусусан, таниқли файласуф А.Жалолов «Мустақиллик маъсулияти» асарида «Маънавият - инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»<sup>2</sup>, деб таърифлаган. «Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти» мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, муқаммалроқ тар-

<sup>1</sup> Туркистон газетаси, 1999 йил февраль.

<sup>2</sup> Жалолов А.Мустақиллик масъулияти. Тошкент., Ўқитувчи, 1996, 29-бет.

зда қуидагиша таърифлайди: «Маънавият – инсон фаолияти-нинг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар»<sup>1</sup>. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, маънавиятсиз ҳаётни қоронги бир хонага ўхшатади.

Кўринадики, бир муаллифнинг ўзи маънавиятни таърифлашга турлича ёндашадики, бу ҳам маънавиятнинг кўп қамровли тушунча эканлигини кўрсатади.

«Ватан туйғуси» китобининг муаллифлари «Маънавият жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»<sup>2</sup>, - деб таърифлаганлар.

Бундан ташқари бир қатор олимларимиз анжуманларда қилган маърузаларида «маънавият - инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йифиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларининг акс этиш даражасидир», деб таъриф бериб келмоқдалар. А. Эркаевнинг фикрича, «Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, соғдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштарақлик касб этган мажмуидир»<sup>3</sup>.

Маънавият муаммоси билан анчадан буён шуғулланиб келаётган олимларимиздан бири М. И момназаров мазкур масалага бағишлиб иккита китоб чиқарди. Муаллиф биринчи китобида «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»<sup>4</sup>, - деб ёзган бўлса, иккинчи китобида «Маънавият инсон қалбиди, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф

<sup>1</sup> Мулоқот. 1997, № 5, 15-бет.

<sup>2</sup> Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент., Ўзбекистон, 1996, 111-бет.

<sup>3</sup> Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997, 27-бет.

<sup>4</sup> И момназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996, 6-бет.

дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди<sup>1</sup>, - деб ёзади.

Э. Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мағкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»<sup>2</sup>, - деб таърифлайди.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг кўпгина қирралари ўз ифодасини топган ва уларда муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда инсон салоҳиятини ўстириш масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна қўплаб олимларимиз маънавият тушунчасига ўз муносабатларини билдирадилар ва ана шу билдирилган турли фикрлар асосида умумий мукаммал таъриф шаклланади, деган умиддамиз.

Ҳалига қадар маънавият тушунчасига мукаммал таъриф шаклланмаганилиги сабаб унинг кенг қамровли, мураккаб ва айни вақтда «садда» тушунча эканлигидан. Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришидир. Инсон ички, ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз дengиз сингаридир. Бу дengиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик турли-туманлик билан тобланиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Мана шунинг учун ҳам маънавият тушунчасига мукаммал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкуроқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажратса билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир, деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Ал-

<sup>1</sup> Ўша муаллиф. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент: Шарқ, 1999, 14-бет

<sup>2</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998, 34-бет.

батта, бу таъриф энг охирги, қиёмига етган, мукаммал деб, айтишимиз мумкин эмас.

И.А. Каримов айтганидек, маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбida камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак<sup>1</sup>.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиласи мухит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати мухим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади, уни белгилаб берадиган омиллардан бири саналади. Одамларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик эътиқоди, ватанпарварлик, миллий ва инсоний фурур туйгуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли, юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ, Биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласи. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир<sup>2</sup>, - деб кўрсатган эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 46-бет.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолатида ҳам янги даврнинг юзага келишидир. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларини маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин.

Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, фийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, тұxмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. Маърифат - билиш, билим, таниш ва маълумот, деган маънони англатади.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир янги тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг, миллатнинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билан шуғулланганлар. Чунки, маърифат маънавий қарамлик, кўркув ва ҳадикни бартараф этади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Мамлакат, миллатнинг озодлиги - унинг маърифий уйғоқлигидадир. Одамзод наслининг улуғлиги эса билимдан.

Билингки, билим ва маънавият ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У инсонларни барча ёмон, ярамас ишлардан, яъники маънавиятсизликлардан тийиб туради. Шу туфайли отабоболаримиз, авлод-аждодларимиз доимо маърифат ва маънавиятга интилиб яшаганлар. Улар маънавият ва маърифат чироқларини машъала сингари ёққанлар. Юксак маънавият ва маърифат туфайли Турон замин ер юзида шуҳрат қозонган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизда маънавият ва маърифатга катта эътибор бераётганликларининг асосий сабаби ҳам ана шу маънавий заминларни қайта тиклаш орқали тараққиётга эришиш мумкинligини кўрсатишидир. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузаларида таъкидлаганла-

ридек, 2005 йилга қадар республикамизда 1611 та касб-хунар коллежи ва 181 академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этиш режалаштирилган<sup>1</sup>.

Ўқитувчи маърифат ва маънавиятлилик, унинг инсон, жамият ҳаётидаги аҳамияти устида фикр юритиш жараённида, яна бир нарсага, чунончи маърифат ва маънавият, маънавиятлиликнинг нисбати масаласига ҳам эътибор бериши лозим.

Маънавиятли одамларнинг ҳаммаси ҳам доимо маърифатли, шу билан бирга маърифатли, илмли кишиларнинг ҳам ҳаммаси юксак маънавиятли бўлавермаганлар. Шундай кишиларга қарата ҳақли равишда олим бўлиби-ю, аммо одам бўлмагти ибораси ишлатилади. Бошқача айтганда инсонлар борки, олим эмас. Бўлмаса бўлмас, аммо маънавияти юксак. Олимлар борки, инсон зотига лойиқ эмас. Буниси оғир. Улардан элга, юрга фойда йўқ. Шунинг учун халқимиз: «Олим бўлма - одам бўл», иборасини ишлатиб келган. Бу маънавият ва маърифат бир-бирини инкор этади дегани эмас. Аксинча, маънавият ва маърифат бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Улар бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсиrlаниб ривожланиб боради.

Заминимизда камол топган, эл-юрга танилган буюк зотлар, комил инсонлар ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этган алломалар бўлганлар. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳозирги даврда миллий камолот йўли, комил инсонни, соғлом авлодни вояга етказиш йўли мана шу йўл, бундан бошқа йўл йўқ.

Маънавият ва маърифат халқимизнинг, миллатимизнинг келажаги учун сувдай ва ҳаводай зарур.

Маънавий ва маърифий тарбияни бирга олиб бориш тараққиёт тақозоси. Уларни бошқа-бошқа олиб бориб бўлмайди...

2-масаланинг баёни. Маънавият ҳам ўзининг бир қатор категорияларига – тушунчаларига ва ривожланиш қонуниятларига эгадир. Унинг тушунчаларига шахснинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозалик, сахийлик, самимиyilik, ҳайриҳоҳлик, иймонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оиласа садоқат, вафодорлик, тўғрилик ва бошқалар; миллатнинг вакили сифатида: миллий ўз-ўзини англаш, миллий гурур, миллатпарварлик, ватан-

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. 38-бет.

парварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулиятни, миллий манфаат устиворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарих, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимиға ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, ўз қасбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан ҳабардор бўлиш ва уни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётида фоллик ва бошқалар киради.

Маънавиятнинг юқорида келтирилган тушунчаларидан кўриниб турибдики, маънавият ҳар бир инсоннинг миллат, жамият, давлат ҳаёти, инсонлароро бўладиган ва ижтимоий ҳаётга нисбатан бўладиган муносабатларини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан ташқари, маънавиятнинг бошқа бир қатор тушунчалари ҳам бор. Бу ерда гап уларнинг ҳаммаси устида тўхташ ҳақида эмас, балки маънавиятнинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлиги, у инсон онги, руҳияти, ички дунёсининг салоҳияти, хатти-ҳаракатлари каби бир қатор масалаларни ўз ичига олишини тушуниб етиш ҳақида бормоқда. Маънавиятни чуқур таҳлил қилишда ана шу кўрсатилган тушунчаларни уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавият ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчанд бундай қонуниятлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил қиласи. Агар ички салоҳият ночор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллатнинг ўз бир бутунлигини сақлашга ва айни пайтда жамиятнинг юксак тараққиёт погонасига эришишига салбий таъсир киласи. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ички салоҳият асосий таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражалари эса объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда бўлишини тақазо этади.

Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиш жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда

шахс маънавий камолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилаверади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган «ўзаро таъсир» ва «ўзаро бойитиш» орқали намоён бўладиган жараёнлар киради. Яъни шахс маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида юзага келади. Ҳеч қачон шахс, инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан алоқа қилмасдан тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда «соф» миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик ёки кафолат бера олмайди. Жамият ҳам худди ана шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва «таъсирлар» асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига ниманидир «беради» ва ниманидир «қабул» қиласиди. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги «таъсир» ва «акс таъсир» қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қиласиди.

Маънавият тушунчалари ва унинг ривожланиш қонуниятлари ушбу курснинг бошқа мавзуларида ҳам ўрганилишини эътиборга олиб, бу ўринда қисқа тўхтаб ўтишни лозим топдик.

З-масаланинг баёни. Юқорида маънавиятнинг жамият, шахс ва миллат ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида фикр юритилди. Аммо уни реал ҳаётга қанчалик тадбиқ қилиш ё қилмаслик давлат олиб бораётган сиёsat билан боғлиқ. Тўғри, шахс ва миллат шаклланиши ёки жамият тараққиётининг барча босқичларида маънавиятнинг роли ва аҳамиятига эътибор бераб келинган.

Бугунга келиб маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятига нисбатан муносабат тобора кучайиб бормоқда. Собиқ иттифоқдош, бугунги мустақил давлатларнинг кўпчилигига бирида олдинроқ, иккинчисида кейинроқ маънавият омилиининг роли ва аҳамиятини оширишга имконият даражасида эътибор берилмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг тарихан қисқа вақт ичida Президент Ислом Каримовнинг бевосита ташабbusи асосида маълум тажрибаларни тўплашга Эришганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Маънавиятни кўтариш давлат сиёсатида устивор соҳага кўтарилди ва у ўзининг ижобий натижаларини кўрсата бошлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилинган маърузасида ҳам маънавият масаласи XXI аср бўсағасида иккинчи устивор йўналиш деб қаралди. Ҳозирда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялашимиз керак эканлиги уқдирилади.

Аслини олганда, ҳозирги кунда маънавиятнинг устивор соҳага кўтарилишининг бир қатор сабаблари бор. Биз бу ўринда ана шу сабабларнинг баъзиларинигина кўрсатиб ўтишни лозим топдик.

Биринчидан, жамиятда амалга ошириладиган барча вазифаларнинг тақдири, унда яшайдиган одамларнинг тафаккури, онги қай даражада ўсиши билан боғлиқдир. Уларнинг онги ва тафаккурини амалга оширмоқчи бўлган вазифалар моҳияти ва манфаати йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Ана шу маънода ҳам маънавият жамият ҳаётини ўзгартиришнинг муҳим механизми ҳисобланади ва ҳар қандай давлат ўз мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ривожлантиришга устиворлик билан қарайди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ Совет мағкурасидан воз кечиш байроғи остида умуман ҳар қандай мағкурага қарши кураш бошланди. Бу ўз навбатида одамларнинг маънавиятига, шаклланган қадриятларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Айниқса, матбуотларда баъзи олимлар, биринчи навбатда иқтисодий тафаккурни шакллантириш зарур, маънавият эса ана шу иқтисодий тафаккур заминида юзага келади деган фикрларни илгари сура бошладилар. Оқибатда одамлар руҳиятида яна бир томонлама кетиш турмуш тарзида етакчи ўринни эгаллай бошлади. Бу ўз навбатида, миллий манфаатлар ёки ватанпарварлик ҳақида қанчалик гапирмайлик, у ўзининг биз кутаётган натижаларини бермасдан, балки одамларда шахсий манфаатларга устиворлик бе-

ришга хизмат қила бошлади. Бундай салбий жараённинг юзага келиши янги жамият қуриш учун хатарли.

Учинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган иқтисодий муаммолар олдида одамларнинг аксарият қисми довдираб қолди, кўпчилик ҳолларда ёшларнинг таълим олиш, кассб ўрганиш, санъат ва бадиий асарларга қизиқишдан кўра бозорга чиқиш, пул топишга интилиш хавфини юзага келтирди. Тўғри, пул топиш, ўз ҳаётининг иқтисодий имкониятини мустаҳкамлаш ҳар бир инсон учун ҳаётий эҳтиёж ва зарурат ҳисобланади. Аммо бу эҳтиёж шахс ва миллат камолоти манфатларига зид бўлмаслиги, уларнинг маънавий қашшоқлашиб кетишига хизмат қилмаслиги лозим. Ана шу юзага келаётган хавфли жараённинг олдини олиш зарур.

Тўртинчидан, собиқ иттифоқ шароитида фан, техника, маориф, олий таълим, бир қатор саноат корхоналарини вужудга келтириш ва ривожлантиришда кўпгина ютуқлар қўлга киритилган эди. Аммо, улар марказ ва қолаверса «кatta ofa» манфатларига хизмат қилган. Ана шу потенциал собиқ Иттифоқдош Республикаларга турли баҳоналар билан рус миллати вакилларини юбориш, уларни маҳаллий халқни бошқариш, уларга рус турмуш тарзи, тили, урф-одатларини, характеристерини сингдириш ҳисобига мамлакатда рус миллати маънавияти устиворлигига таянувчи ягона тил, маънавият ва турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиб келган эди. Бундай айёrona ва зўравонлик сиёсати оқибатида миллатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилишига катта зарба берилди. Бу собиқ иттифоқда умуммиллий инқирозни юзага келтирди.

Бу инқироз миллатнинг «йўқ» бўлиб кетиши хавфини вужудга келтирди. Бундай салбий жараённинг олди олинмасдан, миллатнинг ривожланишига эришиб бўлмайди. Уни бартараф этиш фақат миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бешинчидан, маънавиятнинг давлат сиёсатида устивор бўлишига яна бир сабаб, миллат сон жиҳатидан каттами ёки кичикми бундан қатъий назар, унинг реал субъект, маълум моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси, истеъмолчиси, бошқаларда учрамайдиган, ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ва ўзининг мустақил ўрнига эга бўлиши каби омилларни, яъни чинакам миллат сифатидаги мақомини тиклаш ҳаётий

эҳтиёж даражасига кўтарилигган эди. Уни ҳал этиш миллат ва давлатнинг келажаги учун амалий аҳамиятга эгадир.

Олтинчидан, ўзбеклар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса кўшган халқдир. Унинг маънавият, фан, маданият соҳасидаги эришган ютуқлари жаҳон халқларига асрлар оша хизмат қилиб келмоқда. Аммо шўролар тузуми даврида аждодлари томонидан яратилган ана шу ютуқларни ўзбек халқининг онги ва қалбидан «чиқариш» борасида ҳам катта ишлар амалга оширилган эди. Мустақиллик шароитида эса уни қайта тиклаш, жаҳон цивилизациясидаги муносаб ва адолатли ўрнини тиклаш зарур эди. Бунга эса фақат маънавиятни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Еттингчидан, маънавият миллатни ва бутун мамлакат ахолисини маълум мақсадлар сари давлат атрофига уюштирувчи, уларни фаоллаштирувчи, ёрқин келажакка ишонтирувчи, инсон зотини улуғловчи, унинг қадрини англатувчи улкан «механизм» ҳамдир. Худди ана шу муҳим «механизм»дан мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга ошириш, миллатимизнинг қаддини кўтаришда фойдаланишга бўлган эҳтиёж давлатимиз, энг аввало Президентимиз Ислом Каримов томонидан ўз вақтида англаб олинди.

Ана шу сабаблар ва эҳтиёжлар мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин маънавиятни ривожлантириш ва миллий меросни қайта тиклашни давлатимиз ҳаётида устивор сиёsat даражасига кўтарилишига олиб келди. Шу сабабли Республика Президенти 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида<sup>1</sup>; 1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида<sup>1</sup>; 1999 йил 3 сентябрда «Республтика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-кўватлаш тўғрисидаги» фармонларини чиқарди. 1996 йил 9 сентябрьдаги фармонда, «...маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёsatининг асосий, устивор йуналиши, деб ҳисоблансан»<sup>1</sup>, деб белгиланди.

1998 йилнинг 24 июлида Вазирлар маҳкамаси «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи. 1996, 10 сентябр.

қилди. Юқорида қайд этганимиздек, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида ҳам жамият маънавиятини яна-да юксалтириш, ислоҳотларни амалга оширишда давлат сиёса-тининг устивор йуналиши эканлиги яна бир бор қайд этилди. Бу соҳадаги муҳим вазифалар, олдимиизда турган муаммолар ва уларни кечиктирмай ҳал этиш зарурлигига халқимиз эътибори қаратилди.

Ана шу муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда маънавиятни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Маънавиятни ривожлантиришдаги давлат сиёсати Президентимизнинг «Фидокор» газетаси муҳабири саволларига жавобларида «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» ва «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан бўлган мулоқотида «Куч – билим ва тафаккурда»<sup>1</sup>, деган концептуал аҳамиятга эга бўлган фикрларига монанд равишда амалга оширилмоқда.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ҳодиса; маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи; маънавият инсоннинг зот белгиси; маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур; маънавият инсоннинг ички, ботиний дунёси. Ақлий заковот ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қаноти. Олим бўлма одам бўл. Куч билим ва тафаккурда.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Маънавият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Маънавиятнинг шахс, миллат, жамият ҳаётидаги ўрни нимада?
3. Маънавиятнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
4. Маънавият тараққиётининг қандай асосий қонунларини биласиз?

---

<sup>1</sup> «Фидокор», 2000 йил, 8 июн.

5. Маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устивор йўналиши даражасига кўтарилиш сабаблари нимада деб биласиз?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. Ўзбекистон, 1998 й.
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент: Ўзбекистон, 1994 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.
5. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистан» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. Халқ сўзи 1999 й. 3 феврал.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон 2000 й.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил.
8. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
9. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т., Шарқ, 1998 й.
10. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат. Т. Шарқ, 1998 й.

**МАЊНАВИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, УЛАРНИНГ  
ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Режа:**

1. Мањнавият ва маданият, уларнинг ўзаро муносабати.
2. Мањнавий мерос - мањнавият ривожланишининг асоси.
3. Мањнавият ва мафкура, уларнинг жамият, инсон ҳётида тутган ўрни ва роли.

**1-масаланинг баёни.** Ўқитувчи мавзууни баён этар экан, аввалги маърузада мањнавият тушунчаси ва унинг жамият, кишилар ҳётидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтилганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Шундан сўнг бугунги маърузада мањнавий мерос, маданият, мањнавий маданият, мафкура, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, бир-биридан фарқлари ва ўхшашиклари тўғрисида фикр юритиш лозимлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Аслини олганда, мањнавият ва маданият бир-бирига яқин тушунчалардир. Аммо улар битта нарса эмас, бири иккинчисидан фарқ қиласи. Шунинг билан бирга улар бир-бирини тўлдириб турадилар.

Маданий ва мањнавий мерос ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шу сабабдан дарсни аввало маданият ва унинг турларини таҳлил этишдан бошламоқ мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, маданиятни, хусусан мањнавий маданиятни билмасдан, ўрганмасдан туриб, мањнавий мерос тўғрисида гапириш анча мушқул, инчунун мањнавий мерос мањнавий маданият доирасига киради.

Шундай экан маданият нима? Маданият тушунчасини изоҳлашга багишланган кўп илмий адабиётлар мавжуд. Маданият тушунчасига берилган таърифлар сони 260 тадан ошиб кетган. Муаллифлар бу тушунчага ҳар бири ўз нуқтаи-назаридан ёндашадилар. Бунга сабаб, маданиятнинг кўп қиррали, мураккаб, мањнавий-ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг инсон ва жамият ҳётининг барча қирраларни қамраб олганлигидир. Маданиятга берилган таърифларда муаллифларнинг фикрларини умумлаштирувчи томонлар мавжуд. Шу жумладан, уларни умум-

лаштирадиган бўлсак, маданият бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимини билдиради<sup>1</sup>. Кўринадики, маданият инсоннинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш ва ўзлаштиришдаги фаолиятини ифодалайди. У инсон ақл-идроқи, истеъоди ва меҳнати маҳсулидир. Юқорида айтилганидек, маданият жуда мураккаб кўп қиррали маънавий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларни, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Сирасини айтганда, ҳалқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маданий-маънавий бойликлар маданиятга киради. Маданият дейилганда, меҳнат қуролларини яратиш ва улардан фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кишиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўнікмалари, меҳнатни ижтимоий ташкил этиш, саломатликни сақлаш ишини йўлга қўйиш, аҳоли ўртасида билимларнинг ёйилиш даражаси ва маълумот, умумий, умумий мажбурий ва олий таълимни амалга ошириш, адабиёт ва санъат асарлари, ижтимоий, фалсафий, диний foялар ва шу кабилар назарда тутилади. Кўринадики, маданият одамзод ақл-идрокининг энг юксак чўққиларигача бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қамраб олади. У инсон фаолиятининг фақат моддий натижаларинигина эмас, шу билан бирга кишиларнинг меҳнат жараёнида воқеъ бўладиган билим бойликлари, тажрибалари, қобилияtlари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

Жамийт моддий ишлаб чиқаришининг икки амалий тури моддий: ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўнікмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиласидаган инсон томонидан яратилган барча моддий бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга моддий бойликларнинг бутун мажмуи, уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, технология, техник иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва

<sup>1</sup> Қаранг. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. 60-бет.

бошқалар киради. Шуларга қараб, моддий маданиятни бир қатор турларга бўламиз. Чунончи, ишлаб чиқариш ва техника маданияти, дәхқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, инженерлик маданияти, пазандачилик маданияти ва бошқалар.

Маданиятнинг иккинчи тури бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, хуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳакозолар йигиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас, халқ томонидан яратилади. Маънавий маданиятни яратиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш жараёніда жамият тараққий этади, меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланади, кишиларнинг маънавий қиёфаси шаклланади, ахлоқ одоби, дид ва фаросати, эстетик завқи, ижодий кучи ва қобилияtlари тараққий этади.

Умуман кишилик жамиятини маданиятсиз, хусусан маънавий маданиятсиз тасаввур қилиш қийин. Жамият, инсон бор экан у маълум маданиятга эга, бусиз бўлиши мумкин эмас.

Маданиятнинг барча турлари диалектик бирликда, ўзаро алоқадорликдадир. Моддий маданиятни маънавий маданиятдан батамом ажратиб қарап мумкин эмас. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёніда моддий ва маънавий маданият органик равишда бирикади. Бирорта меҳнат қуролини, моддий бойликнинг бирор турини инсон ақл-идрокисиз, тафаккурисиз, ақлий меҳнатисиз яратиб ва такомиллаштириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтсак, моддий маданиятни барпо этиш замирида ҳам маънавият ётади. Ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурданалари инсон ақлий ва жисмоний меҳнати синтези асосида юзага келади. Маънавий маданият воқеъликни бадиий акс эттириш ва ўзлаштириш воситасидир.

Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш билан чекланиб қолмаслик керак. Маданиятга кишиларнинг бирбирига муносабатлари, оила, мактаб, олийгоҳ, корхона, ташкилотлар, муассасалардаги ўзаро муносабатлари ҳам киради.

Үқитувчи моддий ва маънавий маданият ҳақида сўзлар экан, талабалар диққатини умуман маданият, хусусан маънавий маданиятни ривожланиш қонуниятларига тортиши жоиздир.

Маданий тараққиётнинг умумий қоидаларидан бири унинг тўхтовсиз равища бойиб бориши ва ривожланишидан иборат. Жамият ривожланиб бориши билан маданият ҳам сифат жиҳатидан ўзгаради. Бу деган сўз, жамиятнинг тараққий этиши маданиятнинг ўзгаришини талаб қиласди, маданиятнинг янгилаши эса ўз навбатида жамиятнинг тараққий қилишига сабаб бўлади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи олдинги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурӣ равища мерос қилиб олади, уни қайта ишлайди, ундан ижодий фойдаланади, уни янги юқори босқичга кўтаради. Инсоният томонидан яратилган энг яхши ва қимматли нарсалар, моддий ва маънавий бойликлар янги тарихий шароитда ўзлаштирилади, қайта ишланади ва ривожлантирилади. Шу ўринда үқитувчи талабаларга, ҳар бир авлод ўзи учун маҳсус янги моддий база ташкил этмаслигини, илм-фан ва маданиятни янгидан яратмаслигини, балки ўзидан олдинги авлодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятдан мерос сифатида фойдаланишини айтиб ўтиши лозим.

Маданият - умуминсоний ҳодиса. У барчага баравардир. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фантехника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчага тегишилдир. Худди шунингдек маънавий маданият ҳам миллий ва умуминсоний бўлади.

Миллий маънавият, маданият тарихий ҳодиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди. Ўрта Осиё ҳалқлари маънавий ва маданият тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, уларнинг неча минг йиллик маънавий камолот пиллапояларини босиб ўтганлигини аниқлаш бугун учун анчайин мураккаб муаммо.

Бошқача қилиб айтганда, бугунги айрим салтанатлар аҳди қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тибиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча фурурлансак арзиди.

Ўтмишда халқимиз маънавий маданиятнинг узвий қисми бўлган дини исломни ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб хиссасини кўшган. Дунёда энг машхур ҳадисшунослар олтита бўлса, шулардан тўрттаси бизнинг диёrimиздан чиқсан. 1998 йилда эса Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бизнинг юртда ва бутун ислом дунёсида кенг нишонланган булса, 2000 йилда имом ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги нишонланди.

2-масаланинг баёни. Энди маънавий мерос ва унинг маънавият ривожланишидаги баъзи жиҳатларини баён этамиз. Маънавий меросни изоҳлашдан олдин умуман цивилизация, мерос, хусусан, маданий мерос, маънавий мерос тушунчаларининг нисбати, хусусиятлари, фарқларини билиб олишимиз лозим бўлади. Чунки маънавий мерос умуман мероснинг, хусусан маданий мероснинг таркибий қисми саналади. Маданий меросни тушунмасдан маънавий меросни ҳам тушуниш қийин. Бу тушунчаларда умумийлик бўлса ҳам, улар бирдай эмас, ўзаро қайси бир жиҳатлари, хусусиятлари билан фарқланади. Маърузанинг олдинги масаласида кўрганимиздек ҳар бир жамият ва давр ўз маданият типига эга бўлади. Жамият, давр ўзгариши билан унинг маданият типи ва маънавиятида ўзгариш, янгиланиш бўлади, аммо маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, балки маданий мерос сифатида сақланиб қолади. Мерос инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари мажмуидир. Маданий мерос ҳам мерос доирасига киради, аммо ундан бироз фарқ қиласи. Ўтмишдаги барча маданият ёдгорликлари мерос сифатида сақланиб қолиши мумкин, лекин уларни ҳаммаси ҳам маданий қадриятга эга бўлавермайди. Маданий меросда кишиликнинг келгуси тараққиётига, маънавий юксалишига хизмат қиласидиган, унга ижобий таъсир қиласидиган қадрият аҳамиятига эга бўлган томонлар ҳисобга олинади.

Ўтмиш авлодлар яратган маданий ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам маданий мерос бўлавермайди, чунки ўтмишдан қолган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам қадрият аҳамиятига эга бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум. Масалан, Шўролар даврида яратилиб, унинг сиёсати, мафкурасини тарғиб этган, эндиликда ўз умрини яшаб ўтган китобларнинг бугун учун ҳам, келажак учун ҳам қадрияти,

аҳамияти йўқ. Тўғри, улар мерос, лекин маданий мерос эмас, уларни тарихий факт сифатида сақлаб қўйиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маданий мерос деб, ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қолдирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиласиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтишимиз мумкин.

Кишиликнинг ҳар бир авлоди аждодлари томонидан яратилган маданий бойликларни мерос сифатида қабул қилиб олади. Тарихий ворислик - жамият ва унинг маданияти равнақи шартидир. Минг афсуслар бўлсинким, Шўролар даврида маданий меросга тўғри муносабатда бўлинмади. «Бою заминдорларга, ҳоким синф табақаларига хизмат қилган ўтмиш маданиятининг бизга кераги йўқ, янги пролетар (йўқсил) маданиятни яратамиз» деган шиор остида собиқ Совет Иттифоқи халқларининг, жумладан ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятига қирон келтирилди, саройлар, масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, қаровсиз хароба ҳолига келтирилди, нодир асарлар ёндирилди. Бу сиёsat туфайли маданий мерос топталди.

Маданий ва маънавий мерос ўзаро бир-биридан фарқ қиласада, уларнинг ўртасига ўтиб бўлмас «Хитой» деворини қўйиш ҳам мумкин эмас, маданий меросни барпо этишнинг замираидаги маънавият - яъни инсоннинг маънавий - руҳий билимлари, қобилияти, истеъоди, ақли, эмпирик ва назарий билим тажрибалари, меҳнат малакаси каби бошқа маънавий фаолиятлари ётади. Маданий ва маънавий мерос ўртасида умумийлик ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айни пайтда улар ўртасида юқорида айтилган алоқадорлик, боғликлик, ўзаро муносабат, таъсир бор. Шунингдек, маданий мерос ўз кўлами жиҳатидан маънавий мерос тушунчасидан кенгроқ.

Маданий меросда кўпроқ умумийлик устунлик қиласа, маънавий меросда хусусийлик устунлик қиласиди. Маданий мерос умуман маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олса, маънавий мерос маънавий маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олиши билан фарқланади. Маданий мероснинг қадри абадул-абад тушмайдиган қисмига миллий қадрият дейилади. Ана энди астасекин маънавий мерос тушунчасига яқинлашмоқдамиз. Маънавий бойликлар авлоддан авлодга, бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият, унинг маънавий тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Маънавий мерос деб узоқ ва яқин

ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан фоят қимматли, ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиласидиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади. Маънавий мерос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, жумладан фалсафа, адабиёт, санъат, ахлоқ, диндаги реал, дунёвий таълимотлар, ҳурфикарлик ва бошқалар киради.

Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан янги аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди.

Маънавий мерос бирор ҳалқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё ҳалқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мерос бунга мисол бўла олади. Маънавий меросимиз жиҳатидан жаҳондаги олдинги ўринлардан бирини эгаллаймиз. Президентимиз Ислом Каримов қайд этганидек, «Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёузвлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асалар бизнинг бекёёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин...»<sup>1</sup>. Буларнинг ҳаммаси Турон заминида яшаган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидирким, энди бу нодир маънавий меросимизни жиддий ўрганиш, ҳалқимизга етказиш даври келди. Бунинг учун барча имкониятлар мустақил давлатимиз томонидан, бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабbusи билан яратиб берилмоқда. Бу имкониятларни рӯёбга чиқариш учун тарихчи, олим, адабиётчи, санъаткорлармиздан, қўйингки миллий маънавиятимиз жонкуярларидан файрат-шижоат, қунт билан ишлаш, изланиш талаб этилади. Президентимиз айтганларидек, ҳалқимизнинг таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи катта бир хазина. Бу хазинадан мус-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: Шарқ, 1998, 2-бет.

тақиғлигимиэни мустаҳкамлашда оқилона фойдаланишимиз лозим. Қадимий ёзувлар, битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, улуг шоир ва мутафаккирларимиз яратган дунёвий ва бадиий асарлар, Куръони Карим, ҳадислар, Яссавий ва Бақирғонийлар яратган диний-ахлоқий руҳдаги асарлар, Ахмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиблар яратган ахлоқий, панд-насиҳат типидаги асарлар, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий яратган, инсон ички дунёси, руҳиятига қаратилган таълимотлар, Навоийнинг ўлмас бадиий ижод ҳазинаси ва бошқалар бизнинг бой маънавий меросимиз ҳисобланади. Улар инсон ички дунёсини, руҳиятини, инчунун маънавиятни сайқал топишига қаратилган. Уларда инсонлар маърифатга, илм-билим олишга, юксак ахлоқ-одобга, олижаноб фазилатларга, яхшиликка даъват этилади, ёмонлик, ёвузлик қораланиб ундан сақланишга чақирадиган панд-насиҳатлар, ўгитлар жуда кўп. Улар кишиларни маънан тарбиялайди. Маънавиятсизлик, маънавиятдан маҳрум бўлиш инсонни ўғирлик, юлгичлик, порахўрлик каби иллатлар сари йўллайди. Бундан Оллоҳнинг ўзи асрасин! Маданият, маънавий ва маданий мерос, маънавият ривожи инсоният цивилизацияси билан боғланиб кетади. Аммо уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди. Цивилизациянинг ўзи инсониятнинг маданияти ва маънавияти тараққиёти босқичларида рўй берувчи сифат жиҳатидан янги босқичи бўлиб, кишилик жамияти тарихида чуқур из қолдиради. Цивилизация — маълум бир тарихий босқичда инсониятнинг маданият тараққиётида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жиҳатидан янги, юқори ютуқлари мажмуи.

Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан тубдан фарқ қиласидиган, аммо ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги буюк, юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки, у ўзидан олдингисини қабул қилмайди, балки сифат жиҳатидан янги, унга ўҳшамаган ўзгаришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади.

Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамиятнинг, тарихий босқичнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриялари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади. Ҳозирги даврда илмий адабиётда уни «Шарқ» ва «Фарб» цивилизациясига

бўлиш қабул қилинган. Инсоният тарихидаги бу цивилизациялар ҳинд, конфуцийлик, буддавийлик, мусулмон ёки католик, православ ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши шаклида намоён бўлган.

Бугунги цивилизация инсониятнинг оламни билиши, ундан умум-башарий манфаатлари йўлида фойдалана билиши, ҳар бир ҳалқчинг умуминсоният тараққиётига хизмат қилувчи маънавияти ва маърифати шаклида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, маданият, маънавий мерос, цивилизациялар ютуғи жамият ва инсон маънавиятининг ривожланишида, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўтмишда топталган маънавий меросимизни тиклашга қатъян киришилди.

З-масаланинг баёни. Маънавият ва мафкура бир-бирлари билан мустаҳкам боғлангандир. Маънавият инсоннинг руҳияти, ўзини-ўзи англаши, юксакликка интилишидаги салоҳияти бўлса, мафкура - маълум бир давлат, жамият, миллат, синф ва ижтимоий гуруҳлар ҳуқуқий, фалсафий, бадиий, диний фоя, назария ва қарашлар тизими ҳисобланади.

Мафкуранинг маънавиятда тутган ўрни шундаки, у инсон, жамият, ёхуд миллат ёки гуруҳларнинг интилишлари, руҳиятлари ва кайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Маънавият сингари мафкуранинг давлат ва жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда каттадир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойdevор бўлиб келган»<sup>1</sup>. Мафкура жамият тараққиётида қўйидаги вазифаларни бажаради: биринчидан, давлат ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларидағи вазифаларни ўзида мужассамлаштиради; иккинчидан, бир давлат, бир мамлакат миқёсида барча фуқароларни, турли миллат, элат, синфлар ва ижтимоий гуруҳларни бир фоя ва мақсад сари бирлаштиришга хизмат қиласи; учинчидан, давлат олиб борадиган ички ва ташқи сиёсат foяларини ўзида мужассамлаштириб, уни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқбол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил. 5-6 бетлар.

фуқароларга тарғиб этади; тўртинчидан, давлат доирасида яшаётган фуқароларни яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорлик фаолиятларини фаоллаштиради ва уларни жамият мақсадларига йўналтиради; бешинчидан, халқнинг орзу-умидларини ўзида ифода эттиради, жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун бутун жамият ва фуқароларни ҳаракатга келтиради; олтинчидан, мафкура жамиятда маълум сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий қарашларни шакллантиради.

Мафкуранинг жамият, миллат, шахс ва фуқаро ҳаётидаги ана шундай ролига қарамай, мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизда умуман мафкурага унинг моҳиятини тушунгандар ҳам, тушунмагандар ҳам қарши кураш бошлаб юборган эдилар. Яъни ҳеч қандай мафкурага эга бўлмаган, мафкуравий бўшлиқقا асосланган, ўз гоясига эга бўлмаган жамият қуриш каби қарашларни илгари суро бошладилар. Бу жараён республикамиз Президентининг 1993 йил 23 апрелидаги республиканинг бир гуруҳ адиллари билан учрашувида «Миллий истиқлол мафкураси»ни яратиш вазифасини кун тартибига кўйгунича давом этиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош мұхаррири ва «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида миллий ғоя, миллий мафкуранинг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги тутган ўрни, аҳамияти баён қилиб берганлигини алоҳида таъқидлаш жоиз: «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин»<sup>1</sup>. Буни ҳар бир инсон, Ўзбекистон фуқароси чуқур англаши, мағзи-мағзига этиб олиши керак. Негаки, жамиятнинг, жамият аъзоларининг мустаҳкам ва равшан мафкураси, гояси, мақсади бўлмаса, инқирозга юз тутади. Инсоният тарихида давлатлар ва жамиятлар пайдо бўлибдики, уларга эгизак ҳолда мафкуравий қарашлар ҳам шаклланган. Боиси

мафкурасиз давлат ёки жамият бамисоли ҳеч бир мақсад-режасиз, таваккал қилиб йўлга чиқсан одамга ўхшайди. Йўлга чиқдингми манзил, мақсад аниқ бўлмоги керак. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мафкура муаммосига алоҳида эътибор қаратиб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур, №2, 1998 йил.

келмоқдалар. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволлариға жа-  
вобларида мағкурунан миллий тоғы халқни-халқ, миллатни-миллат  
қыладиган, унинг истиқбол йүлларини юксак мақсад ва эътиқод  
нурлари билан ёритадиган курдатли маънавий омил, деб търиф-  
ладилар<sup>1</sup>. «Туркистан» ва «Фидокор» газеталари мұхбирлари савол-  
ларига жавобларида бу тоғылар янада ривожлантирилди, мағкура  
муаммоси күн тартибига президентимиш томонидан янада жицдий  
қўйилди. Бунга сабаб «...ҳозирги замондаги энг катта хавф инсон-  
ларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган  
мағкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мағ-  
кура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қиласди<sup>2</sup>.  
Мана шунинг учун ҳам Ислом Каримов мунтазам равищда мағку-  
ра дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслигига, шундай ҳолат юз  
берган тақдирда бўш қолган мағкура майдонида бизга бегона, ор-  
зу-интилишимизга мутлақо ёт тоғылар ўрин эгаллашга уриниши  
шубҳасиз эканлигига ҳаммамизнинг диққатимизни такрор-такрор  
қаратиб келаётганларни бежиз эмас<sup>3</sup>.

Президентимиз мафкура ууммиллий, уумхалқ аҳамиятига эга бўлиб, у халқни, миллатни бирлаштирувчи, умумсафарбарликка даъват этувчи куч эканлигини таъкидладилар. Инсон, унинг қадр-қиммати, фаровонлиги, Ватанимизнинг ёрқин келажаги бизнинг миллий формиз, миллий мустақиллик мафкурамизнинг негизини ташкил этади.

Президентимиз И. Каримов миллий истиқол мағкурамиз, аввало халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйгуларини онгимизга сингдириши лозимлигини таъкидладилар.

Шу билан биргә, бу мафкура халқымизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига сүянган холда, умуминсоний қадриятларга асосла-ниб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳукуқли ўлароқ муносиб ўрин әгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоги керак<sup>4</sup>.

Юртбошимиз миллий гоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб берин ке-

<sup>1</sup> Каанг. Ўша ёрда.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Миллий истиқол мағкураси – халқ әзтиқоди ва буюк келажак-ка ишончидир. 7-бет.

<sup>3</sup> Карапт. Ўча ерда. 8-бет.

<sup>4</sup> Карап. «Туркестон» газетаси. 1999 йил. 2 февраль.

раклигини таъкидлаб, қўйидаги дастурий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазаларни билдирган эдилар:

Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъана-налари-мизни англаш туйгуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт<sup>1</sup>.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва тоғлар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гурӯҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини умумсафарбарликка дъявот этувчи куч эканлигини таъкидладилар.

Учинчидан, миллий фоя биринчи навбатда ёш авлодимишни ватанпарварлик, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларида мададкор бўлиши зарур.

Тўртинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиши, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил дъявот қиласидиган фоя бўлиши керак<sup>2</sup>.

Мустақиллик бизни порлоқ ривожланиш имкониятларига эга қилди. Халқимиз катта орзу-мақсадлар ва интилишлар билан яшайти. Ҳукуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти - олдидизда турган нурафшон манзилдир. Аммо бу манзиллар ўз-ўзидан дунёга келмайди, уни ўз-ўзидан машаққатсиз, изланишларсиз, яратувчилик, ижодкорлик ишларисиз эгалланмайди. Янги жамият юксак даражада ривожланган онгни, маънавий камолотни янада баланд босқичга кўтарилишини тақазо этади. Илгор демократик қоида ва тушунчалар билан бойиган миллий мустақиллик мафкурамиз ана шу янги маънавиятнинг ҳал қилувчи мезонларидан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, маънавият мафкурасиз ривожлана олмаслигини кўрамиз. Чунки, инсон руҳиятини шакллантириш, миллий қадриятларни тиклаш ва

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 203-бет.

<sup>2</sup> Қаранг. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин; Миллий истиқтол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir.

жамият мақсадларини амалга оширишда мафкура ҳаракатга келтирувчи куч сифатида катта аҳамият қасб этаверади.

Хуллас, мафкура умуммиллатга, умумхалққа, бутун жамиятга тааллуқли улкан ғоялар бирлигидир. Аммо унинг илдизлари ҳар бир инсоннинг қалбида, виждонида, иймонида, ақл-идроқи ва тафаккурида. Шу боис, ҳақиқий, ҳаётий, чуқур инсоний мафкураси бор халқ, мамлакат ва жамият қудратлидир.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Маданият инсон фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий-сийёсий ва маънавий ҳаёт соҳасида яратган моддий ва маънавий бойликлар тизими; маданият одамзот ақл-идроқининг маҳсули; моддий ва маънавий маданият; маданий ва маънавий мерос; ўзбек халқининг бой маънавий мероси; маънавият ва мафкура; мафкура ва жамият тараққиёти; миллий истиқбол мафкураси.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Маданият нима? Унинг қандай турларини биласиз?
2. Нима учун маданият умуминсоний ҳодиса саналади?
3. Маданий ва маънавий мерос нима? Уларнинг фарқи.
4. Ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросига нималар киради?
5. Мафкура ва маънавият муносабатларини қандай тушунасиз?
6. Миллий истиқбол мафкурасининг мазмуни ва моҳияти.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиқбол ва маънавият. Т., Ўзбекистон, 1994й.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998 й.
4. Каримов И.А. Миллий мафкура – келажак пойдевори. Халқ сўзи, 2000 йил, 7-апрел
5. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблари. «Фидокор», 2000 йил 8 июнь.
6. Маънавият ўлдузлари. Т., 1999 й.
7. Абилов У. Миллий ғоя маънавий омиллар. Т., «Маънавият», 1999 й.

## **МАЊНАВИЯТ, ИҚТИСОД ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИГИ**

### **Режа:**

1. Иқтисодиёт тушунчаси. Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос бозор иқтисодиёти йўлидан – жаҳон тан олган «Ўзбекистон йўлидан» ривожланиши.
2. Мањнавият ва маърифат жамиятнинг юксак иқтисодий тараққиётга эришиш шарти эканлиги.
3. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва мањнавий-маърифий асослари.

**1-масала баёни:** Мазкур мавзунинг биринчи масаласи баёнида асосий эътиборни Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мањнавий тараққиёт борасида танлаб олган бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, ҳаётийлиги масаласига, бу борада эришилган ютуқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга қаратиш лозим.

Инсон озиқ-овқат, кийим-кечак, яшаш жойга мухтоҷ. Ҳайвонот дунёси ҳам озиқ-овқатга мухтоҷлик сезади. Инсон ишлаб чиқариш орқали ўз эҳтиёжларини қондиради, ҳайвонлар эса ҳеч нима ишлаб чиқармайдилар. Инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу борада юзага келадиган муносабатларни иқтисодиёт фани ўрганади. Абу Али ибн Сино фанларни тасниф қиласи, иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фанлар қаторига киритади. Ўрта асрларда илмлар таснифи билан шуғулланган Абу Абдуллоҳ ал Хоразмий ҳам иқтисодиётни хўжалик юритиш соҳасидаги амалий фалсафий фан доирасига киритади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва кишилар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар бозор муносабатларини келтириб чиқарган. Ўрта Осиёда бозор муносабатлари қадим замонлардан бошлаб шаклланган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йиллар муқаддам Бухоро ва Хива савдогарлари одамлар кўзини қувнатиб, ҳайрон қолдирган товарлар ва буюмларни Хиндистон ва Хитойга, Россия ва гарбий Оврупа мамлакатларига етказиб борганлар. Ўрта Осиёда бозор муносабатларининг қадимдан ривож топганига «Буюк Ипак йўли» яққол мисол

бўла олади. Шундай экан, ҳозирги замон тилида ишлатилаётган бозор иқтисоди ва унинг моҳияти нима? Уни қисқача ифода-лайдиган бўлсак, у қўйидагиларни англатади:

Бозор иқтисоди деган сўз биринчи навбатда мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, холосани топиш демакдир.

Бозор иқтисодининг асосий шарти ва талаби – мумкин қадар кўпроқ ва мумкин қадар сифатлироқ, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Худди шу талабларни амалга оширишнинг энг қулай шароитларини капитализм даври юзага келтирди. Натижада инсоният кейинги беш аср ичida ундан олдинги ҳамма тарихдагидан кўп моддий ва маънавий қадриятлар яратса олди. Бозор иқтисоди ҳукмрон мамлакатлар моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қайнар булогига айланди. Бу даврда инсониятнинг ҳақиқий ақлий салоҳияти, яратувчилик имкониятлари намоён бўлди.

Жаҳон тажрибаси, шу жумладан ўзимизнинг мамлакатимиз тажрибаси ҳам иқтисодиёт фақат унинг ўзигагина хос бўлган қонунлар асосида ривожланиб борганилигини кўрсатади. Бозор муносабатларининг қонунларини назар-писанд қилмаслик, бузиш иқтисодиётни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, собиқ Иттифоқда 70 йилдан ортиқроқ давр мобайнинда бозор иқтисодиётига алоҳаси бўлмаган иқтисодиётни яратишга уриниб кўрилди. Бу собиқ мустабид тузумга ва унинг ҳалқига жуда қимматга тушди.

Иқтисодиётнинг ҳам ўз обьектив қонун-қоидалари, сирасорлари борки, улар билан ҳисоблашмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Ҳар доим иқтисод ўз йўлидан бораверади, уни тўхтатиш мумкин эмас. Кимки иқтисод қонунларини назар-писанд қилмаса, унинг косаси оқармайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, у қайси йўлдан бориши керак, деган масала олдимиизда кўндаланг бўлиб турди. Юртбошимиз Ислом Каримов мустақилликка эришишимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳондаги турли мамлакатларнинг тажрибаларини чукур ва ҳар томонлама ўрганиб, Мустақил Ўзбекистоннинг бундан буёнги тараққиёт йўли бозор иқтисодиёти муносабатлари йўлидан бориш эканлигига қатъий ишонч ҳосил этди.

Аммо бозор муносабатларининг қайси йўли, қайси шакли биз учун мақбул, қайси бирини ўзимизнинг бундан буёнги та-

раққиётимиз учун танлаб олишимиз кераклиги масаласи олдимизда турган муаммо эди. Бозор муносабатларига ўтиш Англияда 200 йил, бошқа мамлакатларда 100-150 йил мобайнида, Япония, Куря мамлакатларида 20-30 йил давомида амалга ошган, шакланган.

Юқорида айтганимиздек, бозор муносабатларига ўтиш давр талаби. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ. Буни республикамиз аҳли тўғри англаб етди. Аммо кутиб ўтиришга вақт йўқ. Вақт, давр ниҳоятда тифиз. Тезкорлик билан мустақил Республикализнинг бозор муносабатларига қандай қилиб, қайси усулда ўтишини танлаб олиш, бунда жаҳоннинг барча илгор тажрибаларини умумлаштириш ва фойдаланишини ҳал этиш лозим эди. Бунинг уддасидан чиқдик. Бунда Президентимиз Ислом Каримов катта шиҷоат кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳонда орттирилган барча ижобий тажрибаларини ўрганиб, ҳалқимизнинг тарихий тараққиётига, руҳиятига, миллий хусусияти, иқълим шарт-шароитларига, мамлакатимизнинг жуғрофий мавқеига асосланган ўзимизга хос ва мос йўлни белгилаб олдик.

Ушбу йўлнинг, концепциянинг қоидалари Президентимиз китобларида, мақолаларида ва нутқларида, мамлакат парламенти қабул қилган қонунларда, хусусан Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» асарида ҳар томонлама асосланиб, баён қилиб берилган. Бу «Ўзбекистон йўли»-«Ислом Каримов йўли» сифатида жаҳон бўйича юксак баҳоланиб келинмоқда. Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ишлаб чиқсан ва илгари сурган беш тамойилда ўз ифодасини топган. Бу тамойиллар фақат бизнинг мамлакатимизда эмас, эндиликда бошқа мамлакатларда ҳам тан олинди.

Бу тамойиллар қуйидагилар:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши керак ва бунинг учун иқтисодиёт мафқурадан холи бўлиши;

иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши;

учинчидан, қонун ва қонунларга риоя қилишнинг ҳамма нарсадан устунлиги;

тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат;

бешинчидан, бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши.

Юқоридаги беш тамойилни қисқа изоҳлайдиган бўлсак, улар қўйидагиларни англатади:

Биринчидан, иқтисодиёт сиёсий манфаатларга буйсундирилганда, у барбод бўлади. Буни Шўролар мисолида кўришимиз мумкин. На сиёсат, на мафкура иқтисодиётни назорат қилиши, унга тазийиқ ўтказиш даражасига кўтарилимаслиги керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши лозим. Бозорнинг қоидаси шундай: кимнинг маҳсулоти яхшироқ ва арzonроқ бўлса, ўша маҳсулотга талаб ҳаммадан кўра кўпроқ бўлади. Бу ерда ҳеч қандай сиёсат ёки мафкура ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Иккинчидан, Ислом Каримовнинг «Давлат асосий ислоҳотчи бўлиши зарур. У ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар (ретрографлар) ва консерваторларнинг қаршилигини бартараф этиши шарт»<sup>1</sup> деган фикри ўта аҳамиятлидир. Мустақил Ўзбекистон бошқариладиган маърифатли бозор иқтисодиётига ўтаётир. Унга фақат давлатнинг бошқарувчилик кучига таяниб ўтиш мумкин.

Учинчидан, Ислом Каримов ўзининг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласида ҳамманинг қонунга итоаткор бўлиши, қонуннинг ҳамма нарсадан устун туришини таъкидлаб ўтган. Биз демократик жамият сари борар эканмиз, у ерда қонун устиворлигини унутмаслигимиз, қонун олдида ҳамма тенг, уни бузишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини билишимиз лозим.

Қонуннинг устиворлиги ҳуқуқий давлат барпо этиш заруриятидан ҳам келиб чиқади.

• Маърифий дунёдаги бозор бу энг аввало қонунга ҳурмат демакдир.

Тўртинчидан, республикамиизда кўп сонли кишилар турмуш даражасининг пастлиги тоталитар иқтисодий тузумдан қолган мерос. Биз танлаган йўлнинг ўзига хослиги шундаки, фақат аҳоли ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали бозор муносабатларига ўтилишидир.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаларида ҳам XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳатларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилиши алоҳида

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. 102-бет.

таъкидланганлиги диққатга моликдир. Унда келгусида ҳам давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтоҷ бўлган кишилар ва оилалар ижтимоий ёрдам олишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бешинчидан, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов доимо ислоҳат ўтказишда шошқалоқликка йўл қўйиб бўлмаслиги, уни эҳтиётлик билан секин-аста ўтказиш зарурлигини таъкидлаб келмоқдалар. Шуни айтиш керакки, ислоҳат биз учун мутлақо янги иқтисодий тизимни, бозор тизимини яратиши керак. Янгилик ҳеч қачон бирданига юзага келмайди, ҳар доим иқтисодга босқичма-босқич борилган. Ўзбекистондаги бозор иқтисодига ўтиш ҳам шу нарсадан холи эмас.

Хуллас, ўқитувчи маъруза режасидаги биринчи масала юзасидан юқоридагиларни баён қиласар экан, бу соҳада ҳозиргacha эришилган ютуқлар ва ечимини кутаётган долзарб муаммолар тўғрисида ҳам тўхтаб ўтиши лозим. Бу масалалар эса давлат раҳбаримиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт — пировард мақсадимиз» китобларида баён қилиб берилганлигига талабалар диққатини қаратиши лозим.

**2-масала баёни:** Иқтисод ва маънавият ўзаро чамбарчас боғлиқ. Маънавиятсиз иқтисод ва иқтисодиётсиз маънавият юксак босқичга кўтарила олмайди.

Олдин иқтисодий масалаларни, вазифаларни ҳал қилиб, сўнг маънавият билан шуғулланиш лозим дегувчилар қаттиқ адашади ва алданадилар. Бундай йўл, усул хато ва нотўғридир.

Иқтисодиётнинг сиёsatдан устиворлигини юртбошимиз Ислом Каримов бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири эканлигини қайта-қайта уқтириб келмоқдалар. Бундан айрим кишилар бизга мафкура, сиёsat керак эмас, деган нотўғри хulosага келиб ижтимоий фанларга нисбатан нотўғри муносабат билдира бошлаган даврлар ҳам бўлди. Бу нўноқ, узоқни кўра билмайдиган одамлар фикри. Олдинги маърузаларимизда айтганимиздек, маънавиятсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай иқтисодий масалаларни маълум маънавият ва маърифат соҳиблари ҳал этадилар. Мамлакат қанчалик иқтисодий ривожланган бўлса, бу мамлакатда

маънавият ва маърифат шунча юксак бўлади. Юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган мамлакатнинг иқтисодий куч-кудрати ҳам юқори бўлади. Демакки, маънавияти ва маърифати юксак инсон юрт, мамлакат, ҳалқи олдида ўзига юклатилган масъулиятни чукур ҳис этади. Шу юрт, мамлакат, ҳалқ учун ҳалол, фидокорона яратувчилик, бунёдкорлик меҳнати билан унинг юксакликка парвози учун ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини тे-ран ҳис этади. Шундай қилиб, юксак маънавият ва маърифат юксак иқтисод, юксак иқтисод эса юксак маънавият ва маърифат билан боғланаб кетади.

Айрим кишилар эркин бозор иқтисоди шароитида маънавий-маърифий ва ахлоқий қадриятларнинг қиймати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади, маънавий қашшоқлик авж олади, деб даъво қиласилар. Эркин бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бундай қарама-қарши қўйиш мутлақо ўринсиз, таксинча юқорида айтганимиздек улар бир-бирларини тўлдиради, чунки фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳатларга тайёр бўлиши мумкин.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун ҳолда боради.

Мана шунинг учун ҳам жамият маънавиятини янада юксалтириш XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги устивор йўналишлардан бири эканлиги иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясида белгилаб қўйилди. Юртбошимиз И.А. Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» китобида таъкидлаганидек, ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт<sup>1</sup>.

Демак, маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради. Ҳозирда иқтисодий ислоҳотларнинг янги, юқори босқичига ўтаётган эканмиз, демак ишлаб чиқариш тармоқлари ишга тушиб, иқтисодий юксалиш юз беради. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир қиласади. Хусусан,

<sup>1</sup> Қарант: И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 25-бет.

бунга кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уни амалга ошириш борасидаги ишлар яққол мисол бўла олади.

Кейинги йилларда Президентимиз Ислом Каримов маънавият – иқтисодий ривожланишнинг ҳам асосидир, деган янги фикрни ўртага ташлади. Шўролар замонида маънавиятнинг ро-лига бунчалик катта эътибор берилмаган эди. Умуман, биз узоқ йиллар давомида маънавият, маданиятни иқтисоддан кейинги ўринларга қўйишга одатланиб қолган эдик. Эндиликда маънавият биринчи ўринга чиқди.

Маънавиятнинг биринчи ўринга қўйилишига иккита сабаб бор: Биринчидан, биз Япония каби юксак ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт омилларини ўрганиб, фақат юксак маънавиятгина юксак иқтисодий ривожланишни таъминлаши мумкинлигига амин бўлдик.

Иккинчидан, республикамизда иқтисодий ривожланишни орқага суроётган, унга тўсиқ бўлаётган сабаблардан энг муҳими – маънавиятсизлик эканини англаб етдик. Бу ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, аммо уни тан олмасдан иложимиз йўқ.

Иқтисод, маънавият ва маърифатнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини бизнинг ота-боболаримиз тўғри тушуниб етганлар. Шунга таянган ҳолда улар комил, маънавияти юксак инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, бошқача айтганда ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Ундаги асосий ўзак, жиҳат киши қалбida ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши, бозор муносабатларида инсоф ва диёнат, харидорга муносабатда самимийлик, юмшоқ муомала, харидор кўнглини топишга интилиш асос қилиб олинган.

Маънавияти юксак киши бирорвнинг ҳақига, давлат, жамоа мулкига ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, эли, юрти, халқи учун жонини фидо этишга ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, пораҳур, ўғри, қаллоб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайди. Сиз бўлажак мутахассислар бундай кишилардан йироқ бўлинг, уларга нисбатан нафратли бўлинг, улардан ўrnak олманг.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада ривожланган иқтисодиёти билангина эмас, балки билимдон, маънавияти етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни ҳайратга солиши ва унга юз тутиши лозим. Бунга эса иқтисод ва маънавият, маърифатни бир-

га, ўзаро мутаносиб, муштарак ривожланишига аҳамият берганимиздагина эришишимиз мумкин.

Биз мақсад қилиб олган цивилизациялашган бозор муносабатлари фақат юксак маънавият ва маърифат негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида бунёд этилиши мумкин. Буни ҳаммамиз теран англаб олишимиз керак.

Маънавият ва маърифатли, иймонли кишиларгина ўзининг ҳалол-пок меҳнати билан бойлик яратувчи, изланувчи, инсофли, меҳнатсевар, тадбиркор, эл-юрт дардига малҳам бўлувчи ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Шундай фуқароларга эга бўлган мамлакат, жамият иқтисодий тараққиёт поғоналаридан узлуксиз юқорига кўтарилиб боради.

Маънавиятли ва маърифатли кишиларда яхшиликка мойиллик ва ёмонлиқдан тийилиш ҳисси кучли бўлади. Демакки, турли ёмонликлардан тийилиш ҳисси жамиятда осойишталик ва фаровонликка олиб келади.

Келажак ёшларники бўлгани учун ҳам мамлакатимизда уларнинг маърифатли, тадбиркор, зукко ва ўз касбининг устаси, иймон-эътиқодли, замон талаблари даражасида етук, маънавий баркамол бўлишлари учун Президентимиз бошлиқ ҳукуматимиз ва кенг жамоатчилик барча имкониятларни яратиб бермоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, ҳунар эгаллашни изчиллик билан амалга ошириш иқтидорли ёшларга очилган кенг имкониятдир. Бу борадаги олиб борилган иш Олий Мажлиснинг IX сессиясида кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонунини қабул қилинганлигида ҳамда бу масала иккинчи чакирик Олий Мажлис биринчи сессиясида устивор йўналишлардан бири қилиб белгиланганлигида ўз ифодасини топган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига боғлиқ.

Шундай қилиб, маънавий баркамол, маърифатли, маданиятли, тадбиркор, фозил инсон энг олий фаолият – меҳнат, яратувчанлик, бунёдкорлик билан машғул бўлиши учун, унинг яшаши ва шароитини тубдан яхшилаш тараққиётимизнинг объектив қонунияти бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш ва унинг ривожи тадбиркорлик билан чамбарчас боғланиб кетади. Зотан бозор иқтисодиётининг талаби тадбиркорлик ва ишбилармонликдир. Тадбиркор ҳам маънавий пок, маърифатли бўлиши керак.

Тадбиркор ҳалол ва ҳаромни ажрата билиши, ҳаромдан ҳазар қилиши лозим;

тадбиркор маърифатли, дунёқараши кенг қамровли, бир – ёқламалиқдан ҳоли бўлиши лозим;

тадбиркор ўзи бошлаган ишга қатъий ишонган бўлиши, аниқ мақсадни ўз олдига қўйган ва унинг натижаларини аниқ тасаввур эта билган бўлиши лозим;

тадбиркор ўз хатоларини тан ола билиши ва уни ўз вақтида тўғрилашга интилиши керак;

тадбиркор таваккалчасига ҳам иш юритиши, унга бориши керак;

тадбиркор фаросатли, инсофли, меҳнатсевар бўлиши керак ва бошқалар.

Хуллас, мустақил Ўзбекистон танлаб олган бозор иқтисодиёти йўли шунинг учун ҳам истиқболлики, у ҳар бир кишидан ўта тадбиркорликни, ҳозиржавобликни, тежамкорликни, уддабуронликни, вақти-соати келганда сабртоқатлиликни, совуққонликни, ҳар бир вазиятда ишнинг кўзини билишни, муомалада ниҳоятда эҳтиёткорликни, ҳар бир сўзнинг шакли ва мазмунини ажратишни ва фарқ қилишни талаб этади.

Юқорида тадбиркор хислатлари қандай бўлиши ҳақида қисқа фикр юритдик. Бу хислат ва хусусиятлар ўзбек ҳалқида азалдан мавжуд. Афсуски, уларнинг кўпчилиги турли сабаблар таъсирида кишиларимизнинг ёдидан чиқиб, хаёлидан озми-кўпми кўтарилган, ёки мустабид тузум ва унинг мафкурасига ёт нарсалар сифатида ўз орасидан ҳайдаб чиқарилган. Энди улар тикланиши ва ҳаётимиизда ўзларига хос ўрин эгаллаши керак. Бозор иқтисоди – демакким замон талаби, мустақиллик қонуни. Мамлакатимизда кишиларнинг, айниқса ёшларнинг тадбиркорлик иши билан шуғулланишларига барча имкониятлар яратилган ва у қонун билан мустақкамланган. Вазифа ана шу қонун доирасида тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириб, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига олиб чиқишидир. Шунинг учун ҳам ёшлар бизнинг, мамлакатимизнинг келажаги деймиз. Зотан буюк келажак маънан юксак, маърифатли ёшларимиз қўлидадир.

З-масаланинг баёни. Ўқитувчи Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий маърифий асослари тўғрисида сўзлар экан, аввало Ўзбекистон бой имкониятлар мамлакати эканлиги тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов

айтган фикрларга талабалар диққатини тортиши зарур. Бу борада юргандашимиш Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарларидан тўлиқ жавоб топишимиз мумкин. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг иқтисодий асослари тўғрисида сўз кетгандан унинг ноёб табиий-хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистон келажаги буюк давлат дейилганда худди шу имкониятлар ҳам назарда тутилганлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Юргандашимиш Ислом Каримов ҳақли равишда айтганидек, Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фаҳрланади. Бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2700 дан зиёд турли фойдали қазилма конлари истиқболи жойлар аниқланган. Уларнинг биргаликдаги қиймати мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар баҳосига кўра 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётир.

Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда.

Бир қатор фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузлари, фосфоритлар, каолинлар бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Масалан, олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўринда, қазиб олиш бўйича 7-ўринда, мис заҳиралари бўйича 10-11-ўринда, уран заҳираси бўйича 7-8-ўринда туради.

Ўзбекистон ноёб ёқилги-энергетика ресурсларига эга эканлиги билан ҳам ажralиб туради. Қидириб топилган газ заҳиралари 2 триллион куб метрга яқин, кўмир 2 миллиард тоннадан ортиқ, 350 миллион тоннага яқин нефт заҳиралари мавжуд.

Ўзбекистоннинг йирик саноати 200 тармоқни ўз ичига олади. 2000 дан зиёд завод ва фабрикаларда жуда кўп соҳада қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Республика ривожланган ички транспорт ва алоқа тизимида эгалиги билан ҳам ажralиб туради. Чунончи, темир йўллар тармоғи узунлиги 6700 км, автомобиль йўлларининг узунлиги 80 минг километр.

Ўзбекистон қудратли илмий-маънавий потенциалга ҳам эгадир. Республика ҳудудида Фанлар академияси, 120 дан зиёд илмий тадқиқот институтлари, 60 дан ортиқ Олий ўқув юртлари

мавжуд. Илмий ходимлар сони 100 мингдан ортиқ бўлиб, улар орасида 200 дан ортиқ академик, 2200 га яқин фан докторлари ва профессорлар, 14600 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар бор.

Ўзбекистон ривожланган, кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эгадир. Ўзбекистон қимматбаҳо хом ашё пахта етиширадиган жаҳондаги энг йирик ўлкалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон бу экинни етиширадиган мамлакатлар орасида жаҳонда тўртингчи ўринни ва пахта маҳсулотларини экспорт қиласидан мамлакатлар ичida иккинчи ўринни эгаллади. Ҳар йили мамлакат далаларида, боғларида 5 миллион тоннагача мева ва сабзавотлар етиширилади.

Ўзбекистоннинг меҳнатсевар, истеъодли ва меҳмондўст халқи Республиkaning чинакам бойлигидир. Ўрта Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40% га яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда барқарорлик ва тинчлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувлик сақланиб турибди. Яхши қўшничилик ва инсонтарварлик ўзбеклар табиатидаги туфма миллий ва диний фазилат ҳисобланади. Барча замонларда Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб келган ва келажақда ҳам шундай давлат бўлиб қолади. Ўзбекистонда 100 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бўлган 24 миллион киши яшайди. Тинчлик, ижтимоий тотувлик ва адолат гоялари бизнинг аждодларимиз қолдириб ғетган маънавий мерос ҳисобланади.

Хуллас, юқорида кўрганимиздек жуда катта бойликлар мавжудлиги, қудратли саноат базаси, илмий ва интеллектуал салоҳият, давлат суворенитети янги жамият барпо этиш, Ўзбекистонни ривожланган, гуллаб яшнаётган давлатга айлантириш учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий асос бўлиб қолади.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Иқтисодиёт инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш жараёнлари ва бу борада юзага келадиган муносабатларни ўрганади; иқтисодиёт хўжалик юритиш ҳақидаги фан; бозор иқтисоди – мулоқот, савдолашиб, келишиб, умумий нархни топиш; бозор иқтисодининг асосий шарти ва талаби; Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг бозор иқтисоди йўлидан бориши; Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли;

маънавият ва иқтисод муносабати; тадбиркорнинг асосий хислатлари.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Иқтисодиёт фани нимани ўрганади?
2. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз?
3. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўлини қандай тушунасиз?
4. Нима учун маънавият ва иқтисод ўзаро боғлиқ?
5. Тадбиркорнинг маънавий хислатларига нималар киради?
6. Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий ва маънавий-маърифий заминлари нималарда деб биласиз?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998 й.
2. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т., Ўзбекистон, 2000 й.
3. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори.«Ўзбекистон овози», 2000 йил 22 июль.
4. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили.Т., Шарқ.1999.
5. Жумабоев Й.Ж. Тадбиркорлик ва маънавий камолат. Иқтисод ва ҳисобот, № 6, 1996 й.

## **МАЬНАВИЯТНИНГ СИЁСАТ, ҲУҚУҚ ВА ҲОКИМИЯТДАГИ ЎРНИ**

**Режа:**

1. Маънавият ва сиёсат, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ижти-  
моий функциялари.
2. Маънавият ва ҳуқуқ, уларнинг ўзафо муносабати.
3. Ҳокимият бошқарув тизимига маънавий баркамол шахс-  
ларни жалб қилиш давлат тараққиётининг муҳим шарти.

**1-масала баёни.** Маънавият тараққиётида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. Қайси мамлакатда маънавият ва маърифатни кўтариш, у ҳақида фамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдидаги турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини яратади. Давлат ўз фаолиятида маънавият ва маърифатни ривожлантиришни устивор вазифа сифатида қарагандагина унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради. Бу ҳолатни тўғри англаган мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият ва маърифатни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, унга раҳнамолик қилиб келаётирлар. Юртбошимиизнинг бирор нутқи, асари йўқки уларда у ёки бу жиҳатдан маънавият ва маърифат масалаларига ёндашмаган бўлсинлар.

Маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг яқдом мисоли қилиб 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги; 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самараадорлигини ошириш тўғрисида» Президентимиз фармонларини; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 июлдаги «Маънавий маърифий ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва унинг самараадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» қарори; Республика Олий

Мажлиси биринчи чақириқ түққизинч сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва умумий ўрга таълимни ислоҳ қилиш тўғрисида» қабул қилинган қонунни ва бошқаларни кўрсатишимиш мумкин. Кейинги ўтган давр мабойнида юқорида қабул қилинган фармон ва қонунларни бажариш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шу ўринда ўқитувчи бу борада амалга оширилаётган ва оширилган, ўз ечимини топган масалалар бўйича мисоллар келтириши мақсадга мувофиқ.

Маънавият, маърифат ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи устида тўхталишдан олдин сиёсатнинг моҳиятини очиб бериш лозим.

Сиёсат - юононча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини англатади. Сиёсат катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ички ва ташқи муносабатлари соҳасидаги фаолиятни англатади.

Сиёсат - бу муайян давлатлар ҳокимияти, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг мамлакат ички ҳаётида ва халқаро майдонда халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир.

Сиёсат ҳар қандай жамиятда ҳам давлат фаолиятини ифода этади. Чунки жамиятдаги барча жараёнлар ва муаммоларнинг қўйилиши ҳамда уларнинг ҳал этилиши давлат олиб борадиган сиёсат билан боғлиқ бўлади.

Сиёсат энг йирик икки йўналишга - ташқи ва ички сиёсатга бўлинади. Ўз навбатида улар ҳам ўзининг бир неча тармоқларига бўлинадилар. Бу ерда гап унинг тармоқлари ҳақида эмас, балки сиёсатнинг маънавият билан муносабатлари ҳақида бормоқда.

Сиёсат мамлакат ички ҳаётида икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Уларнинг бири тараққийпарвар, инсонпарвар, адолатли сиёсат бўлса, иккинчиси адолатсиз, реакцион сиёсатдир.

Мамлакатда фақат турли гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳукмронлигини таъминлашга, меҳнаткашлар, халқ оммаси манфаатларига зид бўлган, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ва шу асосида тор доирадаги гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қўлувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат адолатсиз, реакцион сиёсатдир. Бу сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсида ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг талон-

тарож қилинишига, мамлакатда зўравонлик, жоҳиллик, тикинхўрлик, маънавий ва моддий қашшоқликнинг вужудга келишига олиб келади.

Мамлакатда олиб бориладиган бундай адолатсиз, реакцион сиёsat нафақат унинг ичдан емирилишига, балки халқаро муносабатларда ҳам обрў-эътиборининг тушишига олиб келади. Хуллас, бундай сиёsatнинг олиб борилиши мамлакатни ҳалокатга олиб келади.

Адолатсиз, реакцион сиёsatга қарама-қарши ўлароқ тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёsat мамлакат ва унинг халқи манфаатларига хизмат қилади. Бундай сиёsat энг аввало инсон зотини улуғлашни, унинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни, мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлашни мақсад қилиб олади. Илм, маърифат, маданиятни, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билимни эгаллашларига кенг йўл очиш ва ғамхўрлик қилиш тараққийпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёsatнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Бундай сиёsatнинг устиворлиги ва маънавиятли томони шундаки, у мамлакатда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда вазминлик вазиятини вужудга келтиради, ҳар қандай тўпalon ва бебошликнинг олдини олишга, энг мураккаб муносарали муаммоларни ҳам музокоралар, баҳслар йўли билан ҳал қилишга ёрдам беради.

Давлат тараққиётпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар сиёsat олиб боришни мақсад қилиб олган ва унга амал қилган бўлса, у албатта ташқи сиёsatда ҳам ўзга халқларнинг ерларини тортиб олиш, уларни асоратга солиш, талончилик қилиш каби тажовузкор сиёsatни эмас, балки барча давлатлар билан тинчтотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёsatини олиб боради. Ташқи сиёsatда бундай йўлни тутган давлатлар қуролланиш учун кетадиган харажатларни мамлакатнинг маънавий ва маърифий ривожланишига сарфлайди. Мустақил Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида ҳам ички ҳам ташқи сиёsatда тараққиётпарвар, инсонпарвар ва маърифатпарвар сиёsat олиб борилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. У танлаган йўл жаҳондаги мамлакатлар томонидан тан олинмоқда. 1997 йил мамлакатимизда «Инсон манфаатлари» йили, 1998 йил «Оила» йили, 1999 йил «Аёллар йили» сифатида

из қолдирди. 2000 йил эса «Соғлом авлод» йили сифатида ўтмоқда. Сиёсатнинг маънавий ҳаётга реал таъсири мамлакатда маърифатни, илм-фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш тўғрисида кўрсатадиган амалий ишларда намоён бўлади.

Ўз навбатида фуқароларнинг юксак маънавиятга ва маърифатга эга бўлишлари мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Маънавият ва маърифатга таянган мамлакатда тинчлик, барқарорлик ҳукмроан бўлади ва у тараққий қилиб бораверади. Маънавияти ва маърифати юксак халқнинг давлати ҳам ҳар томонлама юксалиб бораверади. Ундан давлат, мамлакат ва халқни зўравонлик сиёсати ва қурол ёрдами билан ўзига қаратиши мумкин, аммо маънавий жиҳатдан батамом қарам қила олмайди. Бунга қўйидаги фикр мисол бўла олади. Чор Россияси Туркестонни истило этгач, шарқшунос олим В.В.Бартольд (1869-1930) бу ўлкага бир неча бор ташриф буюриб, сўнг Санкт-Петербург фанлар академияси маданий кенгашида ҳисоб беради. У ўз ҳисоботида шундай таъкидлайди: «Биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан анча паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олдик. Энди бўлса, Туркестон мисолида тамоман тескари аҳволга дуч келиб турибмиз... Туркестонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, аммо маънавий устунликларимизни тан олишганлари йўқ. Вазифа шуни тан олдиришдан иборатдир... То шуни тан олинмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик деб айта олмаймиз»<sup>1</sup>. Буни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Маънавият ўзининг салоҳияти билан халқ ва мамлакат ҳаётида сиёсатни тўғри, адолатли, инсонпарварлик йўналишида олиб борища катта аҳамиятга эгадир. Давлатнинг куч-кудрати, унинг баркамоллигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сиёсатни ана шу йўналишда олиб бориш саналади. Айни вақтда маънавият давлат сиёсатини оммага етказиб туришга яқиндан ёрдам беради.

2-масала. Маънавият ва ҳуқуқ бир-бири билан боғлиқdir. Жамият, давлат доирасида ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши одамларнинг қайси даражада маънавиятга эга бўлишларига боғлиқdir. Мамлакат миқёсида қабул қилинадиган конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг даражалари шу мамлакат фуқароларининг маънавияти ва сиёсий маданиятини ифода этади. Бу масаланинг бир томони.

<sup>1</sup> Ўзбекистон овози, 1991, 27 сентябрь.

Иккинчидан, конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчларини ва давлат сиёсатининг йўналишларини фуқароларнинг маънавияти ривожланиши даражаларига мос равишда расман белгилаб беради. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридан туриб қонун қабул қилиш ҳар қандай юксак даражадаги қонун ва норматив ҳужжатлар фақат фуқароларнинг маънавий салоҳияти ва сиёсий онги даражасидагина амал қиласди, ундан нарига ўта олмайди. Аслини олганда, одамларнинг маънавияти ва сиёсий онги қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланадиган расман нормалардан юқори бўлиши керак. Ана шундагина фуқаролар жамиятнинг тараққий қилишида фаол иштирок этадилар.

Агар фуқароларнинг маънавияти ва сиёсий онги қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у қонунлар ва ҳужжатлар қанчалик фуқаролар манфаатларини ифода этмасин, улар қофозда қолиб кетаверади. Бундай ҳолатда жамият ҳаётида икки салбий ҳолат ҳукм суради. Биринчидан, фуқаролар билан давлат ўргасида, масофа узоқлашиб боради; иккинчидан, тараққиёт ҳақида айтиладиган сўзлар билан реал ҳаёт бир-бирига тўғри келмай қолади. Бу эса жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, бунга йўл қўймаслик учун давлат ўз фуқароларининг маънавиятини ривожлантириши ва сиёсий онгини ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши талаб этилади.

Мустақил Ўзбекистон давлати Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигига фуқароларнинг маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўстириш соҳасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Буни мустақил Ватанимизнинг биринчи асосий қонуни ҳисобланган Конституциямизда яққол кўришимиз мумкин.

Бу Конституцияда мамлакатимизда қурилмоқчи бўлган адолатли, демократик, ҳуқуқ устиворлигига асосланган жамият қуришнинг йуналишлари белгилаб берилган. Мустақиллигимизнинг моҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларининг нормалари белгилаб қўйилган.

Конституциямизда миллий хусусиятларимиз ва қадриятларимиздан келиб чиқиб, бир қатор ҳуқуқий нормалар белгиланганки, у ҳалқимиз маънавияти, қалби ва руҳияти қирраларини ўзида ифода этган. Жумладан, «Вояга етмаганлар,

мөхнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хукуқлари давлат ҳимоясидадир» (45-модда), «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг хукуқлидирлар» (46-модда), «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга» (63-модда), «Давлат ва жамият етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишини таъминлайди, болаларга бағишлиган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» (64-модданинг 2-қисми), «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модданинг иккинчи қисми).

Кўриниб турибдики, Конституциядан келтирилган ҳар бир моддада давлатимизнинг фуқаролари хукуқлари, эркинликлари ни таъминлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ўстириш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда фуқароларимизнинг хукуқий билимларини ошириш тўғрисида изчиллик билан сиёsat олиб борилмоқда. Жумладан, 1996 йил 11-13 сентябрда Тошкентда инсон хукуқларини таъминловчи миллий муассасаларнинг фаолиятига бағишлиган ҳалқаро семинар ўтказилди. Бу семинарда инсон хукуқларини таъминлашдек энг долзарб масала муҳокама этилди. Президентимиз фармони билан инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ташкил этилди. Бу давлатимизнинг умуминсоний маънавий қадриятларни таъминлаш йўлидаги дадил қадамидир.

Ҳар бир фуқаронинг ўз хукуқ ва бурчларини билишлари, унга амал қилишлари жамият ҳаёти учун, мамлакатда барқарорликни ва қонунларнинг устиворлигини таъминлашда катта амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда маънавиятимизнинг муҳим омили сифатида миллий тилимизнинг ёшларимиз томонидан чукур ўзлаштирилиши, унинг чинакам давлат мақомини олиши зарурлиги мунтазам таъкидланиб келинмоқда. Ҳақиқатда бу бўрада жуда катта ишлар амалга оширилди.

Давлат тили тўғрисида қонун қабул қилингандигига (1989 йил 21 октябрь) 10 йилдан ошди. Тилимизга бериладиган бундай имконият учун қанчадан-қанча миллатпарвар одамларимиз кураш олиб бордилар. Лекин вақт ўтиши билан «ҳис-ҳаяжонларимиз» сўниб бормоқда. Аммо бир қатор жойларда давлат тилини жорий қилиш қониқарсиз аҳволда эканига ачинасан киши. Хусусан, ҳужжатлар рус тилида тўлдирилади, ҳисоботлар рус тилида талаб қилинади, мажлис баёнлари рус тилида олиб борилади.

Бугунги кунда күчаларнинг номларини миллатимизнинг фан, маданият ва давлат арбоблари номларига алмаштириш ҳам қониқарсиз ҳолатдалиги ҳақиқатдир.

Аслида давлат тилини барча жабхаларда жорий этиш бўйича республика, вилоятлар ва шаҳарларда маҳсус ҳайъат тузилган. Бундай ҳайъатларнинг иши ҳам суст, талаб даражасида эмас. Бу ҳол албатта маънавиятимиз ривожига ўзининг салбий таъсири ни ўтказади.

Қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини тушуниб этиш ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий фазилати. Бу адолатли, демократик, ҳуқуқ устиворлигига асосланган янги жамият қуришнинг ҳам кафолатидир. Ҳудди шу маънода ёшларимиз, талабаларимиз ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришлари ва сиёсий онгларини ривожлантиришлари бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

**3-масаланинг баёни:** Ҳокимият ўз моҳияти ва мақомига кўра раҳбарлик ва ҳукмронлик қилиш муносабатларини ифода этувчи тушунчадир. Ҳокимият алоҳида шахс, гурӯҳ, одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчиларига куч ишлатиш ёки куч ишлатмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иродасини ўтказиш ва уларнинг ҳаракатларини бошқаришни англатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат ҳокимият ва бошқарув идораларини янгитдан ташкил этди. Натижада янги давлат органи - вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги бошқаруви вужудга келтирилди. Ҳокимликлар ўз фаолият доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш, ҳаётга жорий этишда бевосита иштирок этадилар. Шу жумладан, ҳокимликлар давлатнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда ҳам масъулдирлар.

Маънавият ҳокимият тизимида турли табақа, турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам этиб, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналади.

Мустақил Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишини мақсад қилиб қўйган. Бу мақсаднинг

самарали амалга ошиши давлат бошлиғи ва жойлардаги ҳокимларнинг дунёқариши, оғир пайтларда энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётидаги шахснинг роли бениҳоя катта. Раҳбар – шахснинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва фоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Шарқ донишмандлари ҳокимият тепасида турган киши қанчалик доно, ақлли ва сезигр бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Яъни Шарқ мутафаккирлари давлат ва жамият, подшо ва раият ҳақида ёзганда, нуфузли инсоннинг маънавий етуклигига, поклигига асосий эътиборини қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саҳоват ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шаҳри» номли асарида давлатни бошқарувчи раҳбар шахснинг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, раҳбар аввало соғлом, ақлли, хушёр, заковатли одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўсту душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши керак. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайған шаҳарларда осойишталиқ, фаровонлик ҳам бўлади, деб кўрсатади.

Юқоридағилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги мустақиллик даврида давлат раҳбаридан, ҳокимият тизимида ишлаётганлардан жуда катта масъулият ва фидоийлик талаб этилади. Ҳокимият тизимидағи ҳар бир раҳбар шахс бутун ҳаёт завқини мashaққатга алмаштирган, ўз ҳаёти ва жонини мамлакат ва халқ ҳаёти йўлига тиккан ватанпарвар, халқпарвар, ҳалол, пок, тўғри - қўйингчи ҳар томонлама юксак маънавиятли, баркамол инсон бўлиши керак.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида таъкидлаганидек, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди. Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фарогатидан кечишни, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб қиласди. Бундай қараш ҳар биримиз учун, шу жумладан, айниқса ҳокимият тизимида ишлаётганлар учун одатга айланishi, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Раҳбар ходимлар ўз ҳаёт фаолиятларида давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, ҳалқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш тамойилларига амал қилишлари юксак маънавийлик мезонларига мос тушади. Агар раҳбар ходим айшуишратга берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унтиб қўйса, ўша жойда қонунга риоя қилиш, тартиб-интизом масалалари қолипдан чиқиб кетиши табиий ҳол. Раҳбар ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик кабиларга йўл қўйса, бу тараққиётимиз ва тинч-фаровон ҳаётимизга хавф соладиган таҳдидга айланади. Ҳокимият тизимидағи раҳбар ходимларнинг маънавий қиёфасидаги бундай салбий иллатлар жамиятимиз, мустақиллигимиз учун катта хавф эканлиги Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кенг, атрофлича баён қилиб берилиган. Гап шундаки, ҳокимиятнинг бошқарув тизимида ишлаётган раҳбар ходимлар амалдан мағуруланиб, боши айланиб, ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна оғайничилик, уруғ-аймоқчилик иллатига йўл қўйса, бундай раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Эл-улус назаридан қолади. Президентимиз айтганидек, раҳбарлар келиб кетади, эл, ҳалқ қолади. Лекин ана шу раҳбар ҳалқ кўнглидан ўзига жой топа олдими? Эсда қоладиган бирор хайрли иш қила олдими?

Кимдан боғ қолдию, яхши ном, яхши хотира қолаяптию, кимдан ёмон ном, доғ, иснод қолаяпти, буни одамларнинг ўзлари ажратиб олади<sup>1</sup>.

Хулоса шуки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳалқ ишончини қозониш учун ҳокимиятни бошқарув тизимига маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шарти ҳисобланади.

### Таянч сўз ва тушунчалар:

Сиёсат; сиёсат давлат ва жамоат ишлари демакдир; ташқи ва ички сиёсат; тараққийпарвар адолатли сиёсат ва адолатсиз реакцион сиёсат; ҳукуқ; Ўзбекистоннинг асосий қонуни; ҳукуқий саводхонлик; Ўзбекистон Республикаси ва давлат

<sup>1</sup> Қаранг. И. Каримов. Адолат, ватан ва ҳалқ мафаати ҳар нарсадан улуг. «Ҳалқ сўзи» газетаси, 1998 йил 11 ноябрь.

ҳокимиятининг бўлиниши; ҳуқуқий демократик давлат; раҳбар ходим ва унинг асосий хислатлари.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Сиёsat ва унинг йўналишларини қандай тушунасиз?
2. Ўзбекистон сиёsatининг маъnaviy жиҳатларини қандай тушунасиз?
3. Маъnaviyat ва ҳуқуқ, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нималарда кўринади?
4. Ҳуқуқий, демократик давлатнинг асосий белгилари нималарда деб биласиз?
5. Ўзбекистон Конституциясидан ҳалқимиз маъnaviyati ва руҳияти қирраларини акс эттирувчи мисоллар келтиринг.
6. Ислом Каримовнинг раҳбар ходимларнинг асосий маъnaviy-аҳлоқий хислатлари ҳақидаги фикрларини изоҳлаб беринг.
7. Ўзингиз раҳбар ходим қандай хислатларга эга бўлишини истайсиз?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маъnaviyat Т. Ўзбекистон, 1994 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998 й.
3. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси 7 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 1999 йил 8-декабрь.
4. Азизхўжаев А.Давлатчилик ва маъnaviyat. Т., Шарқ, 1997 й.
5. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т. Шарқ, 1998 й.
6. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., Шарқ, 1999 й.

# МАЬНАВИЯТДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙЛИК

### Режа:

1. Миллий маънавият ва унинг хусусиятлари.
2. Умуминсоний маънавият ва унинг заминлари.
3. Бозор муносабатлари шароитида миллатлараро маданий-маънавий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви.

1-масала. Миллий маънавият ҳақида фикр юритар эканмиз, бу тушунчани билиб олишни «миллат» тушунчасини изоҳлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

«Миллат» сўзи «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган маънони билдиради. «Миллат» сўзи араб тилида қўйидаги уч маънони англатади: биринчи дин, мазҳаб; иккинчи уммат; учинчи ҳалқ, қавм. Миллат сўзи қуръони Каримда ҳам қўлланилган. Қуръонда ҳар бир миллат вакили ўз миллий қадриятларини ривожлантириши савобли иш, ўз миллатидан, қавмидан кечиб, бошқа миллатга ўтиб олиши эса гуноҳ деб таърифланган.

Европа адабиётида қўлланиладиган «нация» сўзи эса қабила, ҳалқ деган маънони билдиради.

Бинобарин, бу икки тушунчада ҳам асосан муайян этник бирликларнинг ўзига хослигини билдирувчи маъно ётади.

Олдинги маърузаларда таъкидланганидек, инсонлар, жамият ривожланиб борган сари маънавий муносабат, алоқалар ривожланиб бораверади ва улар жамият тараққиётида катта роль йўнаб келган.

Маънавиятни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчиси миллий маънавият, иккинчиси минтақавий маънавият, учинчиси - умуминсоний маънавият.

Миллий маънавият- муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган фоят қимматли маънавий бойликлардир.

Минтақавий (регионал) маънавият- муайян жустрофий минтақа миллатларига хос, улар учун умумий бўлган маънавий бойликлардир. Масалан, Ўрта Осиё ҳалқларининг маънавиятидаги; ёки янада кенгроқ доирада оладиган бўлсак, Шарқ ва Фарб маънавиятидаги муштараклик, ўхшашликни олишимиз мумкин.

Минтақавий маънавиятда турли элатларнинг умумий бирлиги, бир-бирига яқинлиги, турмуш тарзи ва моддий ҳаёт шароитларига хос муштарак жиҳатлар намоён бўлади.

Умуминсоний маънавият бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Миллий маънавият бошқа миллат маънавиятидан тубдан фарқ қилинадиган маънавият дегани эмас. Чунки биздаги миллий маънавият бошқа халқларда муайян тарзда бор, мавжуддир. Аммо миллий маънавиятда бошқа халқларнинг маънавияти айнан такрорланмайди. Шундай бўлганда эди миллий маънавият бўлмас эди ва биз бу ҳақда сўзламас ҳам эдик.

Миллий маънавият, аввало тарихий ҳодиса эканлиги билан ажralиб туради. У бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди. Миллий маънавият тарихи миллатнинг маънавий такомил жараёни билан боғлиқ. Унда баъзан асрлар кунларга ва аксинча, кунлар асрларга тенг бўлиши мумкин. Миллий маънавий камолот замонда, яъни миллатнинг бутун тарихи давомида юз беради. Бунда эса у баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан эса маълум даражада таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Инсоният тарихий жараёни учун бир нарса аёнки, тарих ҳодисалари, шахслар, воқеалар ўтиб кетади, моддий маданият унсурлари емирилади, аммо маънавият юксалиб, бойиб, тобора кенгроқ кўлам ва теранроқ мазмун касб этиб бораверади. Миллатнинг аксарият қисми маънавий таназзулга юз тутган фожиавий шароитларда ҳам миллий маънавият йўқолмайди, кўлами ва мазмуни жиҳатдан ўзи етишган камолот босқичини йўқотмайди. Миллий маънавият эришган камолот босқичини йўқотиш учун (шу жумладан, умуман миллий маънавиятни ҳам) аждодлар яратган барча маънавий меросни маҳв этиш, инсонлар хотирасини тамомила ўчириб ташлаш, улардан ҳатто ирсий хотирани ҳам барбод қилиб манқуртга айлантириш керак бўлади. Бундай ҳолдан Сизу Бизни Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Миллий маънавиятни йўқотиш учун қанчалик ҳаракат қилинса, шунчалик миллийликни, миллий маънавиятни сақлаш учун кураш кучаяди. Хулоса шуки, инсон қалбидаги миллийликни йўқотиш мумкин эмас.

Кўринадики, миллий маънавият ҳодисаси ҳам тарихий, ҳам бугунги кунда мавжудлигини сақлаб турган кўп ўлчамли

воқеълиқдир. Инсон маънавий олами ўлчамлари чексиз бўлиб, уни ҳеч бир нарса билан ўлчаш, қиёслаш мумкин эмас. Миллий маънавият аввало миллий онгда ривожланиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан буён миллий онгни ривожлантиришни тарбиявий ишнинг муҳим бўғими сифатида олиб қарамоқдамиз. Миллий онгнинг ривожланиши пировард миллий ўзликни англаш сари етаклади.

Миллий маънавиятнинг асосий белги ва ўзаги миллий ахлоқ саналади. Бизнинг миллий ахлоқимиздаги белгилар бошқа халқлар ахлоқий қарашларида муайян тарзда намоён бўлади.

Миллий маънавиятда - миллий ҳис, туйғу, руҳият ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунончи, замона тақозоси билан бошқа юртга сафарга боргудек бўлсак ва ўша ерда миллий куй, қўшиқни эшитгудек бўлсак, бизнинг вужудимизни ажиб бир ҳис, туйғу қамраб олади ва ундан руҳий ҳузур оламиз, қаноат ҳосил этамиз. Яъни маънавий озуқаланамиз.

Миллий маънавиятда миллий манфаат ҳам муҳим роль ўйнайди. Собиқ Шўролар даврида миллий манфаатни миллатчиликка йўйғанлар ва миллий манфаат юзасидан ҳаракат қилган кишиларни, раҳбарлар ва ёзувчиларни миллатчи деб бадном этганлар.

Ўзбек халқи учун умуминсоний маънавият билан бирга миллий маънавият ва унинг бойликлари ҳам фоят қимматлидир. Буларга ўзбек халқининг ўзи яратган, бойитган, сақлаб келаётган, авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб, сайқал топиб, ривожланиб бораётган миллий-маънавий бойликлар, аждодлардан қолган ахлоқий анъана, маросимлар, ахлоқий панд-насиҳатлар ва ҳоказолар киради.

Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг илмий меросида, манбаларда ўзбекларда қадрланган, ўзбекона ахлоқ, одобга оид маънавий фазилатлар ҳақида кўплаб қимматли фикр, маълумотлар мавжуддир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзинини «Бобурнома» асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб маънавий-ахлоқий сифатларни тасвиrlайди. Булар иймон ва эътиқодлилик, андишалийлик, оиласа мұхаббат, болажонлик, ҳалоллик, бироннинг ҳақига хиёнат қилмаслик, фарзандларнинг ота-оналарига, акука, опа-сингил, қариндош-уруғларига меҳрибонлиги, диний қадриятларга риоя қилиш, саводхонлик, саҳоватлилик, хуш-фөйслик, шириңсўзлик, мардлик, одиллик, ҳаёлилик,

саҳийлик, одамийлик, оқ күнгиллилик, меҳнатсеварлик ва бошқалардир.

Үрта Осиёга саёчатга келган Герман Вамбери «Бухоро ёхуд Мавороуннаҳр тарихи» асарида Олтин Үрдадаги ўзбекларнинг мусулмонча тарбияланганини, савдо-сотиқда оғир вазминлигини, оқ күнгиллилик ва самимийлигини, камгаплигини, садоқатлигини, довюраклигини, шинавандлигини, оиласиб муносабатларда поклигини, мулоҳазалиги, андиша билан тўғри сўзлашишини, ота-онага ҳурмати ва эътиқоди кучлигини, биринчи бўлиб ўтираслик ва биринчи бўлиб сўзлашмаслигини, мугомбирликни билмаслигини, динга эътиқоди кучли бўлиб, бу жиҳатдан анатолияли туркларга ўхашлигини кўрсатган.

Ўзбек ҳалқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятининг давоми бўлиб уларга дўстлик, ўртоқлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик, фазилатлилик, саҳийлик, хушмуомалалик, жамоа ичиди ўзини тута билишлик, ҳаёлилик, сизлаб муомала қилиш, озодалик, хушчақчақлик, хушфөйллик, мардлик, самимийлик, лутфи карамлилик, рўзгорпарварлик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, она-юрга ва ҳалқига муҳаббатлилик, инсофилик, диёнатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, ору-номусилик, тўғрилик, режалилик, поклик, сабр-андишлик, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат, инсофилик, иймонлилик, миллий ғуур, мустақилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва бошқа миллий, маънавий - ахлоқий фазилатлар киради.

Миллат, ҳалқ бор экан унинг маънавий дунёсида миллий жиҳатлар доим сақланиб қолади. Ўзбекларнинг миллий маънавияти, эркак ва аёлларнинг ўзига хос шарқона ахлоқий фазилатлари, ота-она, фарзандлар, қўни-қўши nilar, маҳалла-кўй алоқалари, ҳалоллик, иймон, виждон билан боғлиқ маънавияти фақат ўтмиш садоси эмас, балки ҳозирги кун учун ҳам хосдир.

Ўзга миллатларнинг маънавий қадриятлари қанчалик таъсир кўрсатмасин катталарга, ота-онага ҳурмат, камтарлик, ҳалоллик, иймон, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик сингари миллий маънавий фазилатларимиз барқарордир. Чунки бу маънавий хислатлар авлоддан-авлодга ўтиб қон-қонимизга сингиб кетган. Аёлларимиз қанчалик замонавийлашмасинлар,

улар ҳаё, ибо, номус бобида, оила, қариндош-уругларга нисбатан муносабат бобида шарқона, ўзбекона фазилатларни тарк этмайдилар. Миллат бор экан, унинг маънавияти сақланиб қолади ва ривожланаверади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ота-онани, ёши улуғларни ва кичикларнинг иззатини ўз ўрнига қўйиш, ҳурмат қилиш ҳам миллий маънавиятилизга киради. Бу йўл истиқдол ва истиқбол муаммоларини ўтмишнинг бой тажрибаси билан боғлашга яқиндан ёрдам беради.

Одатда кишилар кўпинча икки ишда катта хатога йўл қўядилар. Биринчиси - ёшларни ҳали ёш деб, уларга ишонмаганида, иккинчиси - кексаларни қария деб четга сурib қўйганида. Ёшларда келажакка интилиш билан боғлиқ бўлган катта ташаббус, куч ва файрат бўлади. Кексалар эса ҳаёт йўлида кўп иссиқ ва совуқ кунларни бошдан кечириб, бой тажриба орттиргани учун уларда узоқни ўйлаб, босиқлик билан иш қилиш, етти ўлчаб бир кесиш сингари маънавий бойлик ва етук тафаккур салоҳияти бор. Ўзбекларнинг «қари билганни пари билмас», деган ҳикматида кўп маъно бор. Ёшларнинг ташаббуси, кучи, файрати кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаси билан боғлангандагина яхши ижобий самара беради. Кекса авлоднинг билими, ҳаёт тажрибаси ёшлар учун маънавий камолот ва ибрат мактабидир. Кекса авлоднинг ҳаёт тажрибасини менсимаслик ҳамма даврларда ҳам жамият учун фалокатли оқибатларга олиб келган. Чунончи, 1920-30 йилларда ҳали ҳаётда бирор оғир сабоқни кўрмаган, баланд-пастни билмаган 15-17 ёшлик комсомоллар кўплаб ишбильармон, меҳнатсевар деҳқонларни қулоқ қилиш, молу-мulkини мусодара этиб, узок ерларга бадарға қилиш вазифасини ўз зиммасига олгани ҳам катта иқтисодий, ижтимоий, маънавий бўхронларга сабаб бўлди. Ҳозир ҳам кексаларнинг қадрига етмайдиган, уларни менсимайдиган ёшлар оз эмас. Бу ўзбек миллий маънавиятидаги салбий бир ҳол, кўриниш. Унинг олдини олиш зарур.

Совет тоталитар тузуми шароитида маънавий-ахлоқий фазилатларнинг миллий жиҳатлари, анъанааларини инкор этиш ёки камситиш кучайди. Уларни маънавий қолоқлик ифодаси сифатида талқин этилди. Шарқ ҳалқарининг, жумладан ўзбек ҳалқининг минг йиллик маънавий бойликларини ўзида мужас-самлаштирган ҳадислар, шариат ҳукмлари диний хурофат сифатида қораланди.

Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарму-ҳаё, ҳалоллик ва поки-залик, инсон қадр-қиммати түғрисидаги маънавий қадриятларига зид бўлган европача анъаналар ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Шу туфайли маънавий тубанлик юзага келди. Ёшларда асрий миллий маънавиятимизга зид бўлган бағритошлиқ (фарзандни, ота-онани ташлаб кетиш сингари), қотиллик (ўз фарзандини ўлдириб яшириш), худбинлик, майший бузуқлик, гиёҳвандлик каби маънавий қиёфа юзага келиб, илдиз ота бошлади.

Абдулла Авлоний ва бошқа маърифатпарвар фидойилар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда ҳукмрон бўлган маънавий инқироз ҳақида гапириб, бу оғир вазиятдан таълим-тарбия ишларини яхшилаш, ахлоқни юксалтириш орқалигина чиқиш мумкинлигини қайд қилган эдилар. «Тарбия, - деган эди Абдулла Авлоний, - бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир».

Бу фикрларнинг аҳамияти ҳозирда ҳам камайгани йўқ. Ўзбек миллиати фақат миллий маънавий камолат орқалигина юзага кела бошлаган миллий-маънавий айнишнинг олдини олиши мумкин.

Совет тоталитар тузуми барбод бўлиши, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши жамиятимиз маънавиятида чуқурлашиб бораётган инқирознинг олдини олиш учун тангрининг инояти, ҳалқимизнинг бахти бўлди. Миллий мустақиллик туфайли жамиятимизда миллий маънавий покланиш, ўнгланиш, тикланиш жараёни юз берди. Ёш авлодни, Сиз каби талаба ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш, мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш ҳозирги кундаги миллий-маънавий тарбия ишининг асосий мақсадидир. Шу ўринда миллий-маънавий тарбия ва унинг асосий йўналишлари ва моҳиятини аниқлаб олиш зарур.

Миллий тарбия - у ёки бу миллатни, элатни ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданиятни, меросни, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятини ривожлантириш бўлиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англashing субъектидир.

Миллий тарбиянинг асосий йўналишларини миллатпарварликни, ҳалқпарварликни, ватанпарварликни, меҳнатсевар-

ликни, юксак инсонийликни ривожлантириш, меросни, урф-одатни, қадриятларни, фан, техника, технологияларни ўзлаштиришга интилишни ривожлантириш, меҳр-оқибат, ий-мон-эътиқод, ор-номус, инсоф-диёнат, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини тушуниб етиш ва унга амал қилиш руҳиятини шакллантириш кабилар ташкил этади.

Миллий тарбиянинг яна бир йўналиши – ота-она, қариндош-уругларнинг хурматини жойига қўйиш, оиланинг муқаддаслиги туйгуларининг баркамол бўлишига эришиш, ўзаро муносабатларда ёнма-ён яшаётган ўзга миллатлар ва элатлар вакилларининг манфаатларини ҳисобга олиш кабилар ташкил этади.

Хуллас, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллий табиатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму-ҳаё, ибо-иффат каби бетакрор фазилатлар ва халқимизнинг кўп жиҳатдан ажратиб турадиган бағрикенглик, меҳмондўстлик, оққўнгиллилик ҳусусиятлари ҳақида узоқ гапириш мумкин<sup>1</sup>.

Ҳеч биримизни халқимизга хос ана шундай фазилатлар тарк этишга йўл қўйиб бўлмайди.

2-масала. Юқорида қайд этганимиздек, умуминсоний маънавият бутун инсониятга, жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавият узоқ ва яқин ўтмишдаги ҳозирда эса маънавий жиҳатдан жуда қимматли, инсон қалбида учмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, инсоният ижтимоий манфаати, эҳтиёжи учун хизмат қиласидиган, уларни эзгуликка йўлладидиган маънавий бойликлардир. Умуминсоний маънавий бойликларига эса илм-фан, жумладан фалсафий тафаккур ютуқлари, адабиёт ва санъат асарлари, кашфиёт ва ихтиrolар, маънавий маданият дурдоналари, хурфикрлик, умуминсоний ахлоқий меъёрлар ва бошқалар киради.

Умуминсоний маънавият ўз ижобий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Олтин зангламас, қуёш қораймас деганларидек, умуминсоний маънавият ҳам доим қадимий ва навқирон бўлиб тураверади. Улар умумбашарий маънавият деб ҳам юритилади. Инсон озодлиги, саломатлиги, ҳар бир шахснинг яшаш, билим олиш, кексайганда ижтимоий ҳимояланиш имкониятлари ва у ҳақда ғамхўрлик қилиш каби маънавий масъулият ўз

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А. Миллий истиқол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 24-бет.

аҳамиятини доим сақлаб қолаверади. Адолат, тенглик, ахил қүшничилик каби маънавий қадриятлар асрлар оша яшаб келмоқда, уни бутун инсоният авайлаб-асраб келмоқда. Мөхнатсеварлик, эзгулик, яхшилик қилиш, тинчлик, дўстлик, ҳалоллик, ватанпарварлик ва бошқалар ҳам умуминсоний маънавият саналиб, у ҳар бир ҳалқ, миллатда ўзига хос равища намоён бўлади.

Ўзидан катталарни, ота ва онани ҳурмат қилиш, фарзандлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳам умуминсоний маънавий жиҳатлари билан ажралиб туришини ёддан чиқармаслик керак. Виждон, бурч, байналмилалчилик ҳам умуминсоний маънавият тизимидан ўрин олгандир.

Юқоридаги маънавият тушунчаларининг миллати йўқ. У ҳамма миллат, ҳалқ учун баб-баробар тегишилдири. Аммо уларнинг ҳаммаси фақат муйаян миллий шаклда намоён бўлади. Умуминсоний маънавиятда биз миллий маънавиятнинг энг олижаноб, энг юксак кўрсаткичларининг умумжаҳон миқиёсида мужассамлашган бирлигини кўрамиз.

Ўз тараққиёти учун ҳар бир миллат умуминсоний маънавият бойликларидан, ҳазинасидан фойдаланиши, унга суяниши тарихий заруратдир. Бунингиз замонавий илфор миллат ҳақида орзу қилиш мумкинмас. Умуминсоний маънавият бойликларидан фойдаланиш миллий чекланганлик қобигидан четга чиқишга, оламни кенгроқ кўриш ва кузатишга ундейди.

Агар миллий маънавият бўлмаса умуминсоний маънавият йўқ, умуминсоний маънавиятларсиз эса ҳозирги замон илфор миллатлари йўқ. Миллатлар умумжаҳон, умумбашарий маънавиятнинг яратувчилариридир. Ислом Каримов айтганидек: «Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида ҳалқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжихат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга ҳалқларнинг илфор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам ҳалқимизда азалдан мужассам»<sup>1</sup>. Умумжаҳон, умуминсоний маънавият эса ҳозирги замон илфор миллатлари тараққиётининг замини, таянчи ва негизидир.

<sup>1</sup> Каримов И. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишона-ман.«Фидокор», 2000 йил, 8-июн.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида эса миллний ва умуминсоний маънавиятнинг ана шу диалектик боғлиқлигини ҳисобга олишимиз давр талаби. Буни эса Президентимиз Ислом Каримов маънавият тўғрисидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳисобга олганлигининг гувоҳимиз. Хусусан, Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида «Миллний маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллний ўз-ўзини англарнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари, идеалларидан бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажralиб қолиши мумкин эмас»<sup>1</sup>, — деб таъкидлаган эди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, соглом авлодни тарбиялаш, комил инсонни вояга етказиш борасидаги тарбиявий ишларни миллний маънавиятимиз бойликлари билан бирга умуминсоний маънавият бойликларидан фойдаланиш негизига қурмогимиз лозим.

З-масала. Бозор муносабатларига ўтиш даврида кўп миллатли давлатлар учун миллний сиёсатни тўғри, аниқ кўзланган мақсад асосида олиб бориш жуда муҳимдир. Бу эса тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам беради. Миллатларнинг ва улар маданиятларининг бир-бирига таъсир кўрсатиши кўп миллатли давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-ақлий бойиши учун яхши манба бўлиб хизмат қилиб келган.

Миллатлар ўртасидаги турли муносабатларни уйғулаштириш собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида янги мустақил миллний давлатлар қарор топаётган даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу масалага зийраклик ва нозиклик билан ёндашишни талаб қиласидиган долзарб масаладир. Кўп миллатли давлатларда миллний масалани барча миллат ва халқлар манфаатларини ҳисобга олмасдан ҳал этишга уриниш ёмон, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун ҳам миллатлараро муносабат жуда муҳимдир. Бу ҳудудда асосий миллат — ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти, анъаналари ва маънавиятига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қиласидар. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ошикни ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида демократик ва сиёсий ислоҳатларнинг боришини

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари, 62-бет.

умумий баҳолаб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар масаласига алоҳида, эҳтиёткорлик билан ёндашилмоқда.

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил ҳалқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тотувликни сақлаб қолишда бизнинг қонун базамиз яқиндан ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ўзбекистон ҳалқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», -деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига «...ижтимоий келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллатга мансублигидан...қатъий назар» тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида яққол белгилаб берилган. Унда айтилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Мустақиллик йиллари миллатлараро маънавий ва маданий-маърифий муносабатларнинг кенгайиши ва чуқурлашуви ана шу қонун доирасида ривожлантирилиб келинмоқда. Шу йиллар мабойнида миллий уйғониш жараёни фақат ўзбеклар орасидагина кечиб келмайтирилди. Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник маданий, маънавий асосларда жипслалиш жараёнлари фаол юз бермоқда. 1989 йилдаёт жамоат ташкилотлари миллий-маданий марказлар ташкил этила бошлаган эди. Ҳозир Республикада 80 дан ортиқ миллий-маданий марказ мавжуд. Булардан баъзиларининг рўйхатини келтирамиз:

Ўзбекистон Республикасининг корейс маданий марказлари ассоциацияси (1993 й); қозоқ маданий маркази (1995 й); қирғиз маданий маркази (1995 й); Ўзбекистон немисларининг «Видегербурт» маданий маркази (1994 й); рус маданий маркази (1994 й); Ўзбекистон «Ахисха» турк маданий маркази (1997 й) ва бошқалар. Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнида ижобий рол ўйнамоқда.

Бизнинг жамиятимиз этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасида шу ҳудудда яшайдиган ҳар қандай одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиши имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатишга интилоқда. Юртимида миллий айирмачиликнинг ҳар қандай кўринишлари қоралаб келинмоқда. Миллий қалондимоғлик фоят заарли, биз улардан йироқ бўлишимиз керак... Чунончи миллий қалондимоғлик касалига йўлиқкан кишилар ўз миллий маънавиятини билиб, бошқа миллат маънавиятини тан олмайдилар. Бундай муносабат тамомила ногўри. Улар жаҳон халқлари маънавий мероси ўртасидаги алоқадорликни, бир-бирини бойитишини билмайдилар.

Миллий маҳдудлик, худбинлик касалига чалинган кимсалар эса менинг миллатим маънавияти, маданияти бўлмагандага жаҳон маданияти, маънавияти бўлмас эди, деган фоят заарли қарашни, фояни илгари суриб, ҳимоя этадилар. Мустақиллик шароитида бундай заарли фояларни илгари суриш ва ҳимоя этишга интилиш миллатлараро муносабатларнинг негизига пуртур етказади, миллий тотувликка раҳна солади. Биз қанчалик ўз маданиятимиз, маънавиятимизни ҳурмат қўлмайлик, шу билан бирга бошқа миллатлар, жаҳон халқлари маънавиятига ҳам ҳурмат билан қарашимиз лозим.

Бизнинг мақсадимиз «Юртимида истиқомат қилувчи барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносаб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги кафолатланадиган турмуш даражаси ва эркинликларини таъминлаш»<sup>1</sup>.

### Таянч сўз ва тушунчалар:

Миллий маънавият; минтақавий маънавият; умуминсоний маънавият; ўзбек халқининг миллий маънавияти ва унинг умуминсоний жиҳатлари; миллий тарбия ва унинг асосий йўналишлари; умуминсоний маънавий бойликлар; миллий ва умуминсоний маънавиятлар муносабати; Мустақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлар; миллий маданий марказлар.

<sup>1</sup> Каримов И.Донишманд халқимизнинг мустақам иродасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8-июн.

## **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Маънавият қандай гуруҳларга бўлинади?
2. Миллий маънавият нима?
3. Минтақавий маънавиятга нималар киради?
4. Умуминсоний маънавиятни қандай тушунасиз?
5. Миллий ва умуминсоний маънавиятнинг ўзаро боғлиқлиги.
6. Ўзбек халқи миллий маънавиятининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг.
7. Ўзбекистондаги миллий-маънавий сиёsatнинг моҳияти.
8. Қандай миллий маданий марказларни биласиз?

## **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, мафкура, сиёsat. Т., Ўзбекистон, 1993 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон, 1998 й.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 й.
4. Қорабоев У. Миллатнинг камолоти. Мулоқот. №2, 1999 й.
5. Отамуротов С. Миллий муносабатларнинг сиёсий жиҳатлари. Т., 1996 й.
6. Примова Ф. Миллийлик ва умуминсонийлик. Мулоқот, №2, 1998 й.
7. Соифназаров И. Ватанпарварликнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари. Т., Меҳнат, 1997 й.

# **МАЊНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ, НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЗАМИНЛАРИ**

## **7-МАВЗУ**

### **ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЊНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

#### **Режа:**

1. Қадимги халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликларида мањнавият масалалари.
2. Авесто»да инсон, унинг мањнавияти масалалари.
3. Монийлик ва маздакизм таълимотларида мањнавият масалалари.

1-масаланинг баёни. Мазкур масала баёнини ўқитувчи, аввалио, миллий мањнавиятимиз такомили босқичларини баён этишдан бошлишини маслаҳат берамиз.

Марказий Осиё халқлари миллий мањнавияти такомил босқичлари бу ўлка халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу саҳнда юз берувчи ҳодиса саналади. Халқимиз маданий тараққиёти ўта мураккаб тарихий ҳодисалар мажмумини ташкил этиб, ўз ичига бир неча минг йилликларни қамраб олади. Ана шу мураккаб ва кўп минг йиллик мањнавий тақомилимиз жараёнидан асосий бўғинларни ажратиб олишимиз лозим. Бусиз миллий мањнавиятимиз ривожланиши босқичлари ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Кўпгина тадқиқотчиларнинг, шу жумладан М. И момназаровнинг бу борадаги фикрини қўллаб, унга кўшилиб миллий мањнавиятимизнинг неча минг йиллик тарихини уч йирик даврга (балким тўрт даврга) ажратиб кўздан ке-чиришни кўп жиҳатдан мақбул билдиқ:

1. Исломгача миллий мањнавиятимиз тараққиёти.
2. Ислом минтақа маданияти тақомилида миллий мањнавиятимизнинг ўрни ва мавқеи.
3. Янги давр жаҳон маданияти ва миллий мањнавиятимиз тақомили масалалари. (Биз назарда тутган тўртинчи даврга балким Темур ва Темурийлар даври мањнавиятини алоҳида давр сифатида изоҳлаш мақсадга мувофиқроқ бўлармикин).

Бу даврлар ўз ичига олган тарихий даврлар мұддатига күра асло тенг әмас. Биринчи давр бир неча минг йилларни қамраб олса, иккінчи давр 11-12 асрни (1000-1200 йилни) ўз ичига олади. Учинчи давр эса бизнинг ўлкамиз - Туркистан учун деярли 100-150 йилни ташкил этади.

Биз мазкур маъруза матніда Исломгача маънавиятимиз та-комили, мазмуни ва моҳияти ҳақида фикр юритамиз. Исломгача бўлган миллӣ маънавиятимиз ва унинг такомиллашиши ҳақидаги энг муҳим манбалар гуруҳини тўртга бўлиш мумкин. 1. Зардуштийликнинг «Авесто» китоби ва туркий битиклар (ёзувлар). 2. Қадим Шумер, Бобил, Ашшур, қадим Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой манбалари ва Эрон шаҳаншоҳларидан қолган тошбитиклар. 3. Археологик ёдгорликлар моддий ашёлар ва турли иншоотлар. 4. Ҳалқ оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар ва бошқалар.

Бизнинг энг қадимий аждодларимиз маънавият ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача сақланиб қолган миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақланиб келаётир. Ўрта Осиё ҳалқарининг қадимий миф ва афсоналари турли мавзуларда бўлган. Чунончи космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, баҳт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик ёмонлик, баҳтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйилган. Шу асосда баҳт ўлкаси ва баҳтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўргасидаги кураш мифологик образлар Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Эликбек ва бошқалар образида мужассамлаштирилган. Булар ҳақидаги мифлар биз кейинги масалада қўриб ўтадиган зардуштийликнинг «Авесто» китобига ҳам кирган.

Митра – қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, баҳт-саодат баҳш этади. Шу билан бирга у яхши қуролланган бўлиб, душманларга қарши даҳшат солади, кишиларни оғатдан қутқаради. Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвиrlанган. У душманга қарши шафқатсизлик билан жанг қилади ва уни маҳв этади. Митра – ўтда қуймас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас қаҳрамон.

Каюмарс ҳақидаги миф ҳам «Авесто»га кирган. Мифологияга кўра Каюмарс ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуд-

дан: ҳўқиз ва одамдан ташкил топган. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс танасининг ҳўқиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўқиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; тананинг одам қисмидан эса эркак ва аёл жинси ҳамда металл вуҷудга келган деб тасвиirlанган.

Ийма (Жамшид) ҳақидаги мифда кишилар учун нажоткор ҳукмрон образи тасвиirlанган.

Шундай қилиб, юқоридаги каби ҳалқ оғзаки ижоди – мифларда ҳалқ нажоткори ва ҳалоскори тасвиirlанади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончи тасвиirlанган.

Ҳалқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам юзага келган. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва баҳт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енгган, ўлимдан қўрқмас, мард, баҳодир, кишиларни ҳалокатдан кутқарувчи қаҳрамонлар образлари тасвиirlанган.

Қадим Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутади. Уларда ҳалқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган. Чунончи Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги ҳалқ оғзаки эпосларида ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган.

«Тўмарис» эпосида Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига, хусусан эрамиздан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган эрон аҳмонийлари шоҳи Кирга қарши массагет қабилаларининг қаҳрамонона кураши акс этган. Кир қўшини тор-мор этилиб, унинг ўзи э.а. 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади, калласи танасидан жудо этилиб, қон билан тўлдирилган мешга солинади.

«Широқ» эпоси ҳам Ўрта Осиё ҳалқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, ватан ва ўз ҳалқи баҳти-саодати йўлида фидойилик қилишга шай, тайёр туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Юқоридаги ҳар иккала ҳалқ оғзаки ижоди намуналари заминида ҳақиқий тарихий фактлар ётади.

Тұмарис ва Широқ халқ қаҳрамони бўлиб, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади. Уларга ҳам қойил қолиб ҳавас қиласиз.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун Енисей ва уйғур тилидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхун Енисей ёдгорликлари V-VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тагин, Билка-қоон, Тунюкук қабр тошлирига ўйиб ёзилган текстлар айниқса аҳамиятлидир. Бу ёзувларни туркий-рун ёзуви ҳам деб юритилади. Рун ёзуви «яширин», «сирли» ёзув демакдир. Чунки уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган.

Кул-Тагин Билка-қоон (улуг ҳоқон демакдир) нинг укаси бўлиб 732 йили вафот этган. У урушларда зўр қаҳрамонликлар кўрсатган. Кул-Тагин қабр тошида Билка-қооннинг тилидан айтилган жудолик қайғуси марсияси бадиий тил воситасида ифодаланган. У ўз укасининг вафотидан жуда қайғуга тушади. Чунончи: Агар Кул-Тагин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлур эдинглар. Менинг иним Кул-Тагин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим, кўтар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим. Қисматни кўк само (худо) тақсим қиласи, одам боласи ўлиш учун туғилган....каби сўзлар ёзилган.

Кул-Тагин қабр тоши ёзуви турк ҳоқонлиги давлатининг ижтимоий-сиёсий хаёти, қабила ва халқларнинг урф-одатлари, тили ва мағкураси билан таништирувчи манбадир.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка халқларининг ёзувини кўрсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий, грек ёзувлари, форсий миҳҳат мавжуд бўлган. Кейинроқ авесто, хоразм, сүғд, кушон, рун (Ўрхун - Енисей), уйғур ёзуви келиб чиққан.

Қадим Ўрта Осиёда астрономия, геометрия, геодезия, математика, физика, медицина фанлари ривож топган. Бизга қадар сақланиб қолган сүғд календари ва Беруний асарларидағи маълумотлар бу ўлкада, айниқса астрономия фани ривожланганидан дарак беради.

Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суфориш иншоотлари қурғанлар, каналлар очганлар, чиғир ва кориз усули билан сувсиз ерларга сув чиқарғанлар. Албатта булар кишилардан маълум тажриба ва билимни талаб этган.

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосла-ниб, Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маъри-фат ўчоқларидан бири бўлган деган хулоса чиқара оламиз. Биз ёш авлод бу билан фахрланишимиз лозим.

**2-масала баёни.** «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Зардушт эрамиздан аввалги 660 йилда Хоразмда дунёга келган. Отаси саводли бўлиб, кароматгўй бўлган экан. Зардушт 20 ёшидан бошлаб якка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшида шуҳрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмайди. Уни осишга ҳукм этадилар. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон томонга йўл олади ва ўз фояларини тарғиб этади. У 77 йил умр кўрган.

Зардуштийликнинг пайдо бўлиши эрамиздан олдинги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам бирдан юзага келган эмас. У бир неча асрлар мобайнида яратилган. Зардушт «Авесто»нинг қадимий нусхаларини ўрганиб, тўплаб бир китоб ҳолига келтирган. У 30 та коҳин билан уч йил давомида «Авесто»нинг билимларини йигиб, бир тизимга солган ва 12 минг ҳўқиз терисига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган.

Авесто қўйидаги беш қисмдан иборат:

1. Вендидод - 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда Ердаги барча мавжудотнинг яратувчиси эканлиги баён этилади.
2. Виспарад - 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларидан ташкил топган. Зулмат кучларига қарши кучлар куйланади.
3. Ясна - 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик вақтида, маросимида айтиладиган қўшиқлардан ташкил топган.
4. Яшт - 22 қўшиқдан иборат бўлиб, зардуштийлик маъбудалари мадҳи куйланган.
5. Хўрда Авесто Кичик Авесто қуёш, ой ва бошқа худо ҳамда маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат.

Зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳақида қисқа маълумот бердик. Бу китобнинг кўп қисми Искандар Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида йўқолиб кетган. Бизгача етиб келган нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда Копенгагенданда кутубхонада сақланиб келинмоқда.

Зардуштнинг ўзи тарихий шахс эканлиги ҳам мунозарали, баҳсли масала. Биз айрим муаллифлар фикрига қўшилиб, унга тарихий шахс сифатида ёндошдик.

Зардүшт сариқ түя минган, деган маънони англатади. «Авесто» таълимотига кўра, оламда иккита куч, яхшилик ва ёмонлик, ёргулук ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик каби қарама-қарши кучлар мавжуд бўлиб, улар абадий муросасиз курашиб келадилар. Яхшилик ва ёруғлик кучларига Ахура Мазда бошчилик қиласи. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Энди зардүштийлика ва унинг муқаддас китоби «Авесто»да маънавият ва маърифат масалалари ва уларнинг бизнинг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида фикр юритамиз.

«Авесто»да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи деб билади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади. «Авесто»да: «Дон эккан киши тақвадорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиқлантириб туради..», дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш – ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. «Ғалла ердан униб чиққанда, -дейилади «Авесто»да, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчидан қилинаётганда улар маҳв бўлади...» деб меҳнат улуғланади.

«Авесто»да инсон ахлоқ-одоби, маънавияти қўйидаги учлика: Гумата яхши фикр, Гутта-яхши сўз, Гваршта-яхши ишда ифодаланади. «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шоншавкат баҳш этаман», -деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Яхши фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтоjлик ва хавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар баҳт ва саодати учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади.

Яхши сўзлар деганда эса ўз ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотиқ ишларида ҳалол бўлишга, қарзини ўз вақтида тўлаш, ўғрилик ва талончилик қилмаслик, бузуқликдан ўзини тийиш ва ҳакозолар тушунилган.

Яхши ишлар деганда инсоннинг ўз хатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишимай амал қилиш назарда тутилади.

Зардүштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешафқат бўлишни қатъян ман этади. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш гуноҳ деб ҳисобланади. Кишиларни фойдали

хайвонлар ҳақида ғамхүрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат беріб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этади. «Авесто»да тозалик, поклика алоҳида эътибор қаратилган. Ҳовуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қатъиян қораланган.

«Авесто»да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-урӯғ, акауқанинг қуда-анды бўлиши қораланган.

Хозирги медицина фани ака-ука, яқин қариндошлар ўргасидаги қудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла-тўқис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аждодларимиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишисини лол қолдиради. Қолаверса, яқин кишиларнинг никоҳ масалаларида маънавий жиҳатлар ҳам борки, бунга инсон қалби йўл бермаслиги керак.

Кўринадики, Ўрта Осиёда кенг тарқалган қадимий Зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига муҳим аҳамият берилган.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқи-нинг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратгувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш тақиқланган. Агарда оиласда эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузукчилик гуноҳи содир этса, ундан кишилар таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

Зардуштийлик таълимотидан кўриниб турибиди, Шарқда қадимдан оила муқаддас ҳисобланганд. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишига йўл қўймаганлар. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепалик жойда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дараҳт ўтқазиш, ўстириш мумкин эмаслиги, арча, қайрағоч каби мевасиз дараҳт ўстириш кераклиги таъкидланади. «Авесто»да аҳолининг кўпайишига ҳам аҳамият берилган. Қасддан эрга чиқмайдиган қиз қопга солиниб, 50 дарра урилган. Қасддан уйланмаган йигитга ҳам 50 дарра урилган ва белига темир камар боғлаб юриш буюрилган.

«Авесто»да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи Илон ва жом берилган. Демак, табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас, балки биздан бошланганд. Бу ҳам бизнинг маънавиятимиз қадимийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Китобда маърифатга, илм ва ҳунарни бошқаларга ўргатиш кераклиги ҳам уқтирилган.

Хулоса шуки, «Авесто» китобида аждодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, туҳмат каби ёмон хислатлар қораланади. Соф қўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бира ни алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий хислатлар тарғиб этилади.

З-масаланинг баёни. Марказий Осиёда қулдорлик жамияти эрамизнинг II-III асрларига келиб инқизога юз тутди ва ўз ўрнини феодал муносабатларига бўшатиб бера бошлади. Бу ҳолат зардуштийлик ичидаги янги оқим Монийлик таълимотининг юзага келиши ва кучайишига олиб келади. Ушбу оқимнинг асосчиси Моний (216-276 й) бўлиб, у тарихий шахсадир. Унинг таълимоти ҳукмрон табақалар манфаатига зид бўлгани учун 276 йилда ваҳшнийларча ўлдирилди. Моний бой адабий мерос яратган бўлса ҳам, лекин унинг баъзи асарларидан парчаларгина биззача етиб келган, холос. Унинг маънавий-ахлоқий қарашлари «Сир ул асрор» (Сиру асрор китоби), «Китоб-ул-худо-восттадбир» (Раҳбарлик ва бошқарув китоби), «Шабуркан» ва бошқаларда баён этилган.

Моний таълимоти зардуштийликнинг яхшилик ва ёмонлик таълимотига асосланган бўлиб, кенг ҳалқ оммасининг манфаатига мос келар эди. Монийлик таълимотида дунё - зиё (ёруғлик) ва зулмат (қорнгулик) нинг абадий кураш майдонидан иборат, мана шу кураш майдонида инсоннинг асосий вазифаси ёвузиликни йўқ қилиш учун яхшилик, эзгуликка қўмаклашишдан иборат деган маънавий-ахлоқий таълимот илгари сурлади.

Моний таълимотига кўра, инсон соф мусаффоликка, ўз гуноҳларидан ҳолиликка фақат таркидунё қилиб ҳаёт кечириши орқалигина эришиши мумкин, деб қаралади. Монийлик ахлоқи диндорлардан имкони борича кам овқат ейишни, рўза тутишни (демак рўза тутиш одати исломдан авввал ҳам бўлган), ўз тўрмуши, ҳаёти учун кераклигидан ортиқча мол-мулкка, бойликка йўл қўймасликни, мўтадил, ўргача, дабдабасиз ҳаёт кечиришни тарғиб этади. Моний ўз муридлари, издошларини дунёвий ишларда «сурбет» бўлмасликка ва дунёда кўп нарсаларга интилмасликка даъват қиласи. «Зоро ўлимдан кейин ҳеч кимсада рўзгор асбоблари билан ҳовли ҳам, уй ҳам қолмайди». Бошқача айтганда, инсон ҳаёти давомида ортирган бойликларини ўзи билан олиб кета олмайди, уларнинг ҳаммаси ундан кейин қолиб кетади. Моний айтгади: «Мен ўз умримда кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда ахлоқсизлик қилиб, манманликка

берилиб юрдилар, аммо охирида ғам-аламларга, тубанликка дучор бўлдилар». Демак, Монийнинг бу сўзларидан биз ҳам ибраг олишимиз фойдадан ҳоли эмас.

Эрамизнинг V аср охири VI аср бошларида Эронда «маздакизм» деб аталган бошқа диний-фалсафий таълимот юзага келиб, у Марказий Осиёда ҳам кенг ёйилди. Маздакизм феодал муносабатларнинг ривожи ва у билан боғлиқ ҳолда халқ ахволининг оғирлашуви ва икки ўртада зиддиятлар ва курашнинг кучайиши оқибатида юзага келган.

Маздакизмнинг Монийлик таълимоти билан кўп ўхшаш томонлари бор. У Монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик ноумидлик foяларини дунёга умид билан қарашибояларига алмаштиради.

Маздак Эроннинг Нишопур шаҳрида туғилган. Деҳқонлар кўзғолонига йўлбошчилик қўлганлиги учун 529 йилда Анушурвон томонидан қатл этилган. Маздак феодал мол-мулкини умумийлаштиришни, феодаллар ҳукмронлигини йўқотишни талаб этади.

Монийликдаги каби маздакизмда ҳам дунёни тушуниш негизида бир-бирига қарама-қарши икки куч: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат кураши ётади деб қаралади. Бу курашда яхшилик ёмонлик устидан, ёруғлик зулмат устидан ғалаба қиласиди, деб ишонч билдирилади. Маздакнинг айтишича, ёмонлик ва зулмат кучлари ҳукмронлик қилас экан, кишилар уларга нисбатан бефарқ бўлишлари керак эмас, балки яхшилик кучларига ёрдам беришлари керак.

Маздакнинг фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик кишилар ўртасида зиқналик, ўғрилик, ёмонлик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман фалокат ва баҳтсизликлар каби иллатларни келтириб чиқаради. Шу боисдан бундай ёвузликларни келтириб чиқарувчи асоснинг ўзини тугатиш керак, деб ҳисоблайди. Оллоҳ ҳаммага мол мулкни тенг бўлган, аммо бойлар худбинлик йўлларига ўтиб (ўзим бўлай), барча бойликни ўзиники қилиб олиш йўлига ўтган. Камбағаллар ҳам мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга, шунинг учун бой-бадавлат кишилар мол-мулкининг бир қисмини улар ўртасида тақсимлаб бериш одилона иш бўлади деган foя илгари сурилади. Албатта Маздакнинг бундай қарашлари ҳукмрон табақа манфаатларига зид эди. Мана шунинг учун ҳам Маздак ва унинг тарафдорлари таъқиб остига олинди ва улар шафқатсизларча жазоландилар.

Маздакизм маънавий-ахлоқий таълимотида ҳам худди Зардуштийлик таълимотидаги каби ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик қилиш, уриш ман этилади.

Хулоса шуки, Монийлик ва маздакизм Марказий Осиё халқлари маънавий юксалишида, айниқса уларнинг адолатсизлик, зулм, зўрлик, шафқатсизликка қарши қурашига ўз таъсирини ўтказган.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Қадимги халқ оғзаки ижоди: афсона, ривоят, эртак, достон; Тўмарис, Широқ, Алпомиш; қадимги ёзма битиклар – Ўрхун, Енисей; зардуштийлик; «Авесто»; яхши фикр, яхши сўз, яхши иш; монийлик; маздакизм ва ижтимоий адолат.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўрта Осиё халқларининг қандай афсона, ривоят ва достонларини биласиз? Улардаги маънавий жиҳатларни изоҳланг.
2. Ўрта Осиё халқларининг ватанпарварлик мавзуидаги қандай халқ оғзаки ижоди намуналарини биласиз?
3. «Авесто»да инсон ахлоқи, одоби, маънавиятини ифодаловчи таянч фояларни изоҳланг.
4. «Авесто» да соғлом авлод масалалари қандай кўриб чиқилган?
5. Моний ва Маздак таълимотларидағи маънавият масалаларини изоҳланг.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.
2. Каримов И.А. «Алпомиш» достонининг яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1999 йил, 9 ноябрь.
3. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
4. Авесто. – Санъат, № 3, 11, 1993 й.
5. Ўрмонов М. Муқаддас «Авесто». Халқ сўзи, 1998 йил, 4 декабрь.

## ИСЛОМ ДИНИДА МАЬНАВИЯТ ВА ШАХС МАЬНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

### Режа:

1. Куръони Карим ва ҳадиси шарифларда инсон маънавияти ва маърифати масалалари.
2. Тасаввуф ва унинг маънавий жиҳатлари.
3. Мустақиллик, Ислом дини ва Исломий қадриятларнинг тикланиши.

Мазкур мавзу бир жиҳатдан қараганда ҳамма учун, шу жумладан талабаларга ҳам тушунарлайдек кўринади, бунга сабаб кундалик турмушда, турли йиғинларда, маъракаларда диний сұхбатларнинг тингланишидир. Иккинчидан, мустақиллик туфайли дин ва диний урф-одатлар, анъаналар, маросимларга оид бўлган китобларни эркин чоп этила бошлаганлиги, сотувда бўлишидан кенг китобхонлар оммасининг баҳраманд бўлишидир. Учинчидан, радио, телевидение эшиттиришларида муентазам суратда диний-ахлоқий мавзуларда турли сұхбатларнинг бериб борилиши. Мазкур мавзуни баён этишда юқоридаги ҳолатни ҳисобга олиш лозим бўлади. Гарчи талабалар кейинчалик диншунослик курсини тингласалар ҳам, мавзуни Исломни юзага келиши, қуръони Карим ва ҳадислар ҳақида қисқа маълумот беришдан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-масаланинг баёни. Ислом дини кўп халқлар орасида кенг тарқалган динлардан биридир. Бу динга эътиқод этувчилар мусулмонлар жаҳонда қарийиб 1 миллиард 400 миллион кишини ташкил этади.

«Ислом» сўзи арабча бўлиб «худога ўзини топшириш», «Итoат», «Бўйсуниш» маъносини беради. Шундан бу динга ишонувчилар -«Муслим» деб аталади. Унинг кўпчилик шакли «Муслимин» бўлиб, ўзбекларда «Мусулмон», қирғиз ва қозоқларда «Мусурмон» деб аталади.

Ислом дини Арабистон ярим оролида VI асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида келиб чиқкан. Унинг асосчиси пайгамбар Муҳаммад (570-632) Маккада қурайш қабиласига

мансуб бўлган Хошимийлар хонадонида туғилган. У 609-610 йилларда Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот бошлаган. Аммо зодагонларнинг қаршилигига учрагач, 622 йилда ўз тарафдорлари билан Мадина (Ясриб) га кўчади (арабча ҳижрат қиласи). Шу йилдан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланади.

630 йилга келиб, Макка ҳам мусулмонлар қўлига ўтади ва мусулмон давлати шаклланади. Мұҳаммад вафотидан кейин бу давлатни унинг ўринбосарлари, яъни ноиблари (халифалар) бошқарадилар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда «Араб халифалиги» деб ном олган. Дастрлаб араб халифалиги катта территорияни эгаллаган эди. Ўрта Осиё ерлари Мовароуннаҳр (дарё ортидаги ерлар) VIII аср бошларидан VIII аср ўрталаригача араблар томонидан истило қилиниб, улар билан бирга Ислом дини кириб келди. Ана шу даврдан бошлаб Марказий Осиёда Ислом миңтақа маданияти, маънавияти ва маърифати ўзига хос равишда шаклланди ва тараққиёт босқичини бошдан кечирди.

Ислом диний таълимотининг асослари – Куръон ва ҳадис тўпламларида, шунингдек, VIII-XII асрлар давомида вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Куръони Карим илоҳий китоб бўлиб, у фаришта Жаброил алайҳиссалом томонидан Мұҳаммадга нозил этилган. Бу муқаддас китоб Ер юзи мусулмонларининг дастуруламали, диний аҳкомлар манбаидир. Куръони Карим саҳифаларини бир китобга жамлаш халифа Абу Бакр даврида бошланиб халифа ҳазрати Усмон даврида якунланган ва тўрт нусхада кўчирилган. Ана шу кўчирилган дастлабки нусхалардан бири Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасида сақлаб келинган, ҳозирда эса буюк бобокалонимиз номи билан боғлиқ Тошкентдаги Темурйилар даври музейида сақланмоқда. Бундай муқаддас китобнинг юртимизда бўлиши Оллоҳнинг бизнинг юртимизга бўлган инояти деб билмоқ лозим. Куръони Каримда 114 сура, 6236 та оят бор. Мустақиллик шарофати билан турли маросимларимиз Куръони Карим қироатларидан бошланмоқда. Бу ўтмишда бир орзу эди, холос.

Илоҳиётда Ислом дини уч элементдан иймон, Ислом, эҳсондан иборат деб эътироф этилган. Иймон талаблари 7та ақидани оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва

ўлгандан кейин тирилишга ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, яъни дин асослари аркон ад-дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари киради. Булар калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконияти топилса Ҳаж қилиш талаблари. Эҳсон ақидаларга сидқидилдан ишониш ва маросимларни адо этишидир.

Исломнинг кишилар онги ва турмуш тарзига таъсир этиши, улар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишини таъминловчи диний маросимчилик -хатна, рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мовлид, ашуро ва бошқалар ҳам шаклланган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар, жумладан кинна солдириш, фол очириш, дам солдириш, муқаддас жойларга, авлиёларга сифиниш каби одатлар ҳам ислом маросимларига мослашиб кетган.

Ҳадислар Ислом динида Куръондан кейинги муқаддас манба. Ҳадислар тўплами суннат деб аталади. Ҳадиси шарифларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари баён эттирилган.

Ҳадиси шарифларни йигиб китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган.

Бу шарафли иш ҳижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ёзди ва у ҳадисшуносликнинг олтин даври деб аталади. Ислом оламининг ўша даврдаги маданий марказларидан саналган Боғод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Ургенч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ичida энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Давуд, имом Ат-Термизий, имом Ан-Насой ва имом ибн Можжа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари туронзамилик бўлгани бизнинг фахримиздир. 1998 йилда Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бутун мусулмон дунёси, шу жумладан юртимиизда кенг нишонланди. Мустақил Ўзбекистонда бу муносабат билан халқаро анжуман ўтказилди. Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашақкат иш бўлганки у муҳаддисдан ақл-заковатни, куч-кувват, фидойилик, юксак иқтидор ва ҳофизани талаб қиласи. Масалан, имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «Саҳиҳ» ва 200 минг «Гайри саҳиҳ» ҳадисларини ёд билганликлари айтилади.

Исломда ахлоқий-хуқуқий қонун-қоидалар мажмуи шариат XI-XII асрларда тугал шаклланган. Шариат қонун-қоидалари Куръон ва суннат асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иктисодий, диний, хуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб-қоидалар «Ҳидоят», «Виқоя», «Мухтасари ҳидоя», «Мухтасари виқоя» номли китобларда жамланган.

Шариатда қонунлар муқаддас ҳисобланиб, унга ҳар бир мўмин-мусулмон ижтимоий ҳолатидан қатъий назар Оллоҳнинг бандаси сифатида бирдай амал қилиши талаб этилган.

Юқорида Ислом, унинг муқаддас илоҳий китоби қуръони Карим, ҳадислар ва шариат ҳақида баъзи маълумотларни келтирдик. Энди умуман ислом динида, хусусан қуръони Карим, ҳадислар ва шариатда ахлоқ-одоб, маърифат ҳақидаги қарашларнинг баъзи жиҳатлари тўғрисида фикр юритамиз.

Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждан билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишига рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, ҳалқимиз ҳалол ва ҳаромни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар, қилинадиган ишлар ҳалол деб ҳисобланган. Ижозат этилмаган нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунида жазосини албатта бериши айтилган.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақда кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримларга қўйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдо-сотиқда фирромлик қилиш, бироннинг хаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғирлик, қароқчилик, майхурлик, фийбат, туҳмат, бўхтон, жосуслик,

қотиллик, порахўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оиласа садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли-диёнатли, вижлонли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилик, ростгуйлик, соғдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақиришоялари илгари сурилган.

Юқоридаги инсон маънавияти хусусиятлари каби масалаларни мазкур курснинг учинчи бобида алоҳида мавзуларда кўриб чиқиш назарда тутилгани сабабли улар ҳақида ушбу маъруза давомида батафсил тўхтаб ўтишни лозим ҳопмадик. Ҳадисларда ахлоқий камолот масалаларида айтилган баъзи фикрлардан на-муна келтириш билангина чекландик холос.

Мунофиқлик белгиси учтадир: Ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир;

Омонат кўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг;

Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг;

Қачонки бир гуноҳ қилиб кўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг.

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан;

2. Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиятга берилиб кетишидан;

3. Илму маърифатга эга бўла туриб ғофилларнинг ишини тутишидан;

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг:

Ўлимдан аввал тирикликни, бетобликдан аввал саломатликини, бандликдан аввал бўш вақтни, кексаликдан аввал ёшликни, фақирликдан олдин бойликни.

Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг эса отангга яхшилик қил.

Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини, ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир. Ҳадиси муборакдан келтирилган ушбу мисраларнинг маънавий жиҳатларига изоҳ беришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ.

Исломда илм-фани эгаллаш, маърифатли бўлиш жуда катта савобли иш экани қайта-қайта таъкидланади. Бешикдан то

қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилинишининү ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳадислардаги «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишдир», «Илм ибодатдан афзалдир» каби фикрлар ҳам таҳдилга муҳтоҷ эмас.

Куръони каримда «Илм» сўзи асосида «Алим» - билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 маротаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга илк нозил бўлган оят ҳам «Иқра...» «Ўқи» сўзидан бошланади. Ушбу оят шундай: «Ўқи! Сенинг ўта карамли Парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатади» деб нозил қилинган. Кўринадики, ислом эътиқоди аввал бошданоқ инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишига тарғиб этади.

Ислом маънавиятида инсоннинг ер юзида халифа қилиб белгиланиши унинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Куръони каримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва мукаррам қилиб яратилгани, унга ер ва осмондаги барча нарсалар бўйсундириб қўйилганлиги алоҳида уқтириб ўтилади.

Инсон Оллоҳнинг халифаси сифатида билим эгаси, ёруғ дунёning барча билимларига унинг идроки этади. Фақат кибрга берилиб кетмаса, ўзини ҳаммадан ортиқ қўя бошламаса бас. Парвардигор бизни инсон қилиб яратган экан, ақт-хуш, илму-амал берган экан, демак, биз инсон сифатида тафаккур қилиб, дунёвий илмларни - дунёни ўрганиб, дунё орқали Оллоҳнинг зотини, илмларини кашф этиб яшашимиз керак. Дин руҳиятимиз тарбиячиси, илм-дунёни ва охиратни билиш куроли, инсон униси ни ҳам, бунисини ҳам эгалламоги керак. Бизнинг боболаримизнинг йўли ана шундай бўлган. Бир мисол келтирамиз. Ривоят қилишларича, Абу Али Ибн Сино билан машхур шайх Абусаид Абулхайр учрашибдилар. Улар бир кечада бир-бирларига ҳеч нарса демай «суҳбатлашиб» чиқибдилар. Эргатлаб Шайхнинг шогирдлари ундан Ибн Сино ҳақида нима дейсиз, деб сўраганларида. Абусаид Абулхайр: «Мен нимаики важд (интуиция) билан билган бўлсам, у ақл билан билиб олган», лебди. Ибн Сино эса ўз шогирдларига: «Мен нимаики ақл билан билган бўлсам, у кўнгнил билан идрок этади», деб айтган экан. Кўринадики, Ибн Сино дунёвий илмлар олими. Абусаид Абулхайр эса тасаввуф шайхи. илоҳиёт олими. Аммо улар бир-бирини тушунган ва ҳар икки илм ҳам кераклигини англагантар.

Ёки олайлик, Мирзо Улуғбек билан Хўжа Аҳрор Валийни. Улар замондош, бир шаҳарда яшаганлар. Улуғбек мунажжим ва шоҳ, унинг шогирдлари аниқ фанлар вакиллари. Хўжа Аҳрор эса мўътабар дин арбоби, руҳоний зот. Аммо улар бир-бирларига халақит берган эмаслар, аксинча, бири илмий маърифатни, иккинчиси бўлса руҳоний маърифатни ривожлантириб, бир-бирига кўмак берганлар.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Бухорий, Фаззолий, Ҳамадоний, Фиждувоний ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидойилиги, эътиқод-иймонининг поклиги билан бизларга ибратдир. Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики, диндорлик ҳам маърифатни, юксак маънавиятни талаб қиласди. Киши қанча чуқур илм эгаси бўлса, олам ва одам моҳиятини англаса, унинг Оллоҳни англаши, иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Гап ҳоҳ диний, ҳоҳ дунёвий маърифатни тўғри ва чуқур англашда, ҳар икковини ҳам эгалламай нодон, жоҳил бўлиб қолмаслиқдадир.

Ҳар икки илмни эгаллаган киши икки дунёсини обод қиласди.

Ислом бу факат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир. Ислом тарихига назар ташласак, Мұҳаммад пайғамбаримизгача бўлган давр арабларда «жоҳилия» даври деб аталади. «Жоҳилия» нодонлик даври дегани. Ислом ана шу нодонлик даври ўрнига кенг маънода маърифат, маданият вужудга келтирди, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъатни ривожлантириди, ўзига хос маънавият ва маърифатни яратди. Бизнинг улуғ боболаримиз ислом маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, калом илми, фиқҳ, тасаввуф таълимотини ривожлантирилар.

Яқин ўтмишнинг ёмон асоратларидан бири шуки, собиқ шўро тузумида дунёвий илм ва диний-фалсафий таълимот бир-бирига қарама-қарши қўйилди. Улар бир-бирини инкор этадиган ҳодисалар тарзида талқин этилди. Диний тафаккур дунёвий илм ривожига монелик кўрсатадиган чиркин бидъат сифатида қораланди.

Биз бугун бундай қарашларнинг тубдан зарарли ва тарихан асоссиз эканлигини очиқ айтишимиз мумкин. Дунёвий ва диний илм юқорида кўрсатганимиздек, ўтмиш асрларда доимо ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келганлигини тарихнинг ўзи тасдиқлайди.

Мустақиллик туфайли фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар,

Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилиш имконига эга бўлдик.

Куръони Карим ва пайғамбаримиз ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилганлигидир. Улардаги ота-онага, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлилик, самимият, ростгўйлик ва бошқа чин инсонийлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши барча инсоният учун бебаҳо умуминсоний маънавий бойлик тизимини ташкил этади.

Жисмоний ва маънавий поклика интилиш ислом аҳлоқининг, Расулуллоҳ ҳадисларининг яна бир муҳим мавзу йўналишидир. Таҳорат, гусл масалалари ташки озодалик талаблари бўлса, ҳаромдан, ёлғон сўз, гийбат, туҳмат, зинокорлик, ўзга ҳақига хиёнат, ноҳақлик ва зулмга йўл қўймаслик, улардан қатъий сақланиш ички, маънавий покликка оид талаблардир. Буларнинг ҳаммаси қуръони Карим ҳамда Расулуллоҳ ҳадисларида ва уларга асосланган шариатда жуда қатъий қилиб қўйилган.

Хуллас, ислом барча мўминларни тўғри йўлга чорловчи, инсонпарвар дин эканлигини англаб етишимиз зарур. Шундагина диндан маънавий ва маърифий тарбияда фойдаланиш заруратига тўғри ёндошамиз.

**2-масаланинг баёни.** Шарқ ҳалқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маърифатимизга чуқур таъсир ўтказган тасаввувф (сўғизм) таълимоти VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастваб у зоҳидлик (таркидунёчилик бу дунё ҳою-ҳавасидан воз кечиш) ҳаракати кўринишида бўлиб Бағдод, Басра, Куфа, Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилган.

Асли тасаввувф сўзи «Сўфий» сўзидан, «Сўфий» сўзи эса арабча «Сўф» сўзидан ясалган. Сўф деб араблар жундан бўлган матони айтадилар. Даствабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар, бошқа оддий кишилардан ажralиб туриш учун жундан тикилган чакмон (у ҳирқа деб ҳам айтилган) ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрувчилар, яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ва гарифона турмуш кечириши, доимий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилишни мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қиласди. Сўфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак.

Ягона истак бу Оллоҳнинг дийдорига етишишдан иборат. Фақирлик туйғусига эга инсон на бировга банда-ю, на бировга хожа, у ёлғиз Оллоҳга банда, у ёлғиз Оллоҳга эҳтиёж сезади. Ҳамма нарсадан воз кечиш, охир оқибатда ўзликдан кечиш – сўфийлик таълимотининг маъниси мана шу. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: ўзингдан ўтдинг, Оллоҳга етдинг. Ҳазрат хожа Баҳоуддин айтадиларки: Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша «ҳеч»... нарса кетидан югуриб фам ташвишда ҳам эмасмиз. Эгнимизда жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас.

Тасаввуф сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинлклар, иллатлар, разолат дунёсига ҳирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойлика мөхр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубланлаштирувчи нарса. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишdir. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгил боглаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини анлагаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: «ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир».

Демак, тасаввуф илми инсон ҳақидаги илмдир. У инсон қалбига сайқал бериш илми. Биз бу илмдан 70 йил давомида бехабар эдик. Инчунун, биз неча замонлар инсондан бехабар қолдик ва не замонлар қалбимиздан файз кетди. Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва ҳалқимизнинг файзи камоли эдилар. Истиқол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Шуни ифтихор билан қайд этишимиз лозимки, тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизмати бекиёс бўлган. Хожа ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Матуридий ас-Самарқандий, Хожа Абдухолиқ Фиждувоний,

Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳнамолари бўлдилар. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий-ахлоқий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, Аҳмад Яссавий ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиришда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш нафсни таслим этишга хизмат қиласиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ - қул, нафсдан устунликка эришган ғарип шоҳдир, деб айтади. Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний қадрқимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган. Ўз ҳикматларидан бирида шундай дейди:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.

Ётса - турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур....

У нафс бандаларига қарата «Нафсни тебгил, нафсни тебгил эй бадкирдор» деб мурожаат этади, ва

«Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,

Термултириб ҳалойиққа зор айлади», деб нафс бандаларини танқид этади. Нафс инсондаги бутунликни, иймонни синдиради, маънавий жиҳатдан жарликка қулатади. Шу боис «Нафсни таниб меҳнат етса роҳат», - деб хитоб қиласиди. Бу ғоялар бизнинг ҳозирги кунимиз, тарбиямиз учун фоят муҳим.

Мовароуннаҳр тасаввуф таълимотида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд-нинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам қайд этишимиз лозим. Нақшбандия таълимоти ҳайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий маъно ва моҳиятга, ҳаётий мазмунга эга.

Нақшбандия маънавий-ахлоқий таълимотида ҳур фикрлилка кенг ўрин берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшиликни право кўришни афзал билганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд айбсиз одам йўқ, шунинг учун агар айбсиз дўст ахтарсак дўстсиз қоламиз, - дер эдилар.

Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, шам каби бўлгин ва одамларга ёруғлик бер, ўзинг эса қоронгуда бўл, деган эканлар.

Хожа Баҳоуддиннинг «Кўнгил Оллоҳда бўлсину, қўлинг эса ишда» ҳикматларининг инсон маънавий дунёси такомилидаги аҳамияти бекиёсdir.

Тасаввуф тариқатлари ҳақида сўзлаганда Нажмиддин Кубро асос солган кубровия ҳақида ҳам тўхтаб ўтишни маслаҳат берамиз. Биз Нажмиддин Кубро сиймосида фақат тариқат бошчисини эмас, балки ўз ватанини, ҳалқини дилдан севган ингсонни ҳам кўрамиз. 1221 йилда босқинчи мўғул галалари қадами Хоразмга етиб боради. Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакатни, фуқарони ўз ҳолига ташлаб қочади. Шу қалтис дамларда Урганчни ҳимоя қилишга 76 ёшлик Нажмиддин Кубро бошчилик қилади ва жангда қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Унинг сиймоси ҳалқ қаҳрамони сифатида асрлар оша яшаб келмоқда.

Нажмиддин Кубро асос солган Кубровия тариқатининг қоидалари ўнта бўлиб, уларда бу тариқат йўлини тутган сўфийнинг ички маънавий дунёси қандай бўлиши кўрсатилган. Инсоннинг сабр-тоқатли бўлиши, бойлик ва мол-мулкка муккасидан кетмаслик, ҳар қандай пасткашлик, риё, макр ва ҳйила-найрангга бормаслик, ҳайвоний хусусият – шаҳвоний ҳирсларга берилмаслик foялари илгари суриласди.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф илми - инсон ҳақидаги илмидир. Инсон қалбига сайқал бериш илми. У инсон одобини яъни маънавиятини янада кучайтирган бутун ислом ахлоқининг энг муҳим қадриятларини бир нуқтага жамлади. Шу тариқа тасаввуф комил инсон назарияси ва амалиётини ишлаб чиқди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент Ислом Университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармони ва шу фармонга шарҳда таъкидланганидек: «Ислом оммалашуви ва ривожи сифатида вужудга келган тасаввуф ҳам Ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубровия, Нақщбандия тариқатларини вужудга келтирдики, улар бутун ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида маънавий, маданий ривожланишида муҳим роль ўйнади»<sup>1</sup>.

З-масаланинг баёни. Ушбу масаланинг баёнини, яқин ўтмишда, Шўролар замонида динга ва диний қадриятларга, диний китобларга, уламоларга бўлган салбий муносабатлардан

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи газетаси, 1999 йил, 8 апрель.

бошлашни маслаҳат берамиз. Шунда талабалар мустақилликнинг бизга берган олий неъмати маънавий ва маърифий меросимизни қайтариб берганлиги эканини тушуниб етадилар. Яқин ўтмишда намоз ўқиш, диний маросимларни ўташ тақиқланган эди. Масжидлар, азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳларига қулф урилган эди. Одамларнинг уйларидаги Куръон, Ҳадис, турли диний адабиётлар, ҳатто араб ёзувидаги бошқа китоблар териб олиниб, ёқиб юборилган эди. Мана буни «жоҳилия», нодонлик деса бўлади. Қанчадан-қанча одамларимиз ҳозирги эмин-эркин кунларни қўмсаб, аммо кўролмай, армон билан ўтиб кетдилар. Шу боис биз мустақиллик келтирган неъматларга ҳар қанча шукроналик айтсак арзиди. Мустақиллик даврида исломий қадриятлар тикланди, иймон-эътиқодимиз ўзимизга қайтди. Бу савобли, эзгу ишларга карvonбоши ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов эканини ҳар дақиқада эслаб туришимиз лозим. Президентимиз маънавият ва маърифатга оид нутқ, маъруза ва асарларида исломнинг маънавий-ахлоқий, маърифий тарбиядаги юксак роли, ўрни, аҳамиятини мунтазам уқтириб келмоқдалар.

Хусусан, бу масалаларга Президентимиз Ислом Каримовнинг «Истиқдол ва маънавият» тўплами, «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарновон ҳаёт – пировард мақсадимиз» каби асар ва рисолаларда жавоб топишимиз мумкин.

«Ислом дини, – деб таъкидлайди Ислом Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобида, – ҳаётимизнинг туб замира га чўқур сингиб кетган. Бу – инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Миллий қадриятларимизнинг замонлар оша безавол яшаб келишига сабаб – аввало мұқаддас динимиз ҳисобидан»<sup>1</sup>. Бу ҳолат халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғояни сингдиришда Ислом омилидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда мустақил мамлакатимизда ислом дини омилидан, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги катта имкониятларидан фойдаланиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, масжидларга, азиз-авлиёлар ётган мақбараларга солинган қулфлар олиб ташланди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқдол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. 25-бет.

Қаровсиз қолган масжидлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Азиз-авлиёлар ётган, ўтмишда қаровсиз ҳолга келган жойлар ободонлаширилди, зиёратчилар учун қулай шароитлар юзага келтирилди. Рамазон ва қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умрага бориб келишлари учун имконият ва шароит яратиб берилди. Бу ўтмишда фақат хаёлий орзу ва армон эди. Улуғ алломалар Исо Термизий, ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Замаҳшарий, Абдухолик Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матрудий, ал-Марғиноний ва бошқа улуғ зотларнинг юбилейлари бўлиб ўтди, 1998 йилда эса Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди. Куръони Карим, Ҳадислар ва бошқа диний китоблар нашр қилинди, қилинмоқда. Ўтмишда бирорта ҳам диний уламонинг юбилейи ўтказилмас эди, диний китобларни нашр этиш тақиқланган эди, юқорида айтганимиздек, борлари ҳам йўқ қилинган эди. 1999 йилда Тошкент Ислом Университети ташкил этилди. Мустақиллик йиллари ислом дини ва исломий қадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар баҗарилди. Ислом ва исломий қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Биз ислом дини отабоболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз..Динга ҳурмат ва эътиқод – биз учун ўлмас қадриятдир»<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда бизнинг диёrimизда ҳам тараққиётимиз, осойишталигимизни кўролмайдиган «ваҳобийлик» ва «ҳизбуттахрир» каби оқимларнинг гуруҳ ва тўдалари пайдо бўлиб қолди. Бундай тўдалар ўзларича масжидларда ғавғо кўтариб, ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, айрим ёшларнинг онгини заҳарламоқдалар. Мустақилликнинг берган эркинлигини сунистеъмол қилмоқдалар. Бу мутаассиб диндорлар ўзларини «ваҳобий» ёки «динни тозаловчилар», «фундаменталистлар» деб юритиб, аслида эса биринчи навбатда исломнинг ўзига зарба бермоқдалар. Ваҳобийлар бир ярим минг йиллик илм-фан, маданият тарихидан воз кечиш, Имом Бухорий, Имом Фаззолий, Имом Абу Ханифа, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Навоий, Жомий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва

Каримов И. Озод ва обод Ваган, эркин ва фаровон ҳаёт мақсадимиз Т Ўзбекистон, 2000 й., 26-бет

бошқа ўнлаб мутафаккирлар, сўфиylар, олимлар меросидан воз кечиш, уларнинг асарларини ёқиб юбориши, мақбараларини бузиб ташлашни тавсия қилмоқдалар. Улар, умуман, инсон ақли, инсон қалби билан яратилган жамики маънавий бойликларни улоқтириб ташлашга даъват этмоқдалар. Ахир бу ваҳшийлик, нодонлик, жоҳилликнинг ўзику. Маънавиятли ва маърифатли киши, буни мутлақо қабул қилмайди.

Ваҳобийлик бизни орқага, жаҳолатга тортадиган, исломни, ислом аҳлини бузадиган хавфли оқим «Динни тозалаш», «соғ динга қайтиш» ниқоби остида ташвиқотлар олиб бориб, одамларни таҳликаға солиш, қонли жиноятлар қилиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қўяётгандардан миллий қадриятларимизни авайлаб - асрashимиз лозим.

Диёrimизда дин ниқоби остида иш кўраётган экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституциявий тузумга қарши бориб, ҳокимиyатни эгаллаш ва Ўзбекистонда Ислом давлати қуриш, ҳалқни қўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринмоқдалар. Уларнинг асл мақсади ҳукуматпарастлик, яъни давлатни қўлга олишдан иборат. Мустақил юртимизда уларга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пайи қирқилди.

Халқимиз энди – эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини ангалб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузофига қайтадими? Албатта йўқ. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда. Айниқса ёшларимизни уларнинг заарали таъсиридан асраб қолиш ҳозирги тарбия ишимиzinинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим. Ёшларимиз доимо ва ҳар он огоҳ ва яна огоҳ, сергак бўлишлари замон талаби. Бунинг ёшларимиз онгига мустақиллик foясини чуқур сингдиришимиз лозим. Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона foялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Муҳтарам Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида таъкидлаганларидек: «Биз ўз динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга муқаддас динимиз шаънига доғ ту-

ширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимизга хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман»<sup>1</sup>.

Президентимиз айтганидек, ҳар биримиз ҳамиша, ҳар соңијада огоҳ бўлишимиз лозим. Бу мустақил юрт ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. «.. муқаддас динимиз шаънига дод туширмоқчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз»<sup>2</sup>.

Юртимизда кейинги вақтларда рўй берадиган айрим салбий ҳодисалар, ножӯя хатти-ҳаракатлар, ёзув ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда<sup>3</sup>.

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга, диний қадриятларга муносабатимизда, улардан маънавий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўришимиз мумкин. Бу йўл Президентимиз асарларида баён қилиб берилган. Унинг моҳияти, мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички-ботиний оламни поклаб, Оллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму ирфон билан камолот сари бориш, ўз меросий қадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам олга бориш.

Хулоса шуки, мустақиллик берган ҳидоят йўлини турли унсурлардан асраш, уларга берилмаслик лозим.

### Таянч сўз ва тушунчалар:

Ислом; мусулмон; Мұхаммад; Макка; Мадина; Қуръон; Ҳадис; имом Бухорий; имом ат-Термизий; иймон; диний ва дунёвий иймон; ҳалол ва ҳаром; бешикдан то қабргача илм изла; илм ибодатдан афзалдир; сўфий; тасаввуф; тасаввуф ва нафс; тасаввуф инсон қалбига сайқал бериш илми; яссавийчилик;

<sup>1</sup> Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 6 марта сони.

<sup>2</sup> Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 26-бет.

<sup>3</sup> Қаранг. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халк эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 9-бет.

кубровийлик; нақшбандийлик; мустақиллик ва ислом; диний ақидапарастлик ва террорчилик.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ислом дини ҳақида нималарни биласиз?
2. Қуръон ва Ҳадис қандай китоблар?
3. Ислом динида инсон маънавияти масалалари қандай талқин қилинган?
4. Ислом динининг илмга муносабатини изоҳланг.
5. Тасаввуф қандай диний таълимот? Унинг моҳиятини изоҳланг.
6. Тасаввуф инсон учун энг катта ёв деб нимани тушунади?
7. Ўрта Осиёлик қандай буюк сўфийларни биласиз?
8. Дил ба ёру – даст ба кор иборасининг моҳиятини изоҳланг.
9. Диний ақидапарастлик деганда нимани тушунасиз? Унинг жамиятимиз учун хавфи нимада?
10. Ўзбекистон мустақиллиги ва динга, диний қадриятларга муносабатдаги ўзгаришларни тушунтириб беринг.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., Ўзбекистон, 1994 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон, 1998 й.
4. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда, Халқ сўзи, 1999 йил, 4 март.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз, Т. Ўзбекистон, 2000 й.
6. Қуръони Карим. Т., Чўлпон, 1992 й.
7. Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4-китоблар. Т., 1993-1998 й.
8. Комилов Н. Тасаввуф. Т., 1997 й.
9. Ҳожа Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т., 1991 й.
10. Ислом: Бағри кенглик ва мутаассиблик. Т., 1998 й.
11. Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш. Т., 1998 й.
12. Февраль воқеалари. 1999 йил. 16 февраль. Т. Ўзбекистон, 1999 й.

## ЎРТА ОСИЁ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИДА МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ МАСАЛАЛАРИ

**Режа:**

1. Ўрта Осиё Шарқнинг юксак мањнавият ва йирик тафаккур маркази.

2. Ўзбекистонда XVI-XIX асрлар даври мањнавияти ва маѓрифати.

1-масаланинг баёни. Мазкур масалани дастурда кўрсатилганидек Ренессанс тушунчасини баён этишдан бошлаш маќсадга мувофиқдир.

Ўрта Осиё тарихий воқеаларга фоят бой ўлка бўлиши билан бирга азалдан илм-фан, маданият ва мањнавиятнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка дунёга мањнавият ва маѓрифатнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳонмушул улуғ зотлар, давлат араббларини тарбиялаб берган. Умумбашарият маѓрифатпарварларгини яратишда буюк ажодларимиз бевосита иштирок этганлар, унинг тараққиёти ва бойишига улкан ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиё маданий мероси жаҳон маданияти ва маѓрифатининг узвий ажралмас таркибий қисмидир.

Эндиликда жаҳон мањнавияти ва маѓрифати салтанатида ўз ўрин-ларига эга бўлган улуғларимизни теран англаш, ўрганиш ва улуғлаш вақти келди. Афсуски, салкам 150 йиллик мустамла-качилик, 70 йиллик тоталитар тузум ҳукумронлиги даврида жумҳуриятимиз навқирон авлоди, Ислом Каримов айтганидек, неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, мањнавий меросимиздан ғоғил этишга уриндилар, натижада улар ўз халқининг тарихини, унинг бой табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий маданиятидан баҳраманд бўлиш, ўрганишдан маҳрум бўлиб келди<sup>1</sup>.

Ажодларимиз эъзозлаб келган, асрлар қаъридан олиб ўтилган фалсафий-ахлоқий панд-насиҳатлар, қадриятлар атайлаб, маќсадни кўзлаб юргизилган сиёsat қурбони бўлди, эъти-

<sup>1</sup> Қаранг. И. Каримовнинг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига багишлиланган тантанали маросимдаги табриқ сўзи. «Ишонч» газетаси 1997 йил 21 октябр сони.

бордан четда бўлди. Бу эса ёш авлоднинг маънавиятига салбий таъсир ўтказди. Ваҳоланки, Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида таъкидлаганидек: «...ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда»<sup>1</sup>.

Мустақиллик туфайли ўрганиш, таҳлил этиш имкониятига эга бўлгач, она заминимиз маънавий меросини чуқурроқ ўрганиш биз ёшларнинг вазифамиз, инчунун, ўз тарихини билмаган ҳалқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

IX-XV асрларни Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида шартли тарзда «Ренессанс» (уйғониш) даври деб аташади. Маънавият ва маърифатнинг гоят гуллаб-яшнаши бу давр учун характерли бўлған. Бу даврда қомусий илм эгалари, ажойиб шоирлар, буюк давлат арбоблари етишиб чиққан. Дунёвий фанларнинг тез суръатларда тараққий этиши кенг таржимонлик фаолиятига таъсир этди. Бу жараён, айниқса ҳалифа Маъмун даврида (813-833 й.) Бағдодда «Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ташкил этилган пайтда тезлашди. Юнон фалсафаси ва табобати, ҳинд ҳисоби, алхимия ва илми нужумга оид асарлар араб тилига ўгирилди. Бунда Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирлар, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Беруний каби мутафаккирлар ҳам катта роль ўйнадилар.

Ренессанс уйғониш даври маданияти, маънавияти ва маърифати моҳият-эътибори билан дунёвий, гуманистик дунёқараши, антик давр маданий меросига мурожаат қилиш, бамисоли унинг «қайта уйғониши» (номи ҳам шундан) ни англатади. Уйғониш даври намоёндалари қарашлари инсоннинг чексиз имкониятларига, унинг иродасига, ақл-идроқига ишониб қарashi билан ажralиб туради.

Фанда Шарқ ва Farb уйғониш даври тушунчалари ишлатилади. Улар умумий, ўхшаш томонлар билан бирга, маълум фарқ, ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан ҳам ажralиб туради. Аввало улар давр нуқтаи назаридан фарқланади. Илк Шарқ уйғониш даври IX-XII асрларни, сўнгги уйғониш даври XIV-XV асрларни ўз ичига олса, Farb уйғониш даври XV-XVII асрларни ўз ичига олиши билан фарқланади. Farb уйғониш даври учун феодализмга, динга қарши кураш хос бўлса, Шарқда масаланинг гарбдагидек кескин қўйилишини кўрмаймиз.

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 12-бст.

Шарқ ва Farb уйғониши учун умумий хусусиятлар антик даврға мурожаат қилиш, уни «қайта тирилтириш», табиий фанлар ривожи, фанда универсаллик (қомусийлик) ни, гуманизмни тарғиб этиш ва бошқаларда намоён бўлади.

Шарқ ренессанси даври қуидаги умумий хусусиятларга эга:

1) маданият, дунёвий фанлар ва ислом ақидашунослигининг тараққиётин; 2) юнон, рум, форс, ҳинд ва бошқа маданиятлар ютуқларига суюниш; 3) астрономия, математика, минерология, жуғрофия, кимё ва бошқа табиий фанлар ривожи; 4) услуб (методология) да - рационализм, мантиқнинг устунлиги; 5) илсоний дўстлик, юксак ахлоқийликнинг тарғиб этилиши; 6) фалсафанинг кенг даражада ривож топиши; 7) адабиёт, шеърият, риториканинг кенг миқёсда ривожланиши; 8) билимдонликтининг қомусий характерда эканлиги.

Бу даврға келиб, аввало Ўрта Осиё, Эрон, Ироқ ва Сурнія илму фан ва маданиятнинг йирик ўчогига айланди. Хоразм, Бухоро, Хиротда йирик илмий марказлар ташкил топган эди. Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Фарғоний, Беруний, И мом ал-Бухорий, И мом Исо ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий каби Ўрта Осиёлик олимларнинг, уламоларнинг донги етти иқпимга таралган эди.

Ўрга Осиёнинг қадимий, кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро, Хива, Самарқанд каби шаҳарлари, қадимдан фан, маданият ва маънавиятнинг маркази бўлиб келганлиги билан ажralиб туради.

Ўрта Осиё табиий-илмий тафаккури ривожининг бошланиши буюқ аллома Аҳмад ал-Фарғоний ва Мусо Мұхаммад ал-Хоразмийларнинг номи билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Багдоддаги «Байт ул-хикма»нинг етакчи илм соҳибларидан саналгаи. 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Унинг вафоти 861 йилdir. У машҳур фалакиётшунос олим. Унинг асосий аспарлари «Астрономия ва астролябияга кириш», «Фалакдан бўлалигиган сабаблар», «Астролябия фани усувлари», «Осмон ҳаракатлари ва юлдузлар илми» ва бошқалар саналади. Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» китоби ўша даврдаги астрономия соҳасидаги билимларнинг қомуси бўлган. Унда қадимги фалакиётшунослик билимлари, унинг қоидалари, усувлари баён қилинган. Асар XII асрда ёқ лотин тилига таржима этилиб, кўп асрлар давомида Европада астрономия бўйича қўлланма, дарслек сифатида хизмат қилиб келган. Аҳмад ал-

Фарғонийнинг ўзи ал-Фраганус номи билан бутун Европада машхур бўлган.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (780-850) Шарқнинг буюк мутафаккири, қомусий олимидир. Унинг илми нужум, геодезия, жуғрофия, айниқса риёзиёт соҳасидаги хизматлари бекиёсdir. У араб, ҳинд, лотин, юонон, форс тилларини билган.

Хоразмий бир қанча китоб ва рисолаларнинг муаллифи. Булардан энг машхури алжабр фанига оид «Китоб ал жабр ва ал-муқобала» асаридир. Бу асар риёзиётда янги мустақил фан алгебранинг вужудга келишига замин бўлди. У тенгламаларни ечишнинг икки усулини ал-жабр, яъни қарама-қарши ишораларни ягона мусбат ишорага келтириш ва ал-муқобала, яъни бир хил ҳадларни қарама-қарши қўйишни кашф этди.

Хоразмий «Синд Ҳинд», «Зижи Хоразмий» «Астролябия бўйича рисола», «Қуёш соати ҳақида рисола», «Ернинг шакли ҳақида китоб», «Тригонометрик жадваллар», «Музика бўйича рисола», «Тарих ҳақида» ва бошқа асарларнинг муаллифи. Унинг буюк хизматларидан бири Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги ҳиндларнинг ўнлик тизими билан таништириди. Уни Европада «Алгаритмус» деб юритганлар. Алгоритм эса унинг лотинчалаштирилган номидир.

Шарқ фалсафий, ижтимоий, ахлоқий фикри ривожини Абу Наср Фаробий (873-950) сиз тасаввур этиш қийин. У «Шарқ Аристотели», «Иккинчи муаллим» деган унвонга сазовор бўлган машхур мутафаккирdir. Шарқда қадим Юнонистоннинг энг машхур файласуфи Аристотель «Биринчи муаллим» деб юритилган. Фаробий кўп тилларни билган қомусий олим. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) қадимги Юнон файласуфлари ва табиатшунослари Аристотель, Платон, Евклид, Гален ва бошқаларнинг илмий меросларини таржима қилиш, шарҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағищланган асарлар; б) ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий-фалсафий соҳаларига оид рисолалар. Жумладан, «Аристотельнинг «Метафизика» асарига изоҳ», «Аристотельнинг «Осмон системаси» китобига изоҳ», «Аристотельнинг «Этика» китобига шарҳ», «Субстанция ҳақида сўз», «Масалалар манбаи», «Қонунлар ҳақида китоб», «Бўшлиқ ҳақида китоб», «Музика ҳақида сўз», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Фаробийнинг фикрича, инсоннинг ва жамоатнинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга кири-

тиши, ахлоқий ва ақлий мукаммалликка күтарилиши инсон ва жамоатнинг ўз қўлидадир.

У давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Фазилатли шаҳар-ларда илм, фалсафа, ахлоқ-маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Фозил шаҳар бошлиғи билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарashi, адолатни яҳши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак деб айтади. Фаробий инсонни камолоти учун хизмат қилган, хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалик, бекорчилик каби ёмон одатлар, билимсизлик, онгсизлик, касб-хунарга эга бўлмаслик каби нуқсонларни ёмонлик деб, кишиларни ундан огоҳлантиради.

Фаробий ҳаётнинг олий мақсади баҳт-саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб-хунар ва илмларни ўзлаштириш - маърифатли бўлиш орқали эришади деб қарайди.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) жаҳон фани тарихида энг машҳур сиймолар қаторидан жой олган, ўз давридаги деярли ҳамма фанларга катта ҳисса кўшган, машҳур қомусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуфдир. У ўз умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан энг машҳурлари «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана» ва бошқалардир. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид маҳсус асар ёзмаган бўлсада, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган.

Беруний ҳалқлар ўртасидаги дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди. Уни энг инсоний ахлоқий сифат деб мақтаб, амалда ўзи кўрсатди. Бир неча йил Ҳиндистонда яшаган 45 ёшли олим қадимги ҳинд-санскрит тилини ўрганиб, бу тилга Эвклиднинг «Элементлар», Птоломейнинг «Алмагистий» асарларини таржима қилди ва ҳинд олимларини юон илми ва фалсафаси билан танишитирди. Ўзи эса ҳиндларнинг илми, адабиёти, фалсафаси ва ахлоқини ўрганди. Бу ҳақда Берунийнинг ўзи шундай деб ёзади: «Ўзимни... уларнинг мунахжимлари ҳузурида, устоз ҳузурида турган шогирддек таъзим билан тутар эдим... Сўнг ҳисоб илмининг ҳақиқий йўлларини уларга равшанлантирадиган бўлдим... уларнинг катталари мени ўз тиллари билан «Дарё» деб мақтар эдилар».

Беруний фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳоллар бор. Бу мақ-тaluвчи яхшилик ва қораланувчи ёмонликдир. Мақталувчи яхши ҳоллар бўлиб, уларнинг таянчини поклик ва тозалик деб кўрсатади.

Беруний ўз даврининг энг кўзга кўринган илм-фан ҳомийси эди. У мамлакат равнақини фан, маърифат равнақида кўрган. Илм-фан, маърифат саҳоватли хизматни ўташи мумкин деб ҳисоблади. У шундай ёзади: «Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим - билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим ортириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта баҳт деб ҳисоблайман».

Инсоннинг олий фазилати бошқалар ҳақида, айниқса, камбағаллар ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатdir. Беруний доимо халқларнинг дўст, иноқ, иттифоқ бўлиб яшashi учун курашиб келди. У инсониятга, у яратган маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қоралади. Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берган алломадир.

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса кўшган, Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис - олимлар бошлиғи» унвонига эга бўлган аллома Абу Али ибн Сино (980-1037) нинг илмий мероси биз учун бебаҳо хазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг «Тиб қонунлари» номли 5 жилдан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада медицина бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ибн Сино ёшлигига зўр меҳнат, изланиш, гайрат билан илмларни ўрганишга киришган. У бу ҳақда шундай ёзади: «Уйқуга кетган вақтимда ҳам ўнгимдаги масалаларни кўрадим. Шу ҳолатда кўп масалалар тушимда менга аён бўларди... шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллай олдим. Инсоннинг имконият даражасида эгаллайдиган даражада билимни эгаллаб олдим. Аристотелнинг «Метафизика»сини «қирқ бир марта қайта ўқидим». У менга ҳатто ёд бўлиб ҳам қолди. Лекин шундай бўлишига қарамай, мен уни ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим», - деб ёзади у таржимаи ҳолида. Ибн Сино бу муаммони Фаробийнинг Аристотель «Метафизика»сига ёзган шарҳини ўқиб ҳал этади.

Ибн Сино умрининг кўп қисмини сарсонликда ўtkазишига қарамай математика, астрономия, физика, кимё, биология, фармакология, психология, филология, фалсафа ва табобат соҳасида баракали ижод қилган мутафаккирдир. Унинг асарла-

ридан 100 тачаси бизгача етиб келган, холос. Улар қаторига ўрта аср илмининг барча мұхым соҳаларини ўз ичига олган, хусусан - мантиқ, физика, математика, метафизикани түлиқ қамраб олган «Китоб аш-шифо», 20 томдан иборат «Китоб ул-инсоф», «Донишнома», «Лисонут-тайр (Күшлар тили)», «Соломон ва Ибсол», «Хайй ибн Яқзон» каби асарлари киради. У ўзининг фалсафий-ахлоқий асарларида ҳукмдорларни қонунсизликларга қарши курашишга, ҳалқнинг талабларига қулоқ солишига, адолат юзасидан иш юритишига чақиради. Адолатни инсон хатти-харакатининг энг яхши безаги деб кўрсатади.

Унинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса ҳодисаларни билиш орқали қўлга киритилади. Билим, маърифат инсон ҳаётининг ажралмас томонидир. У шундай ёзади:

Жон агар бир шиша бўлса, илм худди лампадир,  
Ҳикмати инсонни билгил, ул чироғда лампаёғ.

Ибн Сино «Соломон ва Ибсол» қиссасида ростгўйлик, садоқат, пок муҳаббат, ироданинг макр устидан ғалабасини тасвирлайди.

Мутафаккир кишиларни дўстлик ва ҳақиқатга, дўстликнинг қадрига етишга чақиради. Инсонни эса оламдаги мавжудотлар ичиди энг буюк зот, деб қарайди. Шундай қилиб, Ибн Сино ўрта аср Шарқ ва Европа маданияти ва маърифати тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.

IX-XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожида XI асрнинг кўзга кўринган шоири Юсуф Хос Ҳожиб ҳам катта ўрин тутади. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ягона достони бўлмиш «Кутадгу билиг» («Бахтга элтувчи билим») билан машҳурdir. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон қорахонга бағишилаган. Шу асари учун унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг маҳсус маслаҳатчиси унвони берилган. Достон қаҳрамонлари ҳоким Кунтуғди адолат рамзи, вазир Ойтўлди баҳт рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш ақли рамзи сифатида тасвирланади.

Мутафаккир инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан мулоқотда ва фойдали меҳнатда чинакам камолга етади, деган ғояни илгари суради. Инсонга фойда келтирмайдиган инсон ўлиқдир, деб таъкидлайди. Жамиятда меҳнат аҳли деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб уқтиради. Шунинг учун, Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимга адолатли

бўлиш, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради.

Мутафаккир фикрича, одам кимлигидан қатъи назар инсон бўлиши лозим, чунки дунёда фақат инсонийликкина абадулабад қолади. Шу сабабли ўз номини ҳамиша яхшилик билан эслашни истаган киши фақат яхшилик қилиши лозим. У шундай ёзади.: «Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши мақсадига етади ва баҳт унга қулиб боқади», чунки «яхши ахлоқ жамики яхшиликларнинг заминидир».

Юсуф Ҳожиб илм ва маърифатни жамиятнинг тараққиётига, гуллаб-яшнашига олиб келувчи куч деб билиб, уларни эгаллашга даъват этади. У кишини зулмат ичидаги уйга, билимни эса ана шу уйни нурафшон этувчи машъалга ўхшатади. Шоир кишиларни сўзлаганда ўйлаб гапиришга чақиради. Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин. Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин. Маънодор сўз донолик аломати, бемаъни сўз маҳмаданагарчилик, ахмоқлик аломатидир. Шу боисдан одам кўпроқ кулоқ солиб, кам гапириши керак, деб айтади.

Юсуф Ҳожиб шунингдек, инсоннинг ташки қиёфаси унинг ички маънавий дунёсига мос бўлишига катта аҳамият беради. Мутафаккир ёлғончи, мунофиқ кишилар жамият учун зарарли, бундай кишилардан узоқ бўлиш керак, дейди.

Шундай қилиб, XI асрда яшаб ижод қилган Юсуф Ҳожиб «Қутадгу билиг» асарида маърифатпарварлик, юксак ахлоқийлик ғояларини илгари суради. Бу асар катта маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Биз ўрганаётган даврда ахлоқий-дидактик мавзуда асар яратган ва шухрат қозонган шоир Аҳмад Юғнакийdir. У XII аср охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. Ундан бизгача «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони етиб келган. У ўз достонида дунёнинг бевафолиги, ўткинчилиги ҳақида гапириб: дунё гўё карвон фақат озгина фурсат тўхтаб ўтиладиган работ (карвонсарой). Шу сабабли, деб таъкидлайди у, бу дунёдаги роҳат-фароғатга интилиш бефойда, уни деб азоб-уқубат чекишга арзимайди, чунки «сен бугун кўриб турган бойлик эртага фойиб бўлади, сен ўзимники деб билган буюмлар бошқаларга қолиб кетади. Шунинг учун фақат яхшилик уругини сепиш учунгина яшаш керак деб уқтиради. У билимли, маърифатли кишиларни етук кишилар деб ҳисоблайди. Инсон билан билимни ажратиб

бўлмайди, фақат билимли кишигина камол топиши мумкинлигини тъқидлайди:

**Олим одам - қимматбаҳо динордир,  
Нодон, жохил одам - қимматсиз соҳта пулдир.**

Унинг фикрича, инсон олим бўлгандан кейингина улуғлик даражасига кўтарилади ва яхши ном қолдиради. Билимсиз киши соғлом бўлса ҳам, у ўлиқдир деб кўрсатади. Билим инсон учун битмас-туганмас мулкдир, деб тъқидлайди. Шоир, ахлоқ-одобдаги асосий нарса тилдир. Тил баҳтиёрлик ва баҳтсизликнинг сабабидир, деб уқтиради. Шу билан бирга, олим ҳалоллик ва ҳақгўйлик, сахийлик инсон учун фазилат, унга интилиш керак дея, хасислик ва бадфөълликни қоралайди. Камсуқумлик ва камтаринлик инсонни улуғлайди, деб кўрсатади.

Кишиларга фақат яхши одамлардангина дўст орттиришни маслаҳат беради. Фақат яхши ишлар қилибгина яхши натижалар кутиш мумкин, чунки «...тикан экиб, ҳосилига узум олмайсан», деб айтади.

Хулоса шуки, IX-XII асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юқори даражада ривожланди.

2-масаланинг баёни. XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё ҳалқлари маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти икки йўналишда борди. Биринчиси Ўрта Осиёнинг ўзида рўй берди. Иккинчиси Ҳиндистонда Бобурийлар давридаги Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг ижодида намоён бўлади.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда маънавий-маърифий қараш ривожи Бобораҳим Машраб (1653-1711) номи билан чамбарчас боғлиқ. Машрабдан бой маънавий бадиий мерос қолган. Машраб ўша вақтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввубнинг қаландарлик оқимиға эътиқод қилиб, ўзининг исёнкорона шеърлари билан жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилган. Ўз фазалларида ахлоқий, маънавий по-клика эришиш, ҳаётдаги салбий иллатларга қарши курашни куйлади.

У ўзи яшаётган давр ҳокимларидан адолатни кутади. Ҳатто уларга мурожаат қилиб, ҳалқ тўғрисида фамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додига қулоқ солишни сўрайди.

Машраб кишиларни бойликка ҳирс қўймасликка, ўзгаларга яхшилик қилишга, сахийликка, ҳалол бўлишга, ўз меҳнати эвазига яшаш, нафсни тийишга чақиради.

Машраб ўз ижодида хулқ-одоб масалаларига катта эътибор бериб, одамларни ярамас ҳатти ҳаракатлардан, такаббурлик ва ёлғон сўзлашдан сақланишга ундейди. Унинг маънавий-ахлоқий дунёқарашида фарзанднинг ота-онани ҳурмат қилиши, уларни юксакликка кўтариш гояси муҳим ўрин тутади. Хусусан, фарзанддан отанинг рози бўлиши лозимлиги, акс ҳолда ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида ёzáди. Машраб ижодидаги бундай фояларнинг мустақил Ўзбекистон ёшларини маънавий камолга етказишида аҳамияти катта.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида иккинчи йўналишда ижод қилган Ўрга Осиёлик мутафаккирлардан бири Мирза Абдулқодир Бедил (1644-1721) дир. Ундан жуда бой маънавий мерос қолган. Унга Шарқ Гегели деган унвон, тавсиф берилганки, бу унинг замонасининг ҳамда Шарқнинг буюк ва юксак маънавият - маърифат эгаси бўлганлигини кўрсатади.

Бедил ўз асарларида аввало инсон ҳақида, миришкор дэҳқон ҳақида алоҳида меҳр, ҳурмат ва эҳтиром билан гапиради. У инсонни ирқий, миллий ва диний эътиқодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор олий зот деб билади. Бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир». Қандай ажойиб фикр. Ушбу фикр ҳар қандай давр учун ҳам адолатли ва олижанобдир. Инсон борлиқнинг, оламнинг тожи. Инсон ўз баҳтини ўзи яратадиган зот деб қарайди.

Тўрт даҳр аро сен нури офтоб,  
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб.  
Ҳар нарсагаки етибди ақлинг,  
Бундан афзалсан буни яхши бил.  
Дунё мевасининг миришкорисан,  
Ҳаммасидан ҳам ҳосилдорисан.  
Қай тарафгаким учди хаёлинг,  
Сен парвоз этсанг, етар мажолинг.  
Дилинг ҳимматидан ҳаёт гулистон,  
Қўлинг қудратидан ҳаммаёқ бўстон.  
Амрингга мунтазар турганда олам,  
Сен нима хаёлга асирсан одам.

«Одам абадий яшashi мумкинми?» деган саволга мутафаккир ижобий жавоб беради. Ва инсонга икки хил абадийлик хослигини айтади. Бири умумий абадийлик ҳамма нарсага, шу жумладан одам танасига ҳам хос моддий абадийлик.

Иккинчиси хусусий абадийлик - ўз фаолияти, меҳнати, яхши иши билан инсонларга манфаат етказган кишиларга хос. Бедилтирикликинг маъносини дараҳт ўтказиш, экин экиш, уларни парвариш этиш, бечораларга хайр-саҳоват кўрсатиш, ожизларга йўл кўрсатиш, беморларни бориб кўриш ва бошқалардан иборат деб қарайди.

Инсоннинг абадийлигини белгиловчи омиллардан бири илмдир, дейди мутафаккир. Инсон умрининг боқийлиги, абадийлиги ҳақидаги бундай қарашлар таҳсинга сазовор. Зеро, тарихда абадий номи қолган маънавий тирик сиймолар фақат илм-маърифат ва ўзларининг яхши ишлари билан ўз номларини абадиятга муҳрлаб кетгандар. Улар ёққан илм-маърифат шамлари неча асрлар бўйи инсоният йўлини ёритиб келмоқда ва яна неча асрлар ёритгусидир. Бундай сиймолар қаторига дунёвий ва диний илмлар соҳиблари киради.

XVIII-XIX асрлар маънавияти ва маърифати ривожида Турди, Ҳувайдо, Гулханий, Махмур, Нодирабегим, Увайсий, Мунис Хоразмий, Оғаҳий, Феруз ва бошқаларнинг ўрни ва роли ҳам бекиёсdir.

XIX асрда Ўрта Осиёда маънавият ва маърифат ривожи Аҳмад Дониш (1827-1897) ижоди ва маърифатпарварлик фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетганлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин. У инсон турли фанларни эгаллаб, дунё сирларидан воқиф бўла олади, дейди.

«Биз, - деган эди Аҳмад Дониш, - дунёни гуллатиб-яшнатиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, дунёнинг ажойиб сирли томонларини тадқиқ этиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз». Аҳмад Дониш илмни, маърифатни ривожлантириш, ҳалқни саводхон қилиш орқали қолоқликдан қутулиш мумкин, деб маърифатпарварлик ғояларини илгари суради.

Ўзбек маърифатчилиги Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Завқий ва бошқалар ижодида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Маърифатпарварлик ғоялари Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар фаолияти ва ижодида миллат озодлиги учун кураш билан боғланиб кетганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг маънавий ва маърифий қарашлари халқимизнинг бой маънавий меросининг ажралмас қисми саналади. Ўрта Осиё халқлари маънавий ва маърифий қарашларида инсон ва унинг фазилатлари, таълимтарбия, ахлоқ муаммолари марказий ўринни эгаллаб келди. Унда комил инсон муаммоси ўзига хос равишда ўз ечимини топганлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин.

### **Таяиҷ сўз ва тушунчалар:**

Ренессанс; Шарқ Ренессанси; Фарб Ренессанси; Маъмун Академияси; ал Фарғоний; ал Хоразмий; Форобий; ал Беруний; Ибн Сино; Юсуф Ҳос Ҳожиб; Аҳмад Юғнакий; Шарқ Аристотели; Иккинчи Муаллим; Шайхур-раис; Шарқ Гегели; «Астрономия асослари»; «Китоб ал жабр ва ал-муқубала»; «Аристотелнинг «Метафизика» асарига изоҳ»; «Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари»; «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар»; «Ҳиндистон»; «Тиб қонунлари»; «Донишнома»; «Кутадгу билиг»; «Ҳибатул-ҳақойик».

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Нима учун Ўрта Осиё – Шарқнинг юксак маънавият ва маърифат маркази деб юритилади?
2. Шарқ ва Фарб Ренессанси, уларнинг ўхшашлиги ва тафовутлари нималардан иборат?
3. Ислом Каримовнинг қайси асарларида Ўрта Осиё Шарқнинг юксак маънавият ва маърифат маркази эканлиги түғрисида баён қилинган? (мисоллар билан изоҳланг).
4. Ўрта Осиё буюк мутафаккирларидан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
5. Буюк мутафаккирларимиз жаҳон фани ва маданияти хазинасига ўзларининг қандай илмий кашфиётлари билан ҳисса қўшганлар?
6. Нима учун ал Форобий «иккинчи муаллим»; ибн Сино «шайхур- раис» деб юритилади?
7. Юсуф Ҳос Ҳожиб ва Аҳмад Юғнакийнинг илм, унинг аҳамияти, одоб-ахлоқ ҳақидаги қандай фикрларини биласиз?
8. 18-19 асрларда яшаб ўтган қандай шоир ва маърифатпарварларни биласиз?

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., Ўзбекистон, 1994 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон, 1998 й.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.
5. Каримов И.А. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари.Халқ сўзи, 1997 йил 21 октябрь.
6. Каримов И.А. Ал Фарғоний даҳосига таъзим. Халқ сўзи, 1998 йил 25 октябрь.
7. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т. Ўзбекистон, 1995 й.
8. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан.Т. Ўқитувчи, 1995 й.

# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА МАЊНАВИЯТ

**Режа:**

1. Амир Темур буюк давлат арбоби, юксак мањнавият сохиби.
2. Темурийлар сулоласи даврида мањнавият ва маърифат ривожи.
3. Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида яратилган мањнавий мероснинг ўзбек халқининг мањнавий тикланишида тутган ўрни.

1-масаланинг баёни. Амир Темур буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотиқ, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон. Амир Темурнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзиди. Мустақилликка эришгунимизга қадар буни амалга ошириш имконига эга эмас эдик. Чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи таҳқирланиб туҳмату маломатларга қолди.

Шуқрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан улуғ бобомиз Амир Темурни ўрганиш имконига эга бўлдик.

Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Шаҳрисабзнинг Хўжа Илфор қишлоғида таваллуд топди. Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат оғир ижтимоий-сиёсий бўхрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Майда, тарқоқ феодалларни бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди, мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта. Биринчидан у мамлакатда юқорида айтганимиздек кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, марказлашган йирик феодал давлатини яратди. Бу билан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун «Темур ва Темурийлар маданияти», «Темурийлар давлати», «Темурийлар маданияти», «Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби», «Навоий» ва

«Бобур» каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида учратар эканмиз, бу гапларнинг заминида албатта Амир Темурнинг улкан хизматлари ётади. Иккинчидан, Амир Темур, ўзи билибми-бilmасданми, лекин бир қатор халқлар ва юртларни мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли ҳукмдорларидан ҳисобланган Боязид Йилдиримни тор-мор келтириб, Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик багишлади; Олтин Ўрда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор этиб, Россияни мўгуллар ҳукмронлигидан қутулишини қарийб 300 йилга тезлаштириди.

Амир Темур замонида ёзилган асарларни қунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилик, мурувватлилик, эл-юрга меҳр-муҳабbat ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомиддин Шоммий, Шарофиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»лари, Ибн Арабшоҳнинг «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли ишлари, панд-насиҳатлари ва ўйтитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрг ва фуқароларнинг ташвиши, раиятларварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ўйтитлардир.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъи-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, ханоқоҳлар, саройлар, бозорлар, қалъалар, каналлар ва бошқа иншоотларнинг сонсаноғи йўқ. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги Ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зинда меъморий мўжизалари, Боги Чинор, Боги Дилкушо, Боги Беҳишт, Боги Баланд сингари ўnlаб гўзал сарой-боғлар ва шу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «Ободонликка ярайдиган бирор қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Тарих бу кўхна дунёда жуда кўп жаҳонгиrlарни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг «қай бир жойдан бир фишт олсан, ўрнига ўн фишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта

қүчат эктиридим», деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчанлик фаолиятининг тасдиғидир. «Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг» деганда Амир Темур, аввало, ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янгишмаймиз.

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этишга, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан сұхбат қуарар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг набираси Мирзо Улугбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улугбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бирга буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг хизмати бениҳоя катта бўлган. У Улугбекдаги ноёб қобилиятни бошданоқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёning машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган. Амир Темур маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал қилган «Куч - адолатда!» деган шиоридир. Бу шиорда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассамлашган, десак янгишмаймиз. Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, таҳт ворисларига қолдирган ўйтлари «Темур тузуклари»да муҗассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асадарда, ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли қатлами раиятнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган.

Соҳибқироннинг «Темур тузуклари»дан қуйидаги сатрларни мамнуният билан ўқиш мумкин:

«Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин».

«Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим».

«Кимки бироннинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширилсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, кулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширилсинлар».

Куйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримли хислатлари намоён бўлган. Буни у бошқалардан ҳам талаб қилган. Кечиримли бўлиш инсон учун энг яхши фазилат саналади:

«Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишинга кўп зиён етказгандарни ҳам, илтижо билан тавбатазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўркув бўлса, унут бўларди».

«Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совфа-инъомлар бериб, мурувату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни қўриб, хижолат терига фарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим».

«Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим...»

«Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва муруват кўрсат».

Амир Темурнинг дўстлик ҳақидаги панду-насиҳатлари ҳам ҳали-ҳануз биз учун ибратдир.

«Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди».

Амир Темурнинг умр бўйи ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берганлиги, камбағалпарварлигини унинг қўйидаги ўйтларидан ҳам билиш мумкин:

«Кимки бирон сахрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирор боғ кўкартирса, ёхуд бирор ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йигисинлар».

«Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга

лангархона солсинглар, касаллар учун шифохона қурдирсинглар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинглар...».

Амир Темурнинг куйидаги сўзлари асрлар оша халқимизнинг асл фарзандларини эл-юрг, Ватан ҳақида қайғуришга чорлаб келди:

«Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Зифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин». Бу жумлаларда Амир Темур маънавияти жамул-жам бўлган бўлса не ажаб!<sup>1</sup>

2-масаланинг баёни: Темур ва Темурийлар даври, умуман Шарқ, хусусан Ўрта Осиё илм-фани, маданияти, маънавияти, адабиёт ва санъати ривожида муҳим босқич, янги тарихий давр, туб бурилишдир. Бу даврдаги маънавий-маърифий ҳаётдаги кўтарилиш ва юксалишининг манбаи, бошланиши IX-XII асрларга бориб тақалади. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрдаги Ўрта Осиёнинг маданий, маънавий ва маърифий камолоти IX-XII аср маданияти, маънавияти ва маърифатининг давомидир. Ўрта Осиё халқлари орасида етишиб чиқсан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди худди шу даврда шаклланди ва ижод этди. Бутун дунёга номлари машҳур тарихчилар Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий; олимлар Улугбек, Али қушчи, қозизода Румий; файласуф шоирлар — Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий; мусавиirlар — Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош; ҳаттотлар — Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Xандон, Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютугининг барча соҳаларини мукаммал билиб ва ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларнинг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган улуғ сиймолар, қомусий илм, ақл эгалари бўлганлар.

Шунинг учун ҳам уларнинг бой, серқирра ижодлари, тенги йўқ ва тақрорланмас илмий-фалсафий, бадиий, тарихий асарлари асрлардан асрларга, даврлардан даврларга эсон-омон ўтиб, барча алғов-далғовларга бардош бериб бизларгача етиб келди.

Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари ижодида юксак босқичга кўтарилиган мусавиirlик санъати Шарқ уйғониш даврининг ютуқларидан биридир. Беҳзод ўзининг тақрорланмас

<sup>1</sup> Юқорида келтирилган ўгитлар «Амир Темур ўгитлари» тўпламидан келтирилди. «Наврӯз», Тошкент. 1992.

ижоди, гўзал миниатюра санъати ва ажойиб маҳорати билан нафақат Шарқда, балки бутун дунёда ҳам ўчмас из қолдиргандир. «Иккинчи Моний», «Шарқ Рафаэли» деб юксак даражада эъзозланган Беҳзод машҳур сўз санъаткорлари – Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг сиймоларини яратган юксак маънавият эгасидир.

Темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожи Мирзо Улуғбек (1394-1449) нинг номи билан чамбарчас боғланиб кетган. У давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунахжим.

У ўзи бунёд эттирган расадхона ва илм-маърифат марказига турли соҳаларда иш олиб борувчи 100 дан ортиқ илм аҳлларини тўплаб, кенг жабҳада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булар Қозизода Румий, Фиёсiddин Жамшид, Али Кушчи, Мавлоно Аҳмад, Муҳаммад Ҳавофий, Абул Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Коший каби замонанинг забардаст олимлари бўлган.

Мирзо Улуғбек шу асосда Самарқандда «Самарқанд академияси» -«Улуғбек академияси»га асос солган эди. «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») ва «Тўрг‘улус тарихи» номли асарларнинг муалифиидир.

Тарихчи олим Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича «Улуғбек геометрия борасида Эвклидга, астрономия соҳасида Птоломейга ўхшарди».

Мирзо Улуғбек фан ҳомийси бўлиши билан бирга, мамлакатда маърифат ривожига ҳам катта аҳамият берган алломадир. У Мовароуннаҳрда бир эмас уч мадраса қурдирди. Булардан бири Самарқандда (1417-1420); иккинчиси Бухорода (1417) ва учинчisi Фиждувонда (1433) дир. Ҳатто, Бухородаги мадраса пештоқига хадисдан: «Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарздир», - деб ёздириб қўйди.

Улуғбек кўпроқ буюк олим, илм-фан, маърифат ҳомийси бўлгани учун ҳам янада қадрлидир. У геометрия, математика, астрономия, тарих, адабиёт, мантиқ, мусиқа илмларини билган. Қуръон, хадис ва фиқҳ илмларидан ҳам яхши хабардор бўлган алломадир. XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астрономиянинг ривожида Улуғбекнинг хизматлари беқиёсдир. Унинг даҳоси бугун ҳам инсониятга хизмат қилмоқда.

Темурийлар даври маънавияти ва маърифати ривожи ўзларининг онгли ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг баҳт-саодати,

халқлар осойишталиги, ободонлик ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига бағыллаган икки буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ва Мир Алишер Навоий (1441-1501) ларнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдураҳмон Жомий Ўрта Осиё халқлари маънавий оламида, бадиий тафаккур осмонида ёрқин нур сочиб, ўчмас из қолдирган мутафаккирлардан биридир.

Абдураҳмон Жомий темурийлар даври дунёқараши, мафкураси бўлмиш нақшбандийчиликка ихлос қўйган, уни қабул қилган, ўзи шу йўлдан борган ва унинг фояларини тарғиб этган. Нақшбандийчилик адолатни, ўз меҳнати асосида бунёд этилган ҳалол луқмани маъқуллаган, дабдабали ҳаётни рад этган, фирром йўллар билан мол-мulk тўплашни қоралаган. Бу таълимот инсон-парварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, маънавий поклик, камтарлик, самимилик каби чин инсоний фазилатларни улуғлаган. Унинг «Дил ба ёру, даст ба кор» «Кўнгил Оллоҳдаю, қўл меҳнатда» шиори Жомий ва Навоий каби мутафаккирларни ўзига жалб этган. Шу сабабли бу икки улуғ сиймо, сўз санъаткорлари нақшбандийчилик йўлини қабул қилганлар ва ўз ижодларида унинг фояларини тараннум этганлар.

Абдураҳмон Жомий «Хирадномаи Искандар» («Искандар ақлномаси») асарида эл-улус дарди билан яшовчи, унинг арзу-додига кулоқ тутувчи ҳукмдор сиймосини яратади. Ҳукмдор адолатли ва одил бўлиши лозим деб, одилик ва адолатни нурга ўхшатади.

Агар чиқса адолатнинг қүёши,  
Таралгай ҳар томон нури зиёси.  
Агар зулм этса золим, бу ситамдан  
Жаҳон бўлгай қаро, йўқ интиҳоси

- деб хитоб қолади.

Жомий эл-улусга, инсонга яхшилик қилиш, уларга нисбатан мурувват кўрсатиш инсон номини улуғлайди, деб шоҳларни, ҳукмдорларни шунга чақиради:

Эй тожу муҳрга кўнгил боғлаган,  
Қачонгача тожу муҳр қолади?  
Мулку бойлик бари кетади бир кун  
На замон, на замин, на наҳр қолади.  
Қўлингдан келганча яхшилик қилғил  
Жаҳонда сенга шул меҳр қолади...

- деб ёзган Жомий нечоғлиқ ҳақ эканлитини англаб етмоғимиз даркор.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси Алишер Навоий Ўрта Осиёning маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин тутади. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Хамса», «Маҳбубул-қулуб», «Мұхомматул-лугатайн», «Мажолисун-нағіс», «Лисонут-тайр» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий ўз асарларида золим, мустабид, нодон, майшатпаст шоҳ ва ҳукмдорларни қоралаб, уларга қарши инсонпарвар, халқпарвар, одил, адолатли ҳукмдор образини қўяди.

Одами эрсанг демагил одами,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами, - байти

Навоий маънавияти ва инсонпарварлигининг марказий нуқтаси десак, ҳеч янгишмаймиз. Навоий бутун умри бўйича инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, муруват кўрсатиш бу буюк зот ҳаётининг мазмуни бўлган. Унинг қабрида мана бу сўзлар битиб қўйилган: «Шоҳи ғарибон», яъни ғариблар, ёғизлар, фақирлар шоҳи.

Навоий саховат ва муруватда беназир инсон бўлган. Ўзининг жойлардаги ер-сувлари, мол-мулкларидан келган даромадлари ни тўлалигича хайрия ишларига сарфлаган.

Биргина Ҳирот шаҳрида ўзининг жамғармаси ҳисобидан қанчадан-қанча бинолар, иншоотлар барпо этган. Инжил каналининг жануб томонида катта тиббиёт ўқув юрти ва шифохона барпо эттирган, уларга таниқли табиб ва доришуносларни жалб этган. Ихлосия мадрасаси ёнида катта сарой қурдириб, ундаги меҳмонхонада камбағал бева-бечораларни текин овқат билан таъминлаган. Мұхтож кишиларга ҳар йили икки минг пўстин ва кийим-кечак тарқатган. Бундан ташқари канал қаздириб, Машҳад шаҳрига сув келтирган.

Навоийнинг бундан қарийб 550 йил аввал илгари сурган ғоялари асрлар оша аҳамиятини, ҳаётийлигини йўқотгани йўқ, Президентимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлик, халқлар тинчлиги учун олиб бораётган кураши билан ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданияти жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс ва беназирдир. Буни ҳаммамиз, айниқса Сиз талаба ёшлар тӯғри англамоғингиз лозим, ул улуғ зот ила фахрланишимиз барчамизнинг бурчимиз.

З-масаланинг баёни. Миллий мустақиллик туфайли жаҳон маънавияти ва маърифати саҳнида ўз ўринларига эга бўлган пиру-комил аждодларимизни ва улар қолдирган бой маънавий-маърифий меросни теран англаш, ўрганиш ва улуғлаш имконияти юзага келди. Инчунун, ота-боболаримиз, хусусан буюк давлат арбоби, маърифат ҳомийси, юксак маънавият эгаси Амир Темур ва унинг авлодлари қолдирган, абадийликка дахлдор мероси бутунги кунда ҳалқимиз, Сиз каби талаба ёшларнинг руҳий-маънавий покланиши ва миллий ўзлигини англашнинг битмас-туганмас чашмасидир.

Биз бугун яшатаётган Мустақил Ўзбекистон давлатидаги тарихий шаҳарлар, гўзал маконларнинг кўпчилиги Амир Темур ва темурийлар даврида вужудга келди. Темурийлар даври ҳар соҳада чинакам уйғониш даври бўлди. 150 йиллик мустамлакачилик, 70 йиллик қарамлик ва тобелик йилларида шундай буюк зот, дунёга машҳур давлат арбоби, улуғ бунёдкор Амир Темур шахсиятининг асл моҳиятига холис ва ҳаққоний баҳо бериш имконидан маҳрум бўлиб яшадик. Шўро тузуми соҳибқирон ҳақидаги ҳақиқатни ҳалқдан яшириб келди. Бобокалонимиз тӯғрисида икки оғиз илиқ сўз айтилган барча манбалар кўздан яширилди, тақиқланди ёки соҳталаштирилди. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад ҳалқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий фурур туйгусини йўқотиш, уни қарамлика, тобеъликка кўндириш эди». Ёки Президентимизнинг яна қуидаги сўзларини эслайлик: «Шўро даврида бизга Амир Темурни босқинчи, золим, қонхўр жаллод, бориб турган жоҳил, деб уқтириб келишди.... Амир Темур ҳақидаги бу уйдирма соғ сиёсий мақсадларни кўзлаган тұхматдан иборат. Биласизми, бу ишларнинг тагидаги мақсад битта бўлган: яъни, бизнинг ўзлигимизни, тарихимизни унуттириш, бизни манқуртга айлантириш. Шунинг учун ҳам биз Амир Темурнинг ҳурматини жойига қўяр эканмиз, биринчи галда шу

савобли иш орқали халқимизнинг, миллатимизнинг иззатхурматини жойига қўйган бўламиз. Буни ҳеч қачон унумаслик зарур. Ўзлигимизни англашимиз, миллий қадриятларимизни тиклашимиз ҳам қарз, ҳам фарз».

Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланоқ Президентимиз Ислом Каримов бой маънавий меросимиз, динуиймонимиз, қадриятларимиз, шу жумладан улуф бобомиз соҳибқирон Амир Темур номини, у ҳақдаги тарихий ҳақиқатни тиклашга шахсан раҳнамолик қилиб келмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги бизга буюк соҳибқиронни ҳам қайтариб бергани билан алоҳида қадрлидир. Хорижда сиймоси йиллар давомида театр саҳналаридан тушмай келган, Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқин китоблар ёзилган, кўпдан-кўп сувратлари ишланган, қисқаси, дунёга машҳур бўлган улуф зот Амир Темур яна халқимиз қалбидан муносаб ўрин олди.

Истиқолимиз энди куртак отаётган даврда Тошкентнинг қоқ марказидаги хиёбонда соҳибқиронга ўрнатилган муҳташам ҳайкал мустақиллик пойdevорига қўйилган олтин фишт бўлди.

Орадан сал ўтиб, 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йилда эса соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан дунё миқёсида улкан тадбирлар ўtkазилди. Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ўtkазилган юбилей тантаналари жаҳон миқёсида, айниқса муҳим аҳамият касб этиди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорига кўра «Амир Темур» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Дунёнинг таникли сиёsat арбоблари, олимлари, ёзувчилари, тарихчилари иштирокида илмий-амалий анжуманлар ўtkазилди. Президент фармони билан юксак мукофот - «Амир Темур» ордени таъсис этилди. Темурйлар тарихи давлат музейиниг барпо этилиши республикамиз, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Юбилей муносабати билан кўплаб тарихий-илмий асарлар, рисолалар, альбомлар ва бошқалар нашр этилди. Шу ўринда Амир Темурнинг ўзи яратган «Темур тузуклари» рисоласини, академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романини, Эркин Азимовнинг «Амир Темур салтанати» рисоласини, Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърий драмасини Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг «Зафарнома» асарларини, Ф. Ашрафийнинг «Темурйлар даври миниатюраси» каби нашрларни алоҳида қайд этиш мумкин. Буларнинг ҳаммасига мустақиллик туфайли эришдик. Юқорида айтгани-

миздек, узоқ йиллар давомида мустамлака ва қарамлик исканжаси остида кун кечирган халқимиз Амир Темур каби ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқенини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Бунга интилган ва бу йўлда тирноқ қонатған олим, файласуф, тадқиқотчига миллатчи, ўтмишни идеаллаштирувчи деган тамға босилар эди. Оллоҳга шукурлар бўлсинким, Мустақиллик туфайли буларнинг ҳаммасига барҳам берилди. Мустақилликнинг мана шу нурафшон кунларида юртимиз узра Амир Темурнинг руҳи биздан рози бўлиб кезиб юрган бўлса не ажаб!

Буларнинг ҳаммаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик туфайли ўзбек халқининг маънавий тикланиши борасида олиб борилаётган кенг жабҳадаги хайрли ишлардан бир нишона холос.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Амир Темур давлат арбоби; Амир Темур буюк саркарда; Амир Темур юксак маънавият соҳиби; «Темур тузуклари»; «Куч – адолатда»; Улуғбек, Навоий, Жомий, Али Қушчи, Мирхонд.; Камолиддин Беҳзод; «Шарқ Рафаэли»; «Зижи Кўрагоний»; «Тўрт улус тарихи»; «Ҳамса»; «Лисонут-тайр»; «Одами эрсанг демагил одами. Оники йўқ халқ фамидин фами»; «Ҳафт авранг» (Етти тахт).

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Нима учун Амир Темурни буюк давлат арбоби ва саркарда деймиз?
2. Амир Темурнинг юксак маънавият эгаси эканлигини изоҳланг.
3. «Темур тузуклари» қандай асар?
4. «Темур тузуклари» асаридағи адолат, тўғрилик, ҳалоллик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик тўғрисидаги фикрлардан мисоллар келтиринг.
5. Мирзо Улуубекнинг илм-фан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?
6. Улуғбек Академиясида фаолият кўрсатган олимлардан кимларни биласиз?
7. Нима учун Алишер Навоийни «Сўз мулкининг сultonи» деб атایмиз? (мисоллар билан исботланг).

8. Алишер Навоий маънавиятини ифодаловчи қандай хислатларини биласиз? (мисоллар билан исботланг).
9. Алишер Навоийнинг қандай асарларини биласиз?
10. Мустақиллик ва Амир Темур, темурийлар даврига муносабатдаги ўзгаришни тушунтириб беринг.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, фуруримиз. Т., 1998 й.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.
3. «Темур тузуклари» (форсчадан кўчирма). Т. 1991 й.
4. Амир Темур ўғитлари. Т., Чўлпон, 1992 й.
5. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., Фан, 1993 й.
6. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат (мақолалар). Т., 1996 й.
7. Аҳмедов Б.Буюк Темур. Т., 1996 й.
8. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т. Ўзбекистон, 1995 й.
9. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., Ўқитувчи, 1995 й.

# ЖАДИДЧИЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ВА УНИНГ ХАЛҚ МАЊНАВИЯТИНИ КЎТАРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

### Режа:

1. Жадидчилик ҳаракатининг мазмуни ва унинг умумхалқ мањнавиятини кўтаришдаги роли.
2. Жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида.

1-масаланинг баёни. Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўринишидир. Шунинг учун биз бу ўринда масала баёнини маърифат ва маърифатпарварлик тушунчалари ва унинг аҳамиятини изоҳлашдан бошлашни лозим топдик.

Маърифатнинг лугавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онгбилимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчилиқдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида — табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани — билимли, муайян соҳада маълумоти бор, демакдир. Фанлар чуқур ва кенг ривожланиб бораётган ҳозирги даврда билим ва илмга интилган ҳар бир киши, талаба, фан намоёндаси илмнинг, яъни маърифатнинг маълум соҳасинигина эгаллашга эриша олади. Масалан, кимёнинг маълум соҳасини, худди шунингдек математика, физика, биология, медицина ва бошқаларнинг ҳам маълум йўналишларини эгаллайдилар.

Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак маърифат билим ва маданиятнинг кўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш қуроли, воситасидир.

Маърифат асосан умумий ва ўрта маҳсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртларида тарқатилади. Маърифат тушунчаси маориф тушунчасидан кенг бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари, шакллари ва соҳаларини ўз ичига олади.

Жамиятда маърифат, яъни билим маърифатпарварлар орқали ёйлади. Маърифатпарвар – маърифат учун курашувчи; илм, билим чирогини ёқувчи; маърифат хомийси ва тарафдори демакдир.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билан шугулланадилар. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг, мамлакатнинг, халқнинг бугуни ва келажаги учун муҳим foяларни илгари сурадилар, шу foяларни амалга ошириш учун кураш олиб бордилар.

Маърифат маънавий қарамлиқ, кўркув ва ҳадикни бартараф этади, инсонга бекиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият баҳш этади. Шунинг учун озодлик учун курашчилар мамлакат, миллат озодлигини халқнинг маърифий уйғоқлигига деб биладилар ва маърифат учун курашадилар. Бизнинг халқимиз азал-азалдан маърифатга интилиб яшаган. Бу ўлқадан дунё илми ривожига улкан ҳисса кўшган алломалар етишиб чиқсан. Улар ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар соҳасида дунё илми аҳлини ҳайратта солғанлар. Бунга 1998 йилда Аҳмад ал Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги ва ҳадис илми султони Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланганлигини мисол қилиб кўрсатишимиш мумкин.

Ўтмишда ижод этган алломаларимиз ал Фаробий, ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқалар нафақат илм чўққиларини эгаллаб қолмай, уни - яъни маърифатни кенг тарғиб этганлар, шогирдларни тарбиялаганлар.

Туркистон маърифатчилик мактаби бой ўтмиш ва улкан месросга эга. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурий, Ашурали Заҳирий, Сайдрасул Сайдазизий, Исҳоқхон Ибрат ва Аҳмад Донишлар XIX аср охирларида фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан ҳолос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Бу фидойи зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироги

билингина озодлик сари бошламоқ, парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам энг аввало юртимизда мактаб-маориф ишларини ривожлантиришда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан азму шижаат намунасини кўрсатдилар.

Кўринадики, жадидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатли қилиш, маънавиятини юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир.

Жадидчилик - янгилиниш, янги усул маъносини англатади. У янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрга асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлқани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат.

Туркистонда жадидчилик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажralиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлқани мустамлака зулмидан озод қилишни жадидлар ҳамма нарсадан устун қўйдилар. Жадид зиёлилари эрк, истиқололга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлдилар. Буни эса таълим ва тарбияда маърифатда деб билдилар. Мана шунинг учун ҳам жадидлар янгича таълим ва тарбия тизимини қарор топтириш йўлида ҳормай-толмай ишладилар.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқизози чуқурлашган бўлиб, миллий маданиятни кўтармай, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлмай маърифат, тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб бўлмас эди. Жадидлар, яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидойилар эди.

Жадидлар миллатни қолоқлик, хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қиласар эканлар, бунда шариатга қатъий ри-

оя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимиши дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш фоясини илгари сурғанлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат намунаси-ни кўрсатганлар.

Хуллас, жадидчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида миллий уйғониш ва миллий онг юксалишида катта роль йўнаган.

2-масаланинг баёни. Жадидчилик фояларини унинг ёрқин вакилларидан Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Файзулло Хўжаев, Сўфизода, Тавалло, Исҳоқжон Ибрат кабилар фоят оғир шароитларда тарғиб этишга ҳаракат қилганлар. Улар миллатнинг камолотини юксалтириш, унинг қадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилганлар. Маърифатчи жадидчилар оғир моддий қийинчиликлар, фоявий-сиёсий тазиқларга қарамай, миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятили бурилиш даврларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор тўйғусини қучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар. Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берар, ўкув қўлланмалари ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил ривожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур. Биз эркин фуқаролик жамиятини қуришни, барпо этишини орзу қўлмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Бу улуғвор вазифаларни ҳал этиш, Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари, яъни «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз»да: «Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш, энг авввало, таълим тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик дикқатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик фояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни қучайтириш зарур»<sup>1</sup>, -деб таъкидлаганларида

<sup>1</sup> Қаранг. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 2 феврал сони.

юқорида биз қаламга олган фидойи, сахий, миллатпарвар инсонлар каби бўлишга бизни чорлаётган бўлсалар, не ажаб!

Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги намояндаси, унинг назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий (1879-1919).

Беҳбудий Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. Ёшлигидан илм-фанга қизиқади, ҳисоб, хуқуқ, дин, араб ва форс тилларидан чуқур сабоқ олади.

У ҳаж зиёратини адо этиб, Макка ва Мадинага боради. Миср ва Туркия шаҳарларида бўлади. Петербург, Минск, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлиб янги давр маданияти билан яқиндан танишади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, болаларга диний ва дунёвий илм бериш билан бирга, миллат фарзандларини замонавий илм олиш учун тараққий топган мамлакатлардаги ўқув юртларига юбориш керак, деган масалани ўргата ташлади. У қуйидаги уч қоидани олға сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш; 2) миллат тақдирни ва истиқболини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш; 3) миллий биқиқлиқдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш. Асримиз бошларида илгари сурилган бу қарашлар ҳозирги давримиз учун мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг бундай илфор фикрлари мустақил Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг замонавий кадрлар тайёрлаш борасида олиб бораётган сиёсати билан ҳамоҳангдир. Бунга Беҳбудий орзу-умидларининг рӯёбга чиқиши, деб қарамоқ лозим. Беҳбудий маърифатнинг озодликка олиб боришдаги ролини яхши тушунди. У шундай ёзади: «Маориф бўлимидан ишлайтурғон мусулмонларнинг бошини силангиз... ўртадан ниқобни кўтарингиз, Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар...»<sup>1</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудий эркесварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик фоялари учун таъқиб остига олинди ва ўлдирилди.

Жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакилларидан яна бири Мунавварқори Абдурашид ўғли (1878-1931). У Тошкентда туғилган. Мунавварқори ҳам бошқа жадидчилар каби Ватан равнақи ва миллат тараққиётининг асосий омили деб халқни саводли ва маърифатли қилишини тушунади. У ана шу фикрдан ке-

<sup>1</sup> Ш. Турдиев. Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Мулоқот» журнали, 1994 йил, 3-4 сонлар, 47-бет.

либ чиқиб, Тошкентда 1901 йилда янги услубдаги мактабни очади, унга раҳбарлик қилиб, мусулмон болаларни ўқитади. Ўз замонаси учун мақбул бўлган «Адиби аввал», «Адиби Соний», «Ер юзи» каби дарсликлар ёзади. У кўпроқ етимларни, бева-бечораларнинг болаларини ўқитишига аҳамият беради.

Мунавварқори таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилмай, халқнинг онгини оширмай, маданий савиясини қўтармай жамиятда катта ўзгаришлар қилиш асло мумкин эмаслигини тушуниб этади.

Мунавварқорининг миллат тараққиёти учун олиб борган фоялари туфайли собиқ зўравон Шўролар ҳукумати уни таъқиб остига олди. 1931 йил 25 апрелда эса отиб ташланди.

Миллий уйғонишга чорловчи фояларни илгари сурган жадид ҳаракатининг яна бир йирик вакили Абдулла Авлонийдир. У миллатнинг маънавий инқизозда бўлишини танқид қилди, барчани саводли бўлиш, замонавий фан, маданий ютуқларни эгаллашга чақириди. Абдулла Авлонийнинг «Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир» деган фояси маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракатининг дастурини ташкил этади. У маърифат-парвар сафдошлари сингари мазлум Туркистон аҳлини илм-маърифат зиёсидан баҳраманд қилишда унитилмас хизматлар кўрсатди. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида маърифат, илм-фаннынг жамият тараққётida тутган ўрни ҳақида қимматли фикрларни баён қўлган. Алломанинг қараашларини ўрганиш – бутун ўзлигимизга қайтиш жараёни кечеётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этади. Биз шу ўринда алломанинг асаридан қўйидагиларни қайд этишни лозим топдик. «Илм инсон учун фоят олий ва муқаддас бир фазилатdir. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатларимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охиратда масъул бўлишимизга сабаб бўлур. Бизларни илм жаҳолат қоронгулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур. Аллоҳ таолога муҳаббат ва эътиқодимизни орттирур...

Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатимиз, ҳимматимиз, файратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур»<sup>1</sup>.

Жадидчиларнинг қисмати чор ҳукумати, Вақтли ҳокимият ва айниқса, собиқ Шўролар тузуми даврида ниҳоятда фожиали

<sup>1</sup> Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н. Ватан туйгуси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 350-бет

бўлди. Уларнинг кўпчилигига юқорида баён қилинган талаблари учун миллатчи, «пантуркист» деган тамфа босилиб, қатағон қилинди, жадидлар фоялари ва ҳаракатига қора чизиқ тортилди. Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танилишини яна бир асрга орқага сурди. Жадидчилик бир аср давомида аввал коммунистик фоянинг тазийқида, кейинчалик эса исканжасида бўлиб, тўла равиша намоён бўла олмади. Унинг заминлари шаклланиши тарзини ўрганишга интилганлар ҳам тазийқ остига олинди. Уни ўрганишга интилганлар ҳам таъқиб қилинди. Мустақиллик шарофати билан Туркистон халқларининг эрки, мустақиллиги, миллий давлатчилик фоялари, маърифати учун курашган ватан-парварларнинг муборак номлари тикланди, асарлари чоп этилди. Жадидларнинг фоялари ўлмас фоялар бўлгани учун ҳам мустақиллик билан бирга ҳётимизга қайта кириб келди.

Мавзу маърифатга, яъни илм-билимга ҳам тегишли бўлгани учун маъруза матни ниҳоясида бир қатор ҳадис ва ҳикматларни келтириб ўтишни лозим топдик, зеро у фойдадан ҳоли бўлмас, деган умиддамиз.

\*\*\*

-Бешикдан то қабргача илм изланг!

\*\*\*

-Илм – фансиз давлат қуриб бўлмайди.

\*\*\*

-Дил ва ақлнинг тарбияси илм билан ривожланиб, камол топади.

\*\*\*

-Илм туфайли одамлар нодонлик, жаҳолат ботқогидан чиқиб, ўз имконларини камолга етказадилар.

\*\*\*

-Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм талаб қилинглар.

-Илмнинг тиканли ва заҳматли йўлларига бардош бериб ўта олган одамгина иймони комил инсон бўла олади, Олллоҳнинг ризолигига эришиб, улуғлик тулпорига минади.

\*\*\*

-Илм ўрганиш ҳар бир мўмин фарзидир.

\*\*\*

-Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзасидан афзал.

\*\*\*

-Илм ақлнинг чироғи ва жиловидир.

-Садақанинг афзали мўмин киши аввал илм ўрганиб, кейин бошқаларга ҳам ўргатишидир.

\*\*\*

-Кўринадики, одамзод наслининг улуғлиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир.

\*\*\*

-Билингки, билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас ишлардан инсонни тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларига етади, орзу - мақсадига эришади.

Илм эгаларининг фойдаси ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Улар элда азиз бўлиб, ҳурматга сазовор бўладилар. Шу туфайли ота-боболаримиз доимо билимга интилиб яшаганлар. Улар маърифат чироқларини машъала сингари ёққанлар. Юксак маънавият ва илм-маърифат туфайли Туронзамин ер юзида шухрат қозонган.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Жадид; жадидчилик; маърифат; маърифатпарварлик; янги мактаб; нажот – илмда; Маҳмудхўжа Беҳбудий; Мунавварқори; Абдулла Авлоний; Чўлпон; Фитрат; Абдулла Қодирий; «Ойна»; «Кеча ва кундуз»; «Ўтган кунлар»; «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот».

## **Такрорлаш учун саволлар:**

1. «Жадид» сўзининг маъноси нима?
2. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларини тушуниринг.
3. Жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
4. Маҳмудхўжа Беҳбудий ким бўлган?
5. Мунавварқори фаолиятини изоҳлаб беринг.
6. Абдулла Авлоний ҳақида нима биласиз?
7. Маърифатпарварлик гояларини илгари сурган қандай шоир ва ёзувчиларни ҳамда уларнинг қайси асарларини биласиз?
8. Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг тарихий тақдирлари ҳақида нималарни биласиз?
9. Мустақиллик ва жадидчилик ҳаракатига муносабатдаги ўзгаришларни тушунириб беринг.

## **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағкура. Т., Ўзбекистон, 1993 й.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ, 1998 й.
3. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т., 1996 й.
4. Абдулла Авлоний. Асарлар. Икки жилд. Т., 1996 й.
5. Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. Т. 1996 й.
6. Ватан саодати. Т., Шарқ, 1998 й.
7. Иброҳимов А., Султонов X., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т. Ўзбекистон, 1996 й.
8. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. Т., Ўзбекистон, 1997 й.
9. Маънавият юлдузлари. Т. 1998 й.

## МУСТАМЛАКАЧИЛИК ВА ҚАРАМЛИК ШАРОИТИДА МАЊНАВИЯТ

**Режа:**

1. Халқни миллий мањнавий-маърифий заминлардан маҳрум қилиш мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсадидир.

2. Қарамлик шароитида ўзбек халқининг она тили, эътиқоди, миллий мероси, гуури, қадриятларидан маҳрум этилиши ва топталиши.

1-масаланинг баёни. Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-мањнавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларидан бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва фояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш, миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий қадриятлари ривожига йўл бермасликин ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил олдин ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: «Хоқоним, агар бирор мамлактни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, мањнавий бўхронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, мањнавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низоллар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди»<sup>1</sup>. Маданият ва мањнавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларидан бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо

<sup>1</sup> Қаранг: Гусейнов А.А. Великие моралисты. Москва, 1995, с.36.

жуда яхши билган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан репжалаштириб кўйишида.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манкуртлик, бепарвонлик бошланади. Охир-оқибатда миллий ғуур, ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлади. Ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор кулга айлантириш мумкин.

Чингизхон ҳам Ўрта Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига: Шаҳарларга нодон, иродасиз, ахмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни кўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтай беринглар, маҳаллий халқларнинг ақли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинглар, деб топшириқ берар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўз маданиятидан, обрў-эътиборли, доно вакилларидан жудо бўлган халқ маънавий раҳнамосиз қолиб қовуша ва уюша олмайди.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, ҳамма вақт, ҳамма ерда босқинчи ҳукмдорлар босиб олинган мамлакатлар ҳудудларида Хитой донишманди ва Чингизхон айтган тарзда сиёсат юргиздилар. Бундан Ўрта Осиё халқлари ҳам мустасно эмас. Илм-фан ва маданият, маънавиятнинг энг ривожланган марказларидан бўлган Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерли аҳолини қарамлик ва қуллик, сиёсий караҳтлик ва руҳий қашшоқлик ҳолатида ушлаб туришни мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан бири деб ҳисоблади. Ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳаза ва хулосалар бериш топширифи билан чор ҳукумати қўпчилик олимлар ва бошқа соҳа кишиларини Россиядан Туркистонга юборди.

Босиб олинган мамлакатда илм-фан, маъна-вият, маданият истилочи мамлакатга нисбатан бир неча бор устун бўлса, ундай жойларда мустамлакичилик тартибини сақлаб туриш осон кечмайди. Бизнинг ўлка эса босқинчи чор Россиясига нисбатан маънавий-маърифий ва маданий тараққиёт жиҳатидан анча устун турарди. Чор ҳукумати олимлар маслаҳатига амал қилиб,

бизнинг ўлкада қандай қилиб бўлмасин, ўзларининг ерли халқдан устунликларини исботлашга ва шу тариқа «узил-кесил» ғалабага эришишга астойдил киришдилар.

Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор босқинчилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан маҳрум қилиш, руҳан, маънан майиб-мажруҳ қилишдан бошладилар. Бу чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Бу сиёсатнинг замирида чор ҳукуматининг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва Туркистон халқларини, шу жумладан ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан бутқул маҳрум қилиб ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболини кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантириш муддаоси турган.

Маънавият ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истиқболини тушуниб этишига ёрдам беради, Ватанини севиш ва у билан фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши муросасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга унрайди.

Маънавият ва маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Чор амалдорлари буни яхши англаган ҳолда ўз мустамлака асоратига солган Туркистон халқларини маънавият, маърифат ва маданиятдан бебаҳра қолдириш масаласига алоҳида аҳамият бердилар, бу йўлда ҳеч таг тортмай инсофу диёнатни, раҳм-шафқатни бутунлай унутдилар.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйгуни поймол этишига, миллий қадриятларни топташга, бутқул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Чоризм бу ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлашдан манфаатдор эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д. Скobelев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», - деб «башорат» қилган эди<sup>1</sup>. Унинг ана шу «доно» кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун

<sup>1</sup> Қаранг: Туленов Ж., гафуров З. «Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил, 138-бет.

қўлланма бўлиб хизмат қилди. Чоризм Туркистон халқарини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади гафлат уйқусида ётган, замонавий фантехника, маърифат ютуқларидан бехабар, миллий онги паст, миллий гурури топталган халқни талаш, эзишдан иборат эди. Чор ҳукуматининг мустамлака ўлкалардаги гумашталари «яrim подшо» Кауфман, генерал-губернатор Куропаткин, жаллод Головановга ўхшаганлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкентдаги буюк асори-атиқаларни, масжиду-мадрасаларни, арклару тарихий-маданий ёдгорликларни тўпга тутиб ер билан яксон қилдилар. Ахир қандай қилиб кўл остидаги мазлум халқлар маданияти, маънавияти, маърифати, тарихи босқинчи-жаллодларницидан баланд бўлиши керак?! Бунга улар тоқат қила олмас эди! Уларнинг усули йўқ қилиш, маданиятни, тил ва тарихни, Туркистон халқлари, шу жумладан ўзбек халқи гурурланадиган, ифтихор қиласидиган нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасини, таг-туғи билан аямай яксон қилиш эди.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли, маданиятли, зийрак, оқилу доно фарзандлари аллқачон тушуниб етган эдилар. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини фош этган, халқни эрк ва озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий қадриятларимизни қўллаб қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг «Туркистонда руслар» рисоласида: «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир... Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ишончли қоровуллари бўлғон эски Россия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими? Мана шу саволга - «Йўқ!»дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз эллик бир йил идораи аскарий остида турдиги учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очирмаслик фикри учун фикри очиқ татар қариндошларимизнинг даҳи Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари ман этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдирмоқ тилаги билан Устроутов каби мутаасиб попларнинг идорасинда газета чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёна-

тимизни англамоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва ғазиталар боғланди, шаърий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисти гасб этилди. Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларинда Туркистон ерлисинг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлғон рус ва арманидан тубанда тутилди<sup>1</sup>, деб ёзган эди. Абдурауф Фитратнинг қалб нидоси бўлған ушбу сўзларда мустамлакачилик сиёсатининг барча томонлари фош этилганди.

Шундай қилиб, чор ҳукуматининг Туркистон халқларига нисбатан тутган мустамлакачилик сиёсати бу халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маданий тараққиётини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий қадриятларини ерга уриш, камситиш, миллий гурурларини, маънавиятини поймол этиш, кўркувда ушлашдан иборат эди.

**2-масаланинг баёни.** Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бошқа жумхуриятларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам, албатта маданий, маърифий тараққиёт бўлди, табиий ва ижтимоий фанлар анчагина ўси, миллий зиёлилар сафи кенгайди, иқтисодда, ижтимоий, сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Лекин Ўзбекистон Мустақиллигига қадар бўлган етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик. Марказ томонидан юргизилган давлат сиёсати туфайли миллий онгимиз, миллий тилимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз ривожланишига йўл бермайдиган ғовлар пайдо бўлди. Агар Чор Россияси бизнинг маънавиятимизни тургунликда, қолоқликда тутишга уринган бўлса, большевик-шовинистлар маҳаллий халқларни ўз миллий маданиятидан буткул бегоналаштириш сиёсатини тутдилар. Ўзбек халқининг маданияти ва маънавиятига, миллий онги ривожланишига тўсқинлик қилиш собиқ Совет жамияти даврида чоризм замонидагидан кўра кучайса-кучайдио, аммо қамаймади. Шўро давлати миллий чекка ўлка халқларини эзиш, бойликларини талаш мақсадида чоризм мустамлакачилик сиёсатини ошкора давом эттирди. Шўро тузуми миллий бирдамлик, миллий туйғу ривожланиши ва юксалишига миллатчилик деб қаради.

<sup>1</sup> Ўша ерда.

Шўро замонида халқимизнинг минг йиллик тарихи, эътиқоди рад этилди, ўрнига «шахсга сифиниш» балоси рўбару бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рисоласида таъкидлаганидек: «.... Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди»<sup>1</sup>.

Инсонларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашга кўмак-лашадиган муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари уламою фузалоларнинг мўътабар асарлари халқдан яширилди, уларга ўт қўйилди, сувларга оқизилди. Қарамлик ва мўтелик йилларида содир бўлган бу даҳшатли воқеа ва ҳодисалар ўзбек халқининг миллий маънавияти муайян даражада таназзулга учрашига сабаб бўлди. Шўро ҳукумати ва тузуми қурила бошлаган дастлабки йилларидаёқ, аввало бутун зиёлилар ва ҳатто эски ўзбек ёзувини биладиган (мулла деб ном олган) кишилар ҳам қамоқларга жўнатилди. Кейинчалик эса уйда араб алифбоси ёзувидаги китоб ва қўлёзмаларни сақлаган одамлар қаттиқ таъқиб остига олинди. Хуллас, ўзбек халқининг илгор қисми зиёлиларга, маърифат ҳомийларига жуда катта зарба берилди. Бу қатагонлик ҳатти-ҳаракати ўтган етмиш йил давомида у ёки бу даражада доимий ва узвий равишда давом этди.

Миллий маънавий қадриятлардан бири миллий урф-одатлар, анъаналар, диний-тарбиявий маросимлар, халқ байрам ва сайиллари кабиларга қилинган хужум ўзбек халқи бошига тушган оғир дард бўлди.

Умуман олганда, шўро йиллари давомида ўзбек халқи эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг маънавиятига салбий таъсири қилди.

Юқорида қайд этганимиздек, 30-йилларнинг ўрталарига бориб, миллий маънавиятимизни тўлиқ синдириб, янчиб ташлашга қаратилган сиёsat изчил амалга оширила бошланди. Асл зиё эгалари отиб, букиб ташланди. Булар қаторига Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир каби халқимизнинг, миллатимизнинг, унинг маънавиятининг ўнлаб, юзлаб асл ўғлонларини киритишимиз мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, «Шарқ», 1998, 4-бет.

Қарамлиқ ва мутелик йиллари ўзларини илмнинг ҳамма соҳасини яккаю ягона билағони деб атаган коммунистик мағкура тарғиботчилари ўз фаолиятларида ўтмишдан қолган барча маънавий меросни бутунлай инкор этиш йўлига ўтиб олдилар. Навоий, Бобур, Улуғбек, Яссавий, Машраб, Нодирабегим сингари алломалар феодализм даври намояндалари, деб эълон қилиниб, уларнинг меросларини ўрганиш тақиқланди. Буюк алломаларнинг юбилейларини ўтказиш эса миллатчилик кайфиятларини кучайтирувчи омил сифатида баҳоланди.

Ўрта Осиё ҳалқларининг ўрта асрларда жаҳон фани, маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида гапириш тарихни идеаллаштириш деб кўрсатилди. Ўтмишнинг улкан мероси, бебаҳо миллий маънавият қадрияти бўлган қўлёзмаларни ўрганиш, нашр қилиш имконияти чегаралаб қўйилди.

Ўзбекистонда барча динларнинг, биринчи навбатда, ислом динининг кўзга кўринган йирик вакиллари бирин-кетин қамалди, сургун қилинди, ими-жимида отиб ташланди. Чорак кам бир аср давомида диний-маънавий тарбияга ўрин берилмади. Диний ахлоқ ва маданиятнинг зарари ҳақида айтилмаган гап қолмади.

Даҳшатлиси шу бўлдики, ислом динини «фош этиш» мақсадида азиз-авлиёларнинг мозорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин-устин қилинди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ота-оналари, яқин кишилари жанозасига боришдан қўрқиб қолишли. Юрак ютиб борганлар партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Халқ ўртасида даҳрийликни тарғиб қилиш ва динга қарши муросасиз кураш ниқоби остида ўрта аср мөъморчилигининг тақрорланмас намунаси бўлган, миллий нақшлар билан жиловланиб турган минглаб масжидлар, юзлаб мадрасалар, халқимизнинг миллий гурури ҳисобланган муҳташам қасрлар, тарихий обидалар, хонлар, амирларнинг саройлари ваҳшийлик ва ёвузлик билан бузиб ташланиб, омборхоналарга, пахта қуритадиган жойларга айлантирилди. Бу каби хунук ишлар «феодал ўтмиш, эскилик сарқитларидан тозалаш» деган қизил сўзлар билан ниқобланди.

Мустақиллик туфайли диний қадриятларга бўлган бундай салбий муносабатларга барҳам берилди.

Ўтмиш халқ оғзаки ижоди маънавиятимизнинг илк сарчашмаси саналади. Тоталитар тузум даврида халқимизнинг қадимиий

қадриятлари, халқ оғзаки ижодининг юксак намунаси сифатида асрлардан-асрларга маънавий мерос бўлиб ўтиб келаётган афсона, ривоят, эртак, мақолларга, «Алпомиш», «Гўрўли», «Рустам», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Равшанхон» каби достонларга бир ёқлама муносабатда бўлинди, уларга замонасозлик, синфийлик, партиявилик нуқтаи назаридан туриб баҳо берилди. Узбек халқ оғзаки ижодиётининг ҳар бир асарига икки синф, икки маданият назарияси асосида баҳо берилди, коммунистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Улардаги миллий ва умуминсоний қадрият ва фоялар назар-писанд қилинмади. Чунончи, «Алпомиш» достонида хонлар, беклар мақталади, босқинчилик ва зўравонлик тарғиб қилинади, ислом динига мансуб бўлмаган бошқа халқларга ёмон муносабат тасвирланади, деган айблар тўнкалди. Достоннинг бош қаҳрамони Алпомиш меҳнаткаш халқнинг олижаноб фазилатларини ва орзу-умидларини ўзида ифода этмайди, аксинча, у ҳоким, қонхўр бек, типик зўравон ва золим сифатида ҳаракат қиласиди.

Пировард натижада достон китоб дўконлари пештахталаридан, кутубхона жавонларидан йигиштириб олинди. Сирасини айтганда, бу ўзбек халқига тухмат, уни бой ўтмишидан ажратиб ташлаш, миллий қадриятларни ерга уриштир. Мустақиллик туфайли маънавий меросимизнинг бу соҳасига нисбатан бўлган салбий муносабатларга узил-кесил барҳам берилди. Бунинг яққол исботи 1999 йилда «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги юртимизда кенг нишонланганлигидир.

Тил - ҳар бир халқ ва миллий ўзлигини намоён қилишда муҳим воситадир. Жаъмики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади....Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўиши муқаррар! Шахе маънавий камолотининг зарур шартларидан бири ўз она тилини билишидир. Тил билмайдиган одам халқнинг дилини ҳам билмайди. Бирон-бир сабаб туфайли миллий тил йўқолса миллат бора-бора йўқолиб кетади, миллий ўзига хослигини йўқотади<sup>1</sup>. Шундай бўлгач, бирон-бир миллий тилнинг йўқолиши ўша халқнинг муқаррар равища ҳалок бўлишига олиб келади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Миллий истиқбол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.

Собиқ Совет ҳукумати ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида миллий чекка ўлка халқлари, жумладан ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўсқинлик қилиши учун ишлатилмаган ҳийлаю-найранг қолмади! Шахсга сифиниш йилларида миллатларнинг бирбирига қўшилиб, ягона Совет халқига айланиши ҳақида «назариялар» пайдо бўлди. «Миллий тиллар йўқолади, ягона тил бўлади», деб «башорат» қилинди. Бундай сохта назария Сталин томонидан ўртага ташланган эди. 1930 йилдан бошлаб қарийб олтмиш йил давомида собиқ марказ миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш сиёсатини зўр бериб ҳаётга жорий этишга уринди. Байналмилаллик байроғи остида миллий тиллар ривожланиши чеклаб қўйилди. Ўзбек тилига нисбатан қилинган ижтимоий адолатсизлик, айниқса, даҳшатли тус олди. Бу нарса давлат сиёсати даражасига кўтарилиб амалга оширилди. Унинг лугат таркибига русча байналмилал сўзлар сунъий равища тиқиширилди. Натижада оғзаки ва ёзма нутқимиз ортиқ дараҷада бузилди.

Ижтимоий ҳаётда ўзбек тилидан фойдаланиш кенгайиб бориш ўрнига аста-секин торайиб борди. Корхоналарда, илмий муассасаларда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, табобатда, алоқа ташкилотларида ўзбек тилидан фойдаланишда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Ўзбек тили фуқаро ҳаво флотида, ички ишларда, армияда суриб чиқарилди, ундан фойдаланилмади. Ўзбек тили дарс соатлари йил сайин ўкув муассасаларида қисқариб борди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, барча йигинлар, мажлислар, ёзишмалар рус тилида олиб борилди, диссертациялар, китоблар, рисолалар, мақолалар, аризалар, шикоят ва илтимосномалар рус тилида ёзиладиган бўлди, акс ҳолда улар мутасадди ташкилот идораларида қабул қилинмади.

Ўзбек тили четга суриб ташланди, унинг мавқеи бениҳоя пасайиб кетди. Натижада, рус тилини билмайдиган одам масъул идораларда ишламайди, деган тушунча юзага келди. Аслида ҳам аҳвол шундай эди, ҳаёт ва иш шароитимиз фақат рус тилини билишни талаб қиласади. Натижада ўзбеклар орасида ўзбек тилини билмайдиганлар, ўзбекча ёзолмайдиганлар ва ўзбекча фикрлай олмайдиганлар кўпайиб кетди. Ҳатто ўз она тилини билмаслик айб саналмайдиган бўлди.

Маъмурий буйруқбозлиқ иш усуллари авжига минганд, ҳамма нарса, ҳар бир катта ё кичик масала марказнинг кўрсатмаси, розилиги билан ҳал қилинадиган йилларда (тобелик ва қарамлик ўзининг юқори чўққисига чиққан давр) ўзбек тили ўрнини рус тили эгаллади, десак хато қилмаймиз. Баъзи раҳбарлар бутунлай ерли аҳолидан иборат мажлисларда ҳам русча сўзлаб, буни ўзлари учун маданиятилик аломати, фахрифтихор деб билиш даражасига етдилар. Рус тилини билиш, шу тилда чиройли сўзлаш маънавий камолатнинг чўққиси, маданиятилик белгиси деб қабул қилинди. Натижада ўз она тилига менсимай қарайдиган кишилар пайдо бўлди. Бу, айниқса ёшлар орасида авж ола бошлади. Буни жамиятнинг, миллатнинг, унинг маънавиятининг энг катта фожиаси деб тушунмоқ лозим.

Ўзбек тили Ўрта Осиёдаги энг қадимий ва бой тиллардан биридир. «Умуман, туркий тиллар йирик икки оқимда ривожланди, деб ёзади И. Кўчқортөев, унинг бири турк тили бўлса, иккинчиси ўзбек тилидир. Роман тилларини ривожлантиришда лотин тили қандай роль ўйнаган бўлса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидаги туркий тилларни ривожлантиришда ўзбек тили шундай роль ўйнади»<sup>1</sup>.

Ўзбек тилининг имкониятлари шу қадар кенгки, бу тилда турли сўз тузиш, чиройли сўзлаш, асарлар яратиш мумкин. Бунга адабиёт ва санъатимизнинг бой тарихи, хазинаси ёрқин гувоҳ саналади.

Миллатни ҳимоя қилиш учун унинг тилини ҳимоя қилиш, асраш, ривожлантириш зарур. Буни эса давлат бажаради. Тил давлат ҳимоясига олинмас экан, у ривожлана олмайди. Тил ҳокимият билан тирик. Мустақилликка эришгунимизга қадар ўзбек тилини муҳофаза қилиш зарурати юзага келди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши осон-силлиқ кечмади. Уни ҳимоя этиш ва қонуний мавқенини тиклаш учун бўлган курашда шоир ва ёзувчилар, олимлар, муаллимлар, хукуқшунослар, ҳамма-ҳамма фаол иштирок этди. Энг муҳими бу курашда ҳалқ уйғонди.

Тил муаммоси сингари ниҳоятда нозик, қалтис ва жиддий масалани ижобий ҳал этиш учун жумҳуриятимизда Ислом Каримов раҳбарлигига кенг миқёсда ташкилий, ғоявий-сиёсий ва кенг кўламли тарбиявий ишлар олиб борилди.

<sup>1</sup> Тил - миллат қалби. «Мулоқот», 1991 йил, 10-сон, 17-бет.

Узоқ давом этган баҳслар, тортишувлар, мунозара ва муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида» қонун қабул қилинди. Натижада Совет даврида миллий тил масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун кенг йўл очилди.

Қонунга биноан, ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили, деб эълон қилинди. Бу ҳол ҳалқимизни беҳад қувонтириб, дилини яйратиб юборди, миллий фурурини кучайтирди.

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, Мустақил Республика-мизнинг дунёга юз тутишида ёшларимизнинг, айниқса Сиз каби талабаларнинг хорижий мамлакат ҳалқлари тилини билишингиз муҳим аҳамият касб этади. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши бошқа тилларни билиш, ўрганишни рад этмайди. Бошқа тилларни билиш ҳар бир маълумотли кишининг кўркидир. Ҳалқлар ўртасида бирлик, аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳурмат, турли алоқалар тил ва маданиятни билишдан бошланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда ёшлар мактаблар ва олий ўқув юртларида рус, инглиз, немис, француз, испан тиллари билан бўр қаторда Шарқ ҳалқлари тилларини ҳам катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Араб, форс, ҳинд, хитой тилларини ўрганиш натижасида аксарият қисми араб ва форс тилларида ёзилган қадимий қўллэзмаларимизни бемалол ўқиб-ўрганадиган етук мутахассисларга эга бўламиз.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида маънавиятимизнинг муҳим қирраси имломиз кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Орадан ўн икки йил ўтгач, кирил алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа ҳалқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик кўхна тарихидан, ўтмишидан, маънавий меросидан маҳрум бўлди. Отабоболаримиздан қолган китоблар, асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Имлонинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмайдиган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишимизнинг риёкор сиёсати натижасида мўғул босқини келтирган йўқотищдан ҳам кўра каттароқ маънавий фалокатга учрадик. Бу тарихимизни, маданиятимизни, миллий маънавий меросимизни йўқотишга уринишнинг янгича йўли эди.

Инсофу-диёнатни йўқотган коммунистик мафкура яловбардорлари, араб ва лотин алифбосини йўқотиб мақсадларига эри-

шиб бўлгач, ўзбек ҳалқи «инқилобгача» саводсиз эди, ёзуви ҳам, мактаби ҳам, китоби ҳам, олиму уламолари ҳам бўлган эмас, тили ривожланмаган деган сафсатани бутун дунёга ёйдилар. Бу ҳалқимиз шаънига ағдарилган фирт туҳматдир. Бу ўлкадан етишиб чиққан илм-фан, маданият, маънавият намояндаларини илгари Сизлар билан кўриб ўтганмиз... Ўлкамиз қадимдан маънавият ва маърифат юксак даражада ривожланган ҳудуд бўлганлиги билан фахрланишимиз лозим.

Биз юқорида мустамлакачилик, қарамлик шароитида ўзбек ҳалқининг бой маънавий ва маърифий меросига муносабат ва унинг ижтимоий оқибатларининг баъзи жиҳатларинигина кўриб ўтдик. Ўтмишда топталган, таҳқирланган маънавий ва маърифий меросимизга мустақиллик йилларида муносабат тубдан ўзгарди. Миллий маънавий меросимиз қайта тикланиб, ҳалқимиз қалбида чукур илдиз отмоқда. Мустақиллик туфайли бу борада амалга оширилган барча ижобий ишларимиз олдинги мавзуларда у ёки бу жиҳатдан ёритилганлигини ҳисобга олиб, мазкур маърузада бу масалага тўхтамадик.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Мустамлакачилик, қарамлик. тобелик; мустамлакачилик сиёсатининг мақсади; зўравонлик; тазиқ ўтказиш; ҳалқни тарихидан, маданиятидан, қадриятларидан, динидан, тилидан, урфодатларидан, маънавиятидан маҳрум қилиш; Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг мақсади ва оқибатлари; руслаштириш сиёсати; қарамлик ва мутелик йилларида маънавий меросининг топталиши; мустақиллик ва маънавий қадриятларимизни тикланиш жараёни; Ислом Каримов маънавий покланиш ва тикланишнинг ташаббускори.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Мустамлакачилик сиёсатининг мақсадини тушунтиринг.
2. Нима учун мустамлакачилар ҳалқни тарихидан, маънавиятидан маҳрум қилишга интилиш сабабларини изоҳланг.
3. Чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борган мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Шўролар даврида ислом динига, диний қадриятларга қандай муносабат кўрсатилган?

5. Шўролар даврида тарихимизга, маданиятимизга, бой маънавий меросимизга қандай муносабат кўрсатилган?

6. Руслаштириш сиёсатининг моҳияти ва оқибатларини тушунириш.

7. Мустақиллик учун, маънавий қадриятларимизни тиклаш учун халқимиз олиб борган кураш ҳақида нималарни биласиз?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т., Ўзбекистон, 1993 й.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. Ўзбекистон, 1994й.

3. Каримов И.А. Халқимиznинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир.Т., Ўзбекистон, 1996 й.

4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.

5. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., Ўзбекистон, 1996 й.

6. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида.Т., Ўқитувчи, 1996 й.

7. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат.Т. Шарқ, 1998 й.

# МАЊАВИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

## 13-МАВЗУ

### МАЊАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ. УНИНГ ШАРҚОНА ТАЪРИФИ. ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ФОЯЛАРИ

#### Режа:

1. Ислом Каримов мањавиј баркамол инсонни тарбиялаш замона талаби эканлиги тўғрисида.
2. Мањавиј баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.
3. Комил инсон ва унинг Шарқона фазилатлари.

Биринчи масаланинг баёни: Бугунги кунда мањавијат масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланниб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак мањавијат келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. «Зоро, деб уқтиради Ислом Каримов, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг мањавиј баркамоллиги, демократик ва инсон-парварлик тамойилларининг кишилар онгига нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз»<sup>1</sup>.

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди; миллий гурури, иззат обрўси тикланиб, эндиликда қадриятларимиз, мањавиј меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва мањавијат бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Мањавијати буюк халқни қул қилиш, абадий истибод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Бундай мањавијатнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажаги буюк давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қудратли мањавијат замирада вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг

<sup>1</sup> Каримов И. Келажакни жасоратли одамлар қуради. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 17-феврал.

ва бутун миллатнинг маънавий камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маънавият ва маърифатга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёsat туфайли ҳалқимиз ўзлигини таниб, ўз шаҳарасини идрок этмоқда, тарих олдидағи вазифасини англаб олмоқда.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, ҳалқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида, ҳамда мамлакатимиз тараққиётидан мұваффақиятларга эришиш қийин. Ислоҳатларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлида кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий, мағкуравий парокандалик даврига барҳам берилди. Ижтимоий ҳодисалар билан бирга миллий маънавиятимиз юксала борди. Юртбошимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаганидек: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг хақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тараққий эттириш йўлидан мұваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгал...»<sup>1</sup>. Ҳақиқатан фақат маънавий эркин ва озод ҳалқ теран ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Бошқача айтганда, фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳатларга тайёр бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутимаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўғитибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машақватли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг кўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 299-300-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда, 306-бет.

сабабли тарихнинг бурилиш даврларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқизотга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган муддиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, аввалимбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мистақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури, маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўлларини излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда<sup>1</sup>. Зотан, ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам юртбошимиз «Юксак маънавият - келажак пойдевори» деган ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамоиллардан бири бўлиб қолди.

Маънавиятли ва эътиқодли кишилар ўз маслаги, ватани учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдирлар.

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашни энг дол зарб масала сифатида кун тартибига кўймоқда. Шу маънода юртбошимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» номли маърузаларидағи қуйидаги фикрларига эътиборни қаратмоқ лозим: «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади - иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришdir. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни

<sup>1</sup> Қаранг. Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. 13-14 бетлар.

тарбиялашдан иборат»<sup>1</sup>. Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ-одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, иш билармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий суст, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир», деган ўгитига амал қилишимиз зарур.

Эндилиқда, маънавий ва маърифий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиди. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди. Юртошларимизнинг техникавий билими, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий зakovat ва ruҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти бўлади. Бутун маънавий ва маърифий тарбия ишимишни шу қоидага асосланиб қурмогимиз, замон, мустақил тараққиётимиз, бозор муносабатлари даври талабидир.

Иккинчи масаланинг баёни. Аввало шуни айтиш керакки, маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангидир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланниб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳияттан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оиласга, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо эт-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.25-бет.

моқда. Юқорида айтганимиздек улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни түғриликка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, эзгуликка ва қўйингки, юксак ахлоқлиликка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари - қўйингчи, маънавияти кучли, миллий масъулият тўйғуси қалбida чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Шуннинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қўйидаги сабоги ибратлидир: «Биз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз» Бу фикрлардан қўриниб турибдики, Шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқарashi, эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажralиб туради. Маънавий баркамол кишилар ҳалқ тақдиди ва фаровонлиги, ватан тақдиди ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамлиқда яшашни истамайдилар.

Соғлом деганда, биз фақатгина жисман бакувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак. Бундай кишилар ўзларида ҳалқимизнинг энг ардоқли фазилатлари иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак Ватанпарварлик, элига ва ҳалқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

— ўз ҳақ-хуқуқуни танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин<sup>1</sup>.

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шуҳрат, мансаб, моддий бойлик кетидан кувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган туҳмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фаҳрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажralиб туради. Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қўйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-кўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайгуриш; теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш; ота-боболардан, аждодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш; миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содик бўлиб қолиш; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши; ўзаро муомала-муносабатда ўрнак бўлишга мойиллик, бироннинг оғирини енгил қилишни одат қилиш; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш; Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш; диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш; ваъдага вафоли

<sup>1</sup> Қаранг. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й. 232-233 бетлар.

бўлиш ва бошқалар киради. Маънавий барқамол инсон фазилатларининг асосий қирралари изоҳи келгуси маърузаларимизда баён қилинишини назарда тутиб, ушбу маъруза доирасида улар ҳақида тўхташни лозим топмадик.

Маънавий-маърифий барқамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам киради. Мустақиллик тафаккурини ҳар бир кишида, айниқса Сиз каби талабаларда шакллантириш ниҳоятда зарур. Токи, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, фуур бўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар жўш урмайди.

Мустақиллик тафаккури кенг қамровли бўлиб, у қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Ватан истиқболи ва истиқтоли ҳақида қайғуриш;

халқи, юрти қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя қилиш;

бутун меҳнати, истеъоди, имкониятини, зарур бўлса жонини ҳам юрт истиқболи, халқ баҳти учун баҳшида этиш ва бошқалар.

Мустақиллик, бу - бизга аждодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маънавиятдир. Шу маънавиятни ҳар биримиз авайлаб-асрашимиз давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчдир. Шу вазифани амалта ошириш ва ҳал қилишда ёшлилар ва бутун халқ онгига мустақиллик руҳини сингдириш катта аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий барқамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий фуур бу миллий ифтихордир. Миллий фуур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урфодатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз хурмат ва зъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унугтан, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий фуур ҳам, миллат билан фаҳрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий барқамол инсон дея олмаймиз.

Шундай қилиб, юқорида маънавий барқамол инсон, унинг моҳияти ва асосий қирраларининг баъзи жиҳатлари устидагина фикр юритдик. Унинг қолган баъзи қирралари навбатдаги савол ва маърузалар баёнида ёритиб борилади.

Учинчи масаланинг баёни. Юқорида айтганимиздек, комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон даражама-даражада чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўхна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввух комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур савони тасаввух таълимотидан келиб чиқсан ҳолда баён этишини мақсадга мувофиқ деб топдик.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик вижданлариридир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиласидилар. Комил инсонларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишилаган.

Комил инсон ҳақида тасаввух адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, «Инсони комил» номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайн: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қўйидаги тўрт нарса камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон - инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўгри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигига одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуг мутафаккир қўйидагиларни киритади: тавба, ҳалол луқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатта риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қиласлиқ, чучук тилини бўлиш яхши, мулойим тилини бўлиш, раҳмдил бўлиш, сахий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўрқмаслик ва бошқалар.

Шу тариқа ўтмишда, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги фоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабиҳ ишлар, ножёя хатти-ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашди, уларда иймон ва виждан биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

Комил инсон иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамофимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, вижданли ва

диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон килиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Президентимизнинг қўйидаги таърифида комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар тарафлама чуқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: «Комил инсон деганда, - деб ёзади Ислом Каримов, - биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»<sup>1</sup>.

Унинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қўйидагилардир: ақлий зукколик, ҳуқуқий комиллик, ахлоқий етуклик, сиёсий теранлик, меҳнатга ҳалол муносабат, юксак маданий, маънавий савия, профессионал ифтихор, миллий ва умуминсоний фуур ва бошқалар.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб комил инсон чизгиларига қўйидаги хислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Комил инсоннинг умумий хислатлари: ёқимлилик, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, шоироналий, улуғифратлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятилий, тарбияланганлик ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, фамхўрлик, жонкуярлик, самимилийлик, одамилийлик, болажонлик, иймонлийлик, фидокорлик, хушмуомалалик, боадаблик, илтифотлийлик, кечиримлийлик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўгрилик, диёнатлийлик, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳакозолар;

Ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлийлик, масъулиятлийлик, инсофилийлик, ҳалоллик, малакалийлик, эпчиллик, удабуронлик, саранжом-саришталий, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваккалчилик ва бошқалар;

Зукколик, идроклийлик фазилатлари: зеҳнлийлик, бамаънилий, хотиржамлик, соғлом фикрлийлик, донишмандлик, сезигирлик, заковатлийлик, топқирлик, нотиқлик, танқидийлик, дадиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик кабилар;

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 6-бет.

**Собитлик хислатлари:** фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, жүшқинлик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, жиддийлик, нафсни тишишлик, ўзини йўқотмаслик, совуқёнлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, ўзини ўзи идора эта билиш ва бошқалар.

**Эҳтиросслик хислатлари:** кўтаринкилий, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, хазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, ҳёлийлик, хижолатпазлик, иффатлилик ва ҳакозолар.

Бизнингча, айни шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини аўло даражада ҳис этадитган шахе бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси комил инсон, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанинг, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ақида билан яшшимиз керак.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Мустақиллик ва маънавият; маънавий баркамол авлод; ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти; комил инсон; соғлом авлод; тўғрилий, ҳалоллик, поклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эзгуликка йўллаш; соғлом авлод – жисман бақувват, маънавий бой, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли инсон; мустақиллик тафаккури; миллий ифтихор; миллий фуур; миллатпарварлик; комил инсон – жамиятнинг тирик виждони; комил инсон – ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Маънавий баркамол инсонни, комил инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш нима учун замона талаби ҳисобланади?
2. Ислом Каримовнинг маънавий баркамол инсонни тарбиялаш тўғрисидаги ғоялари?
3. Маънавий баркамол инсон деганда нимани тушунасиз?
4. Соғлом авлоднинг қирраларини изоҳланг.

5. Комил инсон деганда қандай инсонни тушунасиз?
6. Маънавий баркамол, соғлом авлод, комил инсон тушунчаларидағи муштараклик ва фарқ нимада?
7. Комил инсон ҳақида Шарқ мутафаккирлари фикрларидан намуналар келтириңг.
8. Соғлом авлод Давлат дастури ҳақида нималарни биласиз?
9. Маънавий баркамол, комил инсоннинг асосий фазилатларига нималар киради?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 й.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т., Шарқ, 1999 й.
4. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Халқ сўзи, 1999 й, 6 март.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 й.
6. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
7. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т., Ўқитувчи, 1997 й.
8. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т., 1996 й.
9. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.

## ВАТАНПАРVARЛИК, ИНСОНПАРVARЛИК ВА ЎЗ МИЛЛАТИГА САДОҚАТ - ШАХС МАЊНАВИЯТИ МЕЗОНЛАРИ

**Режа:**

1. Ватан - саждагоҳ қаби муқаддасдир.
2. Инсонпарварлик инсон ва жамият мањнавий қиёфасининг мезони.
3. Ўз миллатига садоқатли бўлиш - юксак бурч.

**Биринчи масаланинг баёни:** Ватанпарварлик ҳақида сўз юритишидан аввал Ватан тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Ватан аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини англатади, шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон ўзбек халқининг ватани, муқаддас саждагоҳидир:

Дунё бўлди чаманим маним,  
Ўзбекистон ватаним маним.

Ватан бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳидир. Ватан - бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урфодатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир.

Ватан деганда, ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсан, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроқи, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизга келади.

Ватан она қаби азиз ва мукаррамдир. Ватан инсонга баҳт-иқбол берадиган заминдир. Абдулла Авлоний айтганидек: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсан жойини жонидан ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз қаби, араблар арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди.»

Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Ватан - муқаддас қадрият. Тараққиёт ватандан бошланади. У инсоннинг

киндиқ қони түкілған жой, инсонни ижтимоий етимлиқдан асровчи манзил, маңнавий камолот ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва баҳт-саодат үчогидир.

Инсон учун ватан яғонадир. Ватаннинг катта-кичиги ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулга сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Ватан ҳар бир фуқаро учун муқаддас ва бетакрордир. Президентимиз Ислом Каримов келтирган иборадек, «Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир». Ватанни энг олий неъмат сингари бошимиз узра баланд кўтариб, ҳар он ва ҳар сонияда унинг тупроғини кўзларга суртиб, унга таъзим бажо айлашимиз фарзандлик бурчимиздир. Муқаддас хадиси шарифларда «Ватанни севмоқ иймондандир», дейилган. Яъни иймони бут, виждони пок ҳар бир инсон ватанни севади, уни ғанимлар қўзидан асрайди, унинг яшнаши ва яшashi, ҳурилиги учун курашади.

Ватан меҳрини, ватан сеҳрини, унинг мўътабарлигию улуғворлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Ҳар бир баркамол инсон ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто ширин жонини ҳам аямайди. Бу ҳақда мавлоно Фузулийнинг, менинг битта ҳаётим бор, бордию мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини ватан учун сарфлаган бўлур эдим, деб айтган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўғитдир.

Шўролар даврида миллий манфаат, ватанга, она заминга меҳр-муҳаббат деган ҳис-туйғулар аста-секин сўна бошлади. «Ватан» тушунчаси мавҳум бир умумий ҳолга келиб қолганди. Ҳамма нарса - «Умумсовет» манфаатига қаратилганди. Ҳар бир миллат, ҳалқ минг йиллардан бери яшаб келаётган ўз ватани учун қайғуришга ҳақли эмасди.

Охир оқибат шунга етдики, собиқ Совет даврида бу мамлакатда яшаётган ҳалқлар, шу жумладан ўзбеклар ҳам ўз ватанида беватан бўлиб яшашга мажбур бўлдилар. Буни Ўзбекистон ҳалқ шоири Эркин Воҳидов «Ватан умиди» шеърида шундай ифодалайди:

Агарчи исмим Эркин,  
Эрки йўқ, банди кишан бўлдим.  
Кўзим боғлиқ, дилим боғлиқ,  
Тилим йўқ, бесухан бўлдим...  
Муazzзам Сайхуну Жайхун -

Лабида ташналаб қолдим,  
Кийинтирдим жаҳонни,  
Жиссим урён, бекафан бўлдим.  
Чекубдур Бобуру Фурқат  
Ватан ҳажрида афғонлар,  
Мен эрсам, не гурбатким,  
Ватанда беватан бўлдим.  
Олисда, оҳ диёrim деб  
Соғинган, эй ватандошим,  
Дема сен, ўзни бебаҳт,  
Бахти йўқ аслида ман бўлдим...

Инсон учун на давлат ва салтанат, на тожу тахт, ҳеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди. Ватандан жудо-лик - инсон учун катта баҳтсизликдир.

Инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий баҳтдир.

Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий ватанимизни топдик. Бу мустақилликнинг бизга берган энг олий неъматидир. Ватани мустақил ҳалқнинг ўзи ҳам мустақил бўлади. Юрти озод ва эркин одамнинг эрки ўз қўлида бўлади.

Тарих ўзбек ҳалқининг ҳозирги Сиз каби авлоди зиммасига фоят буюк вазифани юклади. Бу Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг довругини олам узра ёйиш, шуҳратига шуҳрат қўшишдир. Бунда эса ватан, Президентимиз айтганидек, Сиз каби фидойи ватанпарварларга таянади. Ҳар биримиз ўзимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолиятимиз, ҳалол меҳнатимиз билан ўзимиздан кейинги авлодларга озод ва обод ватанинни қолдиришимиз келгуси авлодлар, насл-насабларимиз олдидаги бурчимиздир.

Миллий мустақиллик ҳалқимизда, айниқса ўсиб келаётган ёш баркамол авлодимизда ватанпарварлик тўйғуларининг тикланишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда ватанпарварлик ўзининг қандай қирралари билан намоён бўлаётир? Ватанпарварликнинг моҳияти нималарда, қандай амалий ишлар фаолиятида намоён бўлади? Умуман ватанпарварлик нима, уни қандай тушунмоқ керак, у ҳақда донишманлар нима деганлар? Қуйида ана шулар ҳақида баҳс юритмоқчимиз. Аввало, ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги ота - боболаримиз яратувчанлик ишининг бе-

восита давомидир. Саодатли, баҳтли, келажаги буюк Ўзбекистонга ҳозир ҳар дақиқада улуш қўшмоқ, ватанга муҳаббат, ватанпарварликнинг асл кўринишидир. Ватанга муносаб фарзанд бўлиш, унинг ери, суви, эли билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни теран англаш, уни ардоқлаш ҳам ватанпарварликнинг бир кўриниши, қирраси.

Ватанпарварликни энг олий туйгу сифатида ўтмиш мутафаккирлари алоҳида қайд этганлар ва ўзлари ҳам унга содиқ қолганлар. Энди ана шу қайдлардан баъзиларини эслаб ўтамиш.

Цицерон (Румо нотиги ва файласуфи). Бизга ота оналар, болалар, яқин хеш-акробалар қимматлидир, лекин муҳаббат бобидаги барча тасавурларимиз биргина «Ватан» деган сўзда мужассамлашган. Ватанга нафи теккудек бўлса, қайси виждонли одам у учун жонини беришга иккиланар экан!

Гегель (немис файласуфи). Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Байрон (инглиз шоири). Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Белинский (рус танқидчиси). Кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам даҳлдор эмас.

Гюго (француз адиби). Ўз ватанига доғ тушириш - уни сотиш деган сўз.

Ватан туйгуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбida табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйгусини илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўsgан юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади»<sup>1</sup>.

Ватанпарварлик деганда эса яна қўйидагиларни англаш жоиз:

- ўз халқини, тарихини яхши билиш ва у билан фахрланиш;

қадимий обидалар, мислсиз иморатлар, аждодлар яратган моддий ва маънавий меросларни кўз қорачиғидай асраш ва авлодларга тақдим этиш;

халқимизнинг, аждодларимизнинг гўзал ва маъноли урфодатлар, расм-руsum ва удумларини қадрлай билиш, уларни давом эттириш;

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Миллий истиқол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк кеклажакка ишончdir. 22-бет.

ажойиб ватандошлар аждодлар номи билан, уларнинг улуф ишлари, ижодлари билан фаҳрланиш, уларнинг ишларини давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш;

- шундай ажойиб ҳалқقا, юрга, унинг бой тили ва маданиятига мансублиги билан фаҳрланиш;

Туронзаминни ҳимоя қилиб, томирида охирги қони қолгунча душманга қарши курашган баҳодирларни, аёвсиз жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонлар номини ёд этиш;

- асримизнинг йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи, эллигинчи ва ниҳоят саксонинчи йилларида ҳалқимиз, миллатимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечирган ва ҳалок бўлган минглаб миллатимиз гулларини унутмаслик;

- бу азиз ва гўзал ватанимизда юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Ватанпарварлик ҳаммамизнинг ўз ишимизга масъулият билан қараш, ватанинг бойликларини кўз қорачигидай асраш, бойликларига бойлик қўшишга ўз улушимиznи қўшиш, илм-фан чўққилари сари интилиш ва бошқалардир.

Ватанпарварлик бир сўз билан айтилганда ўз ижобий ишларимиз, бунёдкорлик ҳаракатларимиз билан унинг куч-қудратига, гуллаб яшнашига имкон даражасида ҳисса қўшиш:

она юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш ватанпарварликнинг белгисидир;

ватанпарварлик – ҳалқаро муносабатларда ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишидир.

Ватанпарварлик ҳақида сўзлар эканмиз, мустақиллик бизга инъом этган ватанпарварликнинг олий рамзлари ҳақида сўзламасдан илож йўқ. Ватанпарварликнинг олий рамзлари ҳалқимиз, ёшларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олаётганилиги ниҳоятда қувончлидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида 180 тадан ортиқ мустақил давлатлар байроқлари қаторида мағрур ҳилпираб туришини кўриш ва ҳис этиш нақадар катта баҳт, инсонни нақадар кучли бир ҳиссиётга чулғаб олади... Президентимиз Ислом Каримов жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек: «Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар она ватан Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат тўйғусини тарбиялайди».

Давлатимиз мукофотлари - «Ўзбекистон қаҳрамони» олий унвони, орден ва медаллар, фахрий унвонлар ҳам мамлакатимиз фуқароларида ўз Ватанидан фурурланиш тўйғуларини оширишга хизмат қиласди.

Ўз миллий валютамиз сўмимиз ҳам ватанпарварлик рамзиdir.

Хуллас, Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Ўзбекистон муқаддас Ватан, ота-боболаримиз ётган ер, ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланадигани ҳаммамизни қувонтиради».

Иккинчи масаланинг баёни. Ватанпарварлик тушунчаси инсонпарварлик тушунчаси билан уйғундир. Ватанпарварлик учун инилиш, ватанпарварлик учун курашнинг заминида инсонпарварлик ётади.

Инсонпарварлик бу ўзбек ҳалқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. У пурмаъно ва сермазмун тушунчадир. Инсонпарварлик ўзбек ҳалқининг ажралмас хислати тарзида кўзга ташланади. Қуръони Карим инсонпарварлик гоялари асосига қурилган. Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари шу гояларга бой ҳикматлар мажмуаси саналади. Инсонпарварлик кишиларнинг бир-бирига ҳурматида, қадр-қимматида, меҳр-шафқатида, диёнатда, ўзаро кўмаклашувда, ҳамдардликда, бошқалар қайғусига шерик бўлиб, қувончидан ва баҳтидан севинишида, ҳалқ баҳти ва ютуқларидан фахрланишда кўринади.

Ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, ҳамдардлик, вафодорлик, бир-бирига сяниши, яхши қўшничилик, болажонлик, ота-онанинг болага, боланинг ота-онага ҳурмати, садоқати каби қадриятлари инсонпарварлик гоялари билан сугорилган. Ўзбек ҳалқи бир умр меҳр-шафқатли бўлган, барчага ёрдам қўлини чўзган. Ўзбек ҳалқи ўзининг инсонпарварлигини фашизмга қарши кураш йиллари етим болаларнинг бошини силаб ўз тарбиясига олиб ёрқин намоён этди.

Ўзбек ҳалқи доимо умуминсоният дардини куйлаб келган. Ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, аз-Замаҳшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Оғаҳий асарларидағи гоялар - инсонпарварлик руҳи билан ажralиб туради. Хусусан, Навоий ижодида инсонпарварлик алоҳида аҳамият касб этади. Унингча, ватанга, ҳалқقا садоқат энг аввал унинг тақдири устида фамхўрлиқдан иборатдир. Инсонга нисбатан бепарволик, унинг

тақдири ва баҳту саодати устидаги ғам емаслик шарафли инсон учун тамомила ётдир. Навоийнинг барча-барчани инсонга ғамхўр бўлишга чақирган, инсонпарварликни куйлаган қўйидаги байти асрлар оша ҳаммамиз учун ибрат янглиғ янграб турибди:

Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ ҳалқ ғамидин ғами.

Навоий ижодида бу мавзунинг алоҳида ўрин эгаллаганлиги таҳсинга сазовордир. У нафақат бадиий ижодда, балки ўз амалий фаолиятида ҳам юксак инсонпарварликка содиқ қолган мутафаккирдир. У ҳалқ учун, эл-улус учун, бева-бечора, етимесирлар учун мадрасалар, табобат хоналар, шифо масканлари қурдирган. Дошқозонларда овқат пишириб текинга тарқатган. Дардманларга бепул табобат кўрги уюштириб тиббий ёрдам берган. Бундай инсонпарварлик намунасидан ҳаммамиз ҳар қанча ўрнак олсак арзиди.

Мустақил Ўзбекистон отлиқ давлатимизнинг бутун сиёсати инсонпарварлик гоялари билан сугорилганилиги ва уни амалдаги намунаси эканлиги билан ҳар биримиз ҳар қанча фаҳрлансанк арзиди. Жумҳуриятимиз ҳокимияти инсон ҳуқуқлари ва демократияга оид масалаларни маҳсус қонун билан белгилаб қўйибди.

Президентимиз ва Ўзбекистон давлатининг энг улуғвор ва инсонпарварлик гояларидан бири – ички ва ташқи тинчлик сиёсатидир. Инсон туғилган экан, у яшashi керак. Яшаш учун тинчлик зарур. Демак, давлатимизнинг тинчлик сиёсати инсонпарварлик сиёсати мазмуни билан йўғрилган.

Ўзбекистон давлатининг экологик сиёсати ҳам инсонпарварлик мазмуни билан боғланган. Экология бузилар экан, инсон саломатлиги ёмонлашади. Инсон носоғлом экан, бу жамиятдаги носоғломликни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» дастурининг илгари сурилганилиги инсонпарварликка қаратилган катта ташаббусдир. Мустақил Ўзбекистон ўз ҳалқининг саломатлиги ҳақида қайғурар экан, бунга миллий бойлик сифатида қарайди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг инсонпарварлик гоялари билан ажралиб туради. Бу ҳақда Ислом Каримов шундай ёзади: «Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устивор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, мардлик, тантлилк, бағри кенглик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган». Бу тарихий

хужжатда инсонпарварлик ўз ифодасини тўла топган. Чунончи: «39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қуйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас». Давлатимизнинг асосий қонуни ўзининг инсонпарварлик кафолати устиворлиги туфайли халқ олдида катта обрў-эътиборга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган ислоҳатларнинг муҳим тамойилидан бири ижтимоий сиёсатга қаратилгани билан ажralиб туради. Бу тўғрида Ислом Каримов шундай ёзади: «Ислоҳатларимизнинг муҳим тамойилларидан бири аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларини муҳофаза қилиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, иш билан таъминланишида ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир». Бу ерда Президентимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлик фазилати намоён бўлган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йилни «Инсон манфатлари»; 1998 йилни «Оила»; 1999 йилни «Аёллар»; 2000 йилни «Соғлом авлод» йили деб белгиланишида ҳам чуқур инсонпарварлик маъноси ётади.

Инсонпарварликнинг қўринишларидан бири бу инсонни улуғлашдир. Инсон табиатнинг гултожи. У ҳар қанча мақтовга лойиқ зот саналади. Бу ҳақда Қуръон ва ҳадисларда, мутафаккирлар ижодида ажойиб, ибратли фикрлар айтилган. Биз бу ўринда «Шарқ Гегели» деган шарафли номга сазовор бўлган файласуф шоир, мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил сўзларини келтириш билан чекланамиз. Бедил инсонни ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот деб билади ва бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у маънудир». Қандай ажойиб фикр! Ушбу фикр ҳар қандай давр учун ҳам адолатли, ардоқли ва олижанобдир.

Мустақил Республикамиз фуқаролари, хусусан ёшлари руҳиятида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйгуларини шакллантириш, уларни ривожлантириш демократик, адолатли ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишнинг муҳим кафолати саналади. Шунинг учун ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйгуларини шакллантириш бутун тарбиявий ишимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Учинчи масаланинг баёни. Ўз миллатига садоқатли бўлиш миллатпарварлик билан ҳамоҳанг тушунчадир. Миллатпарварлик бу ҳар бир инсон учун юксак бурч саналади. Ўз миллатини севмаган инсон ўзини ҳам, Ватанини ҳам сева олмайди. Миллатпарварлик ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш ёки камситиш каби (миллатчилик ва шовинизм) жирканч ҳаракатлардан тубдан фарқ қилувчи туйғудир. Миллатпарварлик ўз миллатининг бирлигини мустаҳкамлаш, ўз тили, урфодатлари, анъаналарини ривожлантириш, қадриятлар ва меросларни кўз қорачигидай асраш, ўз миллатининг келажаги учун хизмат қилувчи ақл-заковат (интеллектни), салоҳиятни (потенциал) ривожлантириш ва миллий тарбияни амалга ошириш йўлида фидойи бўлишдир.

Миллий ўзликни англашнинг муҳим омили бўлган миллатпарварлик туйғусини шакллантиришда яқин ўтмишда миллатимиз манфаатларини кўзлаб миллатпарварликнинг ёрқин намунасини кўрсатган миллатимизнинг содиқ фарзандлари амалга оширган ишларни ташвиқот қилиш катта аҳамиятга эга. Бугун Ф.Хўжаев, А.Икромов, А.Қодирий, У.Носир, А.Фитрат, И.Мўминов, Х.Абдуллаев, Ш.Рашидов кабиларнинг номлари миллатпарварликни ўзида ёрқин мужассам этганлигини ўшларга тушунтиришимиз лозим. Уларнинг ҳар бири Шўролар тузумининг энг мураккаб, энг қийин шароитида миллатимизнинг манфаатини, қадр-қимматини, ор-номусини, тарихини, маданиятини ва маърифатини ҳимоя қилдилар. Миллатимизнинг мустақиллиги учун жон фидо этдилар. Улардан бирлари миллатимиз шарафини ҳимоя қилибгина қолмай, уни жаҳон узра кўз-кўз қилишда ўзларини аямадилар. Яна бирлари эса она заминда миллатимиз орасидан улкан кадрлар етишиб чиқишига жонбозлик кўрсатди, бошқа бирлари эса, юртимиздан ташиб кетилган хомашёлар ўрнини тўлғизиш учун марказдан кўпроқ техника, технология, фан ютуқларини, маблағларини олиб келиш йўлида фаоллик кўрсатди.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонда ўз муносаб ўрнини топиши, миллатимизмининг қадр-қимматини жойига қўйиш она заминда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари билан барқарор ривожланиш йўлида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номи миллатпарварликнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимиз қалбидан чуқур ўрин олган.

## **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Ватан; Ватан – саждагоҳ каби муқаддас; ватанинни севмоқ имондандир; ватанпарварлик; беватанлик – баҳтсизликдир; ватан туйғуси; ватанпарварлик ва давлат рамзлари; инсонпарварлик; Одами эрсанг демагил одами...; Мустақил Ўзбекистон ва инсонпарварлик; миллатпарварлик; миллий ўзликни англаш.

## **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ватан деганда нимани тушунасиз (унинг тор ва кенг маънолари)?
2. Ватанпарварлик ҳақида ўтмиш мутафаккирлари айтган қандай фикрларни биласиз?
3. «Ватанинни севмоқ имондандир», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» ибораларининг моҳиятини изоҳланг.
4. Ватанпарварликнинг асосий намоён бўлиш жиҳатларига нималар киради?
5. Нима учун инсонпарварлик ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас қисми деб фахрланамиз?
6. Мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик сиёсати нималарда кўринади?
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсонпарварлик ғоялари баён қилинган моддалардан мисоллар келтиринг.
8. Қандай одамни миллатпарвар дейиш мумкин?
9. Миллатимизнинг мустақиллиги учун курашган қандай миллатпарвар фарзандларни биласиз?

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Биз фидойи ватанпарварларга таянамиз. Халқ сўзи, 1993 йил 19 феврал.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. II-жилд; Т., Ўзбекистон, 1995 й.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. III-жилд; Т., Ўзбекистон, 1996 й.
4. Каримов И.А. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1999 йил 6 ноябр.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000 й.
6. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т., Ўқитувчи, 1996 й.
7. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т. Ўзбекистон, 1996 й.
8. Феврал воқеалари. 1999 йил 16 феврал. Т., Ўзбекистон, 1999 й.

**ИЙМОН, ДИЁНАТ, АДОЛАТ, МЕХР-ШАФҚАТ, ЭЪТИҚОД,  
ПОКЛИК, ҲАЛОЛЛИК ВА ВАФОДОРЛИК - ШАХС  
МАЊАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ**

**Режа:**

1. Иймон тушунчаси. Диний ва дунёвий иймон, уларнинг моҳияти.
2. Инсон иймонлилигининг мезонлари.

**Биринчи масаланинг баёни:** Мазкур масала ечими кўп қиррали. Кўйилган масалани ҳар ким ўз мањавий дунёси ўлчами билан ўлчаб, шунга яраша хатти-ҳаракат қиласди. Инсоннинг чин мањодаги инсонлиги унинг иймони, диёнати, меҳр-оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқалар билан ўлчанади. Буни биз умумий тарзда инсонийлик тушунчаси билан ифодалашимиз мумкин. Инсонийлик эса фақат иймонли инсонлардагина бўлади. Биз бу ўринда ҳамма кишилар учун умумий тарзда тегишли бўлган масалалар устида баҳоли қудрат фикр юритамиз. Агар биз иймон тушунчасининг моҳиятини тўғри англаб, тушуниб олсак, иймонни изоҳловчиси бўлган диёнат, меҳр-оқибат, поклик ва ҳалоллик, камтарликнинг ҳам моҳиятини билиб оламиз.Faқат иймонли кишиларгина поклик ва ҳалоллик, диёнат, эзгулик, меҳр-оқибат йўлида бўладилар. Шунинг учун ҳам мазкур масалада иймон тушунчасини, унинг моҳиятини кенг қамровли асосда баён қилишни мақсаддага мувофиқ деб билдик.

Иймон арабча сўз бўлиб, лугавий маъноси ишонч демакдир. Шариатда эса жаноб пайгамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом Оллоҳ тарафидан келтирган барча хабарларга тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади. Яъни Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифлар орқали Оллоҳ тўғрисида, жаннат, дўзах, қиёмат кабилар ҳақида берилган хабарларга ишонч - иймондир.

Мањавий-ахлоқий фазилат сифатида эса иймон фақат одамзоттагигина хос руҳий ходиса жумласига киради. Инсон, одамзотдан ташқари ҳеч бир маҳлуқотда иймоннинг ўрни-таги ҳам йўқ. Бинобарин, одамзот жамики бошқа жонзорлардан бирон бир нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни иймон келти-

риши билан ажралиб туради. Иймон киши маънавиятинг, ахлоқининг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир. Иймондан маҳрум кимсанинг ақли нечоғли ўткир, иродаси нақадар чўнг бўлмасин ва шулар туфайли ўзлигидан қанчалик мағурурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига ҳеч қачон киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зеро, иймонсиз одам на Оллоҳдан кўрқади ва на бандалардан уялади. У ўз нафсининг итоаткор қули бўлиб, ҳар қандай разолат ва пасткашликлардан қайтмайди. Оллоҳ ҳаммамизни шундан асрасин. Бунинг учун иймон йўлини тутишимиз лозим.

Иймоннинг моҳияти азалдан олам ва одамзотнинг келиб чиқиши, одамнинг оламдаги ўрни қандай, инсон умрининг маъноси нимада, зоти башар нимага даъват этилган, у нималарга қодиру, нималарга ноқодир сингари муаммолар ташкил этиб келади.

Ҳамма динларда иймонга алоҳида эътибор берилади. Иймон барча динларнинг устуни саналади. Чунончи, зардуштийлик иймони уч таянчга: ният фикрнинг соғлигига, сўзнинг собитлигига, амалларнинг инсонийлигига суюнади. Иймонли киши ўғрилик ва талончиликдан, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтиришдан, биронвиг ҳақига хиёнат қилишдан, бошқача айтганди, ўзлигига, яъни ўз иймонига хилоф, зид иш қилишдан ўзини тия биладиган комил инсондир. Иймонли одамга юқорида қайд этилган ҳодисаларни қилма, гуноҳ бўлади деб тарғиб қилишнинг ҳожати йўқ.

Бундан 1400 йил муқаддам Оллоҳнинг иродаси билан Мұҳаммад алайҳиссалом фаолиятлари туфайли бунёдга келган ислом таълимотига кўра, иймон моҳиятини Қуръони Каримнинг қўйидаги сураси очиб беради: «Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва росулиҳи вал явмал охири ва қодари хайриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло вал баъси баъдал мавт ҳаққун. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ». Мазкур суранинг маъноси эса таҳминан шундай: «Чин кўнглим ила иймон келтиридим: Оллоҳи таолога ва унинг фаришталарига ва унинг китобларига ва унинг пайғамбарларига ҳам бу дунё йўқ бўлиб охират куни бўлмоғига ва қадарга, яъни яҳши ва ёмон ишлар ҳар қайсиси илоҳи таолодан бўлмоқлигига ва ўлгандан сўнг қабрдан тирилиб ва буларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканига. Дилим бирла гувоҳлик берурман, албатта Оллоҳдан ўзга ҳеч маъбуд йўқдир. Яна гувоҳлик бераман, албатта Мұҳаммад Оллоҳи таолонинг бандаси ва барча бандаларига дин аҳкомларини ўргатмоқ учун юборган пайғамбаридуру».

Хозирги кунда Ер юзида диний иймоннинг бир талай турлари бўлиб, жаҳон аҳдолари аро кенг тараалгани тўрттадир: буддавий иймон, иудавий иймон, исовий иймон, исломий иймон. Бу иймон турлари мазмун жиҳатдан фарқланса-да, аммо моҳияттан бирдир. У ҳам бўлса, бирон-бир нарса ва гояни бениҳоя шарифу муқаддас, азизу мукаррам билиб, кундалик фаолият ва хулқ-атворда ана шу эътиқоддан келиб чиқиб, хатти-ҳаракат қилишдан иборатдир. Бинобарин, жамики иймон тури киши амалий фаолият ва хулқ-атвори дастури сифатида намоён бўлади.

Диний иймон билан бирга инсон тажрибаси, билими туфайли юзага келган дунёвий иймон ҳам бор. Дунёвий иймон мазмунини олам ва одам ҳақида сўнгти икки ярим минг йил мобайнида кашф этилган илмий-фалсафий билимлар, меҳнат аҳлининг тўплаган ҳаёт тажрибаси, ижтимоий хотираси, турлитуман удумлар, урф-одатлар, расм-руsumлар, анъаналар ва улар замиридаги билимлар ташкил этади. Дунёвий иймоннинг ўзаги одамийликдан иборат бўлиб, унинг таркибига кирадиган унсурлар, қирралар, жиҳатлар фойт турли-тумандир. Одамийлик деганда халқимиз узоқ тарихи давомида турли синовлардан ўтиб сайқал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзидан эъзозланадиган ахлоқий қадриятларни тушунсак бўлади. Одамийлик гояси халқимизнинг бутун турмуш тарзига, урф-одатлари ҳамда анъаналарига, унинг мислсиз бой оғзаки ва ёзма ижодига, мумтоз адабиётимиз ва санъатимизга сингиб кетган бўлиб, ҳозирча чукӯр ўрганилиб умумлаштирилгани йўқ. «Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин», «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл», «Ўзингта раво кўрмаганни бошқага раво кўрма», «Ёмон ўз ғамида, яхши эл ғамида» сингари ҳикматларда аждодларимиз ардоқлаган инсонийлик қадриятларининг бир заррасигина акс этган, холос.

Диний ва дунёвий иймоннинг моҳиятида андак тафовут бўлса ҳам, уларнинг мазмуни ва шаклий тузилиши бир хил. Чунончи, диний иймонда кўпроқ Оллоҳга, дунёвий иймонда эса одамийликка, чин инсонийликка урғу берилади. Уларнинг ҳар иккови ҳам аслида кишини чинакам, бош ҳарфлар билан ёзилувчи ИНСОН бўлиб тарбия топишига қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустамлакачилик ва қарамалик, қатағонлик йиллари халқимизнинг минг йиллар давомида таркиб топган ҳам диний, ҳам дунёвий-ахлоқий иймонига қақшатғич зарба берилди. Олис мозийдан қувват олиб тобора

равнақ топиб келаётган диний иймон назарий жиҳатдан коммунистик мағкуранинг ашаддий душмани дея эълон этилиб, амалий жиҳатдан аёвсиз таъқиб ва тазийқ остига олинди, турли йўллар билан таҳқирланди, иймонига содиқ бўлган минглаб диндорлар, аввало, руҳонийлар жисмонан йўқ қилиб юборилди.

Дунёвий иймон эса машъум синфиийлик мезонига солиниб сохтачаштирилди, бузиб талқин этилди. Оқибат шунга олиб келдики, ҳатто энг яқин туғишганлар, яъни ота-она, она-бала, ака-ука, опа-сингиллар ҳамма-ҳаммаси бир-бирига ашаддий душман қилиб қўйилди. 70 йил мобайнида кишиларимиз ҳам диний, ҳам дунёвий иймонига зид файриинсоний руҳда тарбияланиб келди. Миллатимиз кишилари орасида ўз иймонига қарши замона зўравонларига ялтоқилик, хушомадгўйлик, чақимчилик, таъмагирлик, пораҳўрлик, фирромлик, хиёнаткорлик, риёкорлик, хуллас тил билан дилнинг, дил билан амалнинг бошқа-бошқалиги, иймонига зид сингари ахлоқий иллатлар болалаб кетди. Диний ва дунёвий иймон майиб-мажруҳ ҳолатга келтирилди.

Иймон кишилиқ ҳаётида шу қадар ҳал этувчи мавқега эгаки, усиз чин маънодаги дин ҳам, ахлоқ ҳам, инсон ҳам, демакки жамият ҳам бўлмайди.

Юқорида айтганимиздек, дунёвий иймонда кўпроқ инсон ахлоқидаги одамийликка ургу берилади. Кундалик ҳаётда иймон сўзи кенг қўлланилади. Бунда кўпроқ дунёвий иймон маъноси кўзда тутилади. Чунончи ҳалқимизда айрим кишиларнинг ўта ахлоқсизлик хатти-ҳаракатига нисбатан «иймонсиз» деган ҳақоратомуз ибора ишлатилади. Бу ҳақорат замирида Оллоҳга ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган, худосиз маъноларидан ташқари виждонсиз, виждонфуруш, ярамас, разил, диёнатсиз каби дунёвий иймон ҳам акс этган. Бу шундай ашаддий диний ва дунёвий ҳақоратки, ўтмишда шу ҳақоратга асоссиз дучор бўлган ориятли кишилар ҳақорат этувчи кимса устидан қозига шикоят қилишгача борган. Иймони йўқ кишилар эса маҳалла-кўйда, яқин кишилари орасида лаънатланган ҳисобланган, ундай кишилар билан муомала қилинмаган, охирокибатда орияти дош беролмаса кўчуб кетишгача борилган.....

Бизнингча, замондошимиз бўлмиш одамларни, Сиз каби ёшларни иймонли сифатида қуйидагича тавсифлашимиз мумкин: эътиқодли, ўзининг аниқ маслагига эга, тақводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-ҳаёли, виждонли, ан-

дишали, инсофли, камтарин, ҳалол ва пок, тўғри сўз каби фазилатлар соҳибидир.

Демак, инсонийликнинг муҳим шартлари диёнатлилик, меҳр-шафқатлилик, поклик ва ҳалолликни иймон тушунчаси ўз ичига олади. Чунки, фақат иймон соҳиби бўлган инсондагина диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик бўлади. Иймонсиз кишилардан уни кутиш мумкин эмас. Ана шу ва бошқа фазилатлар бўлмагани учун ҳам баъзи одамларга нисбатан иймонсиз сўзини ишлатамиз.

Иккинчи масаланинг баёни: Энди иймонлиликнинг баъзи категорияларини қисқа изоҳлашга ўтамиз. Уларнинг мазмуни, моҳияти ва амалий аҳамиятини чукур англаб олмоқлик ва ўзимизнинг кундалик хатти-ҳаракатимиизда амал қилмоқлик бизни ҳар дамда юксак инсонийликка, комилликка томон элтади, демакки иймонимиз мустаҳкамлана боради. Иймоннинг боши - тақво. Тақво - ҳар нотўғри ишга қўл уришда Оллоҳдан қўрқиш, ёмон ишлардан сақланиши. Оллоҳдан қўрқувчи банда оиласда, жамиятда ҳалол яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратда жавоб беришини ўйлаб, бироннинг ҳақигига хиёнат қилмайди, тўғри бўлади, порахўрлик қилмайди, қасамхўр бўлмайди, бирони алдамайди, ёлғон гапирмайди, кишиларга, ватанга хиёнат қилмайди ва бошқалар. Илоҳи ҳаммамизга ҳам тақводор бўлиш насиб этсин. Бу ўзимизга боғлиқ. Шарм-ҳаё ҳам иймонлилик белгиси саналади. Шарм бу сўз ҳар бир одамнинг ножӯя, ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифларда айтилишича, одам, энг аввало ўзидан уялиши керак. Ножӯя, ёмон қилмиши, хатти-ҳаракати учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ножӯя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзидан уялмаган одамда шарм бўлмайди. Демак, шарм одам ўз ножӯя ҳаракати учун ўз виждони, диёнати олдида жавоб бериш ҳисси, десак бўлади.

Ҳаё бу ўзбекча уят демакдир. Ҳаёсиз, беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, одоб - ахлоқсиз киши тушунилади. Ҳаё эркак кишига нисбатан аёлларда табиатан кўпроқ бўлади. Эркак киши бемалол айтадиган баъзи сўзларни, аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айта олмайдилар, ҳаё уларга йўл бермайди. Ҳаёли бўлиш, бў фақат уятли сўзни айт-маслиқда эмас. У бундан ҳам кўра кенгроқ маъно ва мазмунга эга. Шарм-ҳаёли бўлиш инсонни ҳайвон сингари тубанлашиб кетишдан сақлайди. Ўз ножӯя хатти-ҳаракатидан уялиш ҳисси

фақат одамларгагина хос хусусият. Фарзандларимизни шарм-ҳаёли қилиб тарбиялаш оиласдан бошланади. У миллий тарбия-нинг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Иймонли бўлишнинг белгиларидан бири ор-номус ҳисобланади. Ор қилиш одамнинг ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш, уят ва но-мус қилиш туйғусидир. Ор яна бирор нарсадан ҳазар қилиши ҳам билдиради.

Орият эса ор-номусдан ташқари иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўzlари ва оиласарининг, туғишганларининг иззат-нафси, қадри, ҳурматини юксак тутиб, бошқалар томонидан топталиши, ҳақорат қилиниши ва ҳурматсизланишига лоқайдларча қараб турмайди, туролмайди.

Номус - бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари киши-нинг ўз мавқенини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғусини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ифодалайди. Кўпинча, бирор кишини, унинг оила аъзоларини, аждодларини ноҳақ ҳақоратласалару, у киши бунга бепарво, лоқайдларча турса, ундейларга қаратса сенда ор-номус, орият борми ўзи, деб хитоб қилинади. Бизнинг отабоболаримиз, ҳалқимиз қадимдан ор-номусли, ориятли бўлиб келган, шунинг учун улар ўз юртини, унинг тупроғини, онала-ри ва фарзандларини бошқа босқинчилар томонидан топтали-шини ўzlари учун ор деб билганлар. Кўринадики, ор-номус, орият моҳиятида ватанпарварлик, ҳалқпарварлик туйғулари яшириниб ётади.

Иймонли бўлишнинг яна бир белгиси одамнинг диёнатли, виждонли бўлишидир. Диёнат ва виждон бир-бирига яқин тушунча. Диёнат ва виждон одамлардаги инсоф туйғусига ҳамоҳангдир. Диёнат ва виждон кишининг қундалик фаолияти, қилмиши, феъл-автори учун авввало ўзи олдида, қолаверса ои-ла, жамоат, жамият ва ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан fazabga келади, уларга қаршилик билдиради; ўз фаолияти-нинг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон то-монларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобига учрайди. Ўзини билган одамга виждон азобидан оғирроқ жазо йўқ. Шунинг учун ҳалқимизда виждон азоби гўр азоби деган мақол бор. Бу мақолнинг тагида чуқур маъно ётади.

Меҳр-шафқатлилик ҳам иймоннинг белгиларидан биридир. Юқоридагилар каби меҳр-шафқат ҳам халқимизга хос хусусият саналади. Меҳр-шафқат одатда етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, фарибларга, ногиронларга нисбатан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш туйғуси, десак бўлади. Бизнинг мустақил Республикамиз раҳбарияти ота-боболаримиз удумини давом этириб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар ва ҳеч кими йўқ қариялар, шунингдек ногиронларга нисбатан юксак меҳр-шафқатлилик намунасини кўрсатаётir.

Ўзбекистон мустақилликка эришган шу қунларда одамларда, айниқса ёш авлодда поклик ва ҳалоллик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Инсоннинг инсонлиги унинг поклиги ва ҳалоллиги билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамиша пок ва ҳалол бўлишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насиҳат қилишган. Бу мусулмон одами, хусусан ўзбек ҳалқи ахлоқ-одоб қонуниятининг асосини, бошқача айтганда иймоннинг негизини ташкил этади. Поклик ва ҳалоллик эса иймоннинг асосий белгиларидан биридир. Поклик ва ҳалолликсиз иймонли бўлиш мумкин эмас. Иймонли бўлишнинг ўзи эса инсоннинг поклиги ва ҳалоллигига йўғрилгандир. Пок ва ҳалол бўлмаган одамдан эзгулик чиқмайди, унда меҳру-шафқат, орият, номус, шарм ва ҳаё бўлмайди. Кўринадики, иймоннинг барча белгилари асосида поклик ва ҳалоллик ётар экан. Мана шунинг учун ҳам бизнинг ота-боболаримиз поклик ва ҳалолликка алоҳида эътибор берганлар.

Ҳалол бу инсонлар учун рухсат қилинган яхши, ижобий ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуасидир, меҳнат эвазига топилган нарсалар, шунингдек пок ва тоза озиқ-овқатлар сирасидир. Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотикдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу кабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равshan, доимо сиҳат-саломат юради. Хоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замаҳшарий бу ҳақда шундай деб насиҳат қиласи: «Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорга хиёнату ёмонлик қиласидиган киши эса ҳалокатга гирифтдордир».

Ҳаёт, асосан оиласдан бошланади. Ўзбек халқида «қуш уясида кўрганини қиласди», деган нақл бор. Демак, ота-она пок ва ҳалол бўлса, фарзанди ҳам шу руҳда камол топади. Фарзанддаги яхши феъл ва амаллар ҳалол луқмадандир.

Хулоса шуки, поклик ва ҳалоллик иймонли бўлишнинг асосий шартидир. Инсондаги яхши ёки ёмон иллатлар унинг ийменига, яъни поклиги ва ҳалоллигига боғлиқ. Инсон ийменининг поклигига доимо шайтон раҳна солиб, уни йўлдан адаштирмоқчи, ношаръий йўлларга солмоқчи, ҳалоллик, поклик йўлидан урмоқчи бўлиб қалбida фулгула уйғотишга ҳаракат қиласди. Шуни яхши эсда сақлашимиз керакки, поклик ва ҳалоллик ёнида доимо уни шу йўлдан оздирмоқчи бўлган шайтоний васваса ҳамроҳ бўлиб юради. Озгина иймон йўлидан тойилишга мойиллик бўлса, ўша ерда дарров шайтоний ҳиссиёт бош кўтаради ва охир оқибат инсон қалбини забт этишга интилади. Шунинг учун доимо иймон, поклик ва ҳалоллик йўлида хушёр туришимиз керак. Бу, айниқса бозор муносабатларига ўтиш даврида ниҳоятда зарур.

Юқорида иймонли одамнинг асосий белгилари устида фикр юритдик. Уларнинг ҳар бирини инсон учун бир безак, деб билмоқ керак. Шу ўринда инсон учун ниҳоятда зарур бўлган бошқа бир безак устида тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Бусиз инсон баркамол бўла олмайди. У ҳам бўлса камтарлик белгисидир. Камтарлик одамни безайди, обрўсини оширади, дўстларини кўпайтиради.

Камтарлик инсон ички маънавий дунёсининг намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида, қалбida юмшоқлик, саховат, одоб-андиша, шарм-ҳаё, ор-номус, орият бўлмаса, минг ҳаракат қилмасин, барибир, одамлар кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

Ўзбек халқи урф-одатида, миллий қадриятларимизда такаббурлик қилувчилар, фирибгарлар, мақтанчоқлар, манманлар кескин қораланади. Камтарга камол, манманга завол, деган ўйтитлар беҳикмат эмас.

Тарихчи Хондамир «Мукомириул-ахлоқ» китобида: «Бошингта такаббурлик ҳавосини келтирма. Чунки такаббурлик билан ҳеч ким бирор жойга етган эмас. Гўзаллар зулфи каби шикастликни (камтарликни) одат қил, бу билан ҳар нафасда минглаб кўнгилни овлайсан», - деб кўрсатган эди.

Хуллас, ҳар биримизни иймон, поклик ва ҳалоллик, орномус, шарм ва ҳаё, камтарлик, қўйингки инсонни безовчи гўзал хулқ-одоб, ахлоқ тарк этмасин.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Иймон; диний иймон; дунёвий иймон; иймонлилик; иймонсизлик; инсонийлик; диёнат; адолат; меҳр-шафқат; эътиқод; поклик; ҳалоллик ва вафодорлик; шарм ва ҳаё; номус; номуслилик; камтарлик; «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл»; «Камтарга камол, манманга завол».

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Иймон деганда нимани тушунасиз?
2. Диний ва дунёвий иймонни қандай тушунасиз?
3. Инсон иймонлилиги қирраларини изоҳланг.
4. Инсонийликнинг муҳим шартлари нималардан иборат?
5. Иймонлилик тушунчаларини сананг.
6. Нима учун поклик ва ҳалоллик иймонли бўлишнинг асосий шарти саналади?
7. Инсоннинг камтарлик фазилатлари нималарда деб биласиз?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Т., Ўзбекистон, 1994 й.
2. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва ҳалқ манфаатлари ҳар нарсадан улуғ. Ҳалқ сўзи, 1998 йил 11 ноябр.
3. Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин. Ҳалқ сўзи, 1998 йил 14 ноябр.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 й.
5. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйгуси. Т., 1996 й.
6. Саъдуллаев Д. Иймондан айрилган баҳтли бўлмас. Мулоқот, №2, 1998й.

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, УНИ МУСТАҶКАМЛАШ ВА  
МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ШАХС  
МАЊНАВИЯТИ БЕЛГИЛАРИ. ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК,  
ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК, ДАВЛАТ ТИЗИМИГА ҲУРМАТ  
ВА ФУҚАРОЛИК БУРЧИГА САДОҚАТ ШАХС МАЊНАВИЙ  
БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИ**

**Режа:**

1. Миллий ўзликни англаш, унинг моҳияти.
2. Ҳуқуқиий саводхонлик - мањнавий етуклик мезони.
3. Демократиянинг мањнавий-маърифий жиҳатлари.

**Биринчи масаланинг баёни.** Ўзини ўзи чуқур англаб етган, кўзи очилган, ақли расо, foявий-сиёсий жиҳатдан уйғонган ва жипслашган халқ ва миллатни, ўтмишда бўлганидек, мустамла-качилик кишанларида ушлаб туриш, тили, маданити, қадриятларини оёқ ости қилиш, бойликларини талаб кетиш, ҳуқуқларини паймол этиш, давлат мустақиллигидан жудо қилиш асло мумкин эмас.

Ўз-ўзини англаш бу халқнинг, миллатнинг ўтмиш тарихий тараққиёт йўлини, ота-боболари, насл-насаби, авлоду-ажоддодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига кўшган буюк ҳиссаларини билиб олишdir.

Миллий ўзликни англаш миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб этиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч файратини ишга солиш демакдир. Миллат мавжуд бўлиши учун тил, ҳудуд ва мањнавият асосий шарт бўлгани каби миллий ўзликни англаш ҳам асосий зарурий шарт ҳисобланади. Ўзликни англаш ўз моҳиятига кўра миллат ва элатлар учун хос бўлган мањнавият хусусиятларини ифода этиб, ўз функциясига кўра миллий манфаатларни ҳимоя қиласи.

Шундай қилиб, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва мањнавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга

**мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни англаш, деб аталади. Миллий ўзликни англаш миллат бирлигининг мустаҳкамлигини, миллат манфаатларининг, шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини англаш даражаси билан боғлиқdir.**

Миллий ўзликни англаш реал ҳаётда миллат шаъни, қадрқиммати, обрў-эътибори поймол этилганда ёки миллатнинг манфатларига нисбатан иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлари бошланиб кетган ҳолатларда янада кучли ва яққол намоён бўлади. Бундай ҳолатда, миллатнинг барча вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, қайси даражада бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар ўзаро бирлашиб кетадилар ва миллатнинг манфаатларини ҳимоя қиласидар.

Миллий ўзликни англаш миллатнинг тил, урф-одатлар, анъ-аналар, қадриятлар, худуд ягоналиги, **маънавиятдаги ўзига хослигидан иборат белгилари каби миллатнинг мустақил белгиси ҳисобланади**. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил белгиси эканлиги миллий манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллий тараққиётга эришиш ва унинг жаҳон тараққиётидаги ўринини мустаҳкамлаш заруриятини англаш билан белгиланади.

Миллий ўзликни англаш омилининг қудрати қўйидаги шароитларда кўпроқ намоён бўлади:

Биринчидан, агар миллий ўзликни англаш ривожланган бўлса, юқорида қайд этганимиздек, миллатнинг манфаатларига, айниқса шаъни, қадр қиммати, обрў-эътибори, гурури поймол этилишига қаратилган ҳаракатлар юзага келган шароитларда, миллатнинг барча вакиллари бирлашиб кетадилар, ҳатто миллатнинг ичida ўзаро муҳолафатда бўлган томонлар ҳам миллатнинг шаъни, гурури, обрў-эътиборини ҳимоя қилиш манфаати йўлида бирлашадилар.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш руҳий, ҳис-ҳаяжон, эҳтирос омилидир. Мазкур ҳолат ташқаридан қараганда сезилмайди. Уни миллатнинг хатти-ҳаракатларида, интилишларида ва мақсадларини амалга оширишларидағи салоҳияти орқали билиб олиш мумкин бўлади.

Руҳий ҳис-ҳаяжон ва эҳтиросларнинг «портлаши» миллатнинг характеристи, хусусиятлари, миллий ғояларни яратувчи, унинг тараққиётida олдинги сафда турувчи зиёлиларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Учинчидан, миллий ўзликни англаш омили фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки миллий тараққиёт жараённада, унинг олдида юзага келадиган ички муаммоларни ҳал қилиш ҳамда миллатни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи вазифани ҳам бажаради. Бу муаммолар мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда содир бўлиши мумкин.

Тўртингчидан, миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси сифатида, фақат унинг манфаатларини ифодалаб ёки ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки шулар билан бирга унинг абадийлигини таъминлаб турувчи мустаҳкам қўргон ҳамдир.

Сиёсий маънавияти, миллий онги ривожланган, миллий жиҳатдан ўзини ўзи англаб етган ҳалқ, миллат мустақилликнинг буюк кучига айланади. Миллатнинг, ҳалқнинг куч қудрати унинг сони билан ўлчаммайди, балки сиёсий етуклиги, миллий онгнинг ўсганлиги, миллий ғурури, миллий ҳиссиёти, миллий туйғунинг қай даражадалиги, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий ўюшганлиги билан белгиланади. Бунга яна Болтиқбўйи республикалари ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатса бўлади. Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш миллатнинг энг муҳим белгиси, унинг ривожланиши ва келажагини таъминловчи омили ҳисобланади. Мустақилликни қўлга киритиш ўзбек ҳалқи ҳаётида миллий ўзликни англаш йўлидаги буюк инқилоб ҳисобланади. Чунки чоризм томонидан бу ўлканинг босиб олиниши оқибатида Туркистон ҳалқларининг маънавияти, маърифатига етказилган катта зарарлар ва Россияяда амалга оширилган Октябрь тўнтаришидан кейин ўрнатилган Шўролар ҳукумати томонидан давом эттирилган зўравонлик сиёсати ҳалқимизнинг ғурурини поймол этишга, унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига салбий таъсир кўрсатган эди. Шўролар даврида ўзбек миллати номи фақат собиқ СССР ҳужжатларида қайд этилсада, у ҳалқаро ҳаётда мустақил субъект сифатида тан олинмай кelingган эди.

Мустақиллик учун кураш, гарчанд чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати давридан бошланган бўлса ҳам, у Шўролар тузуми даврида янада кескин тус олди. Аммо ўзбек ҳалқининг кўзга кўринган миллатпарвар фарзандларининг изчилик билан босқичма-босқич қириб юборилиши миллий ўзликни англаш жараённинг оммавий равишида юксалиш имконини бермаган

эди. 80- йилларга келиб СССР иқтисодиётидаги инқироз, унинг сиёсатда халқаро жандармга айланишга интилиши ва маънавият ва маърифатдаги қашшоқлашуви бу тузумнинг миллатларни тараққий эттиришга ноқобиллигини яна бир бор тасдиқлаган эди. Бу жараён сobiқ СССР таркибиға кирган миллатларнинг мустақилликка интилишини, ўзликни англашнинг зимдан ўсиб боришини тезлаштириб юборди. 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида миллатлараро муносабатларда турли низолар ҳамда фожиаларнинг келиб чиқиши миллий ўзликни англашнинг яширин қудрати юзага қалқиб чиққанлигини билдирар эди. Бу қудратли жараён оқибатида «метиндеқ» мустаҳкам бўлган қудратли СССР давлати ва бутун жаҳон социализм тизими ҳалокатга учради. Собиқ халқлар турмаси ўрнида мустақил давлатлар вужудга келиб, миллатларнинг ўзлигини англашга интилиши кучайиб кетди. Ана шу мураккаб кураш жараёнини ўз бошидан кечирган ўзбек халқи мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ўзининг мустақил миллат мақомини тиклаш учун дадил ҳаракат қилди. Хусусан, мустақиллик йиллари босиб ўтилган тарихан қисқа давр мобайнинда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта ишларни амалга оширди. Бу йилларда миллатимизнинг ўзлигини англаши жадал ривожланиб борди. Бу миллий ўзликни англаш жараёнининг юксалиб бориш хусусиятлари қўйидагиларда намоён бўлди:

**Биринчидан**, сobiқ тузум шароитида маънавий-маърифий соҳаларда бу тузумни мадҳ этувчи ишлар зўравонлик ва маккорлик билан қайси шаклда ва усулда амалга оширилмасин, миллатимизнинг дунёқарашини бутунлай ўзгартира олмади. Халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига қайтиш кайфияти ва руҳияти билан яшаб келди. Чунки шўролар тузуми бермоқчи бўлган маънавият ва маърифат, уни шакллантириш миллий маданиятлар ривожланишининг объектив қонунларига асосланмай, балки субъектив кучнинг, яъни коммунистик мағкуранинг зўравонлигига таянган эди. Бундан ташқари, сobiқ тузум бермоқчи бўлган маънавият ва маърифат миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва шу асосда бойишига эмас, балки рус миллати маданияти ва маърифатини бошқа миллатларга сингдиришга қаратилган эди.

Собиқ совет жамияти маданиятининг модели назарий жиҳатдан асосланган бўлса ҳам, аммо у амалда мавхум тушунча эди (мазмунан социалистик, шаклан миллий). Моҳият жиҳатдан

эса ўзбек халқи аждодлари томониданн асрлар давомида яратилган ва бугунги авлодларга мерос бўлиб ўтган маънавият ва маърифатга мутлақо зид эди.

Мустақилликка эришишимиз билан бундай ҳолатларга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барҳам берилди.

Иккинчидан, мустақилликнинг дастлабки босқичларида миллий ўзликни англашнинг характерли хусусияти шунда бўлдики, миллий қадриятлардан кўра диний қадриятларни кўтариш устиворликни ташкил қилди. Бунинг объектив сабаби бор эди. Хусусан, ўзбек халқи маънавияти ва маърифати ривожланишининг шўролар тузуми ўрнатилгунгача бўлган даври ислом маънавияти ва маърифати билан чамбарчас боғланган бўлиб, у миллатимиз онги ва руҳиятининг муҳим қисмини ташкил қилиб келган. Ҳудди шунинг учун ҳам большевиклар исломга қарши кураш йўли билан миллатни ҳам йўқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаганлар ва шу сиёсатни изчилик билан амалга оширишга интилганлар. Уларнинг бу ҳаракатлари бежиз эмас эди. Чунки Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, авало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади»<sup>1</sup>. Мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихий хотирани ва диний қадриятларни тиклаш миллий тикланишининг, ўзликни англашнинг муҳим омили сифатида устивор бўлиб келди. У миллий бирликни мустаҳкамлашда ва миллий тараққиётни янги босқичга кўтаришда амалий аҳамият касб этди.

Учинчидан, миллий ўзликни англаш жадал суратлар билан ўсшиб кетишига қарамасдан, Ўзбекистонда миллатлараро ва фуқаролараро низоларнинг бўлмаганлиги, уларнинг олди олинганлиги ўзбек миллати учун вазминлик, бағрикенглик ва бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат кабилар хос бўлган хусусиятлардан саналади. Аслида, 1990 йилларда сobiқ СССР тизимида бўлган сobiқ иттифоқдош республикаларда бўлгани каби парокандалик, тараққиёт йўлиниң ноаниқлиги Ўзбекистонда ҳам бўлган эди. Аммо ўзбек халқининг ўзига хос теран ақл-заковати, босиқлик, вазминлик хусусиятлари, унинг раҳбари Ислом Каримовнинг вазиятни тўғри англаб, шунга мос равишда сиёсат олиб бориши парокандалик йўлига тўсиқ қўйди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й, 11-бет.

Тўртинчидан, ўзбеклар ўз атрофида яшаётган бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, ўзбек халқига хос меҳр-оқибат туйгуларини сақлаб қола олганлиги миллий ўзликни англашдаги яна бир хусусият ҳисобланади. Ваҳоланки, мустақилликка эришган айрим республикаларда мустақиллик шарофати олдида довдираб, ўз атрофларида яшаётган, яқиндагина қардошмиз деб юрган миллат вакилларига ҳурматсизлик билан қараш юз берганлиги сир эмас. Ўзбекистонда бундай ҳол юз бермаганлиги, халқимизнинг юксак маънавиятини кўрсатади.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз - бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатларо ва фуқаролараро тотувлиқдир»<sup>1</sup>.

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир Ўзбекистонлик фуқаро миллатлараро тотувлиқ, дўстлик қоидаларига содиқ бўлиши кепрак. Чунки, мустақил давлатимизнинг келажаги биринчи навбатда, ўзбек халқининг миллий ўзлигини қанчалик англаштаги мамлакатимиз ҳудудида ўзбеклар ва бошқа миллат, халқ вакиллари билан ёнма-ён истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг миллати, дини, тили ва эътиқодларидан қатъи назар, бир-бирининг кўнглини ола билишига, улар ўртасида дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига боғлиқ. Ҳозир Ўзбекистонда 136 миллат ва элат вакиллари тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Улар ўзбеклар билан бир қаторда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-руссумларини тиклаш, тарихий ватан билан алоқа ва муносабатларни боғлашга, миллий ҳис-туйгуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиб берилган. Бу эса мамлакатимиз барқарор ривожланишининг кафолатидир.

Хуллас, миллий ўзликни англашни ўстириш йўлида мустақилликни мустақамлашга фидойи бўла оладиган, жонкуяр, – Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, «**Биз фидойи ватанпарварларни тарбиялашимиз**», «**Элим деб, юртим деб яшовчи, шу йўlda ҳатто жоини ҳам аямайдигаи**», «**ўзидан сўнг озод ва обод Ватан қолдирадиган**» фарзандларни тарбиялашимиз замон ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 9-бет.

**мустақиллик талаби.** Бунга юртимизда яшаётган ҳар бир киши миллиатидан қатын назар масъул бўлмоғи лозим. Ёшларимиз тафаккурида ўзлигини унумаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб, гуур ва ифтихор билан яшашига эришиш маънавий тарбия ишимизнинг марказида турмоғи лозим<sup>1</sup>.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишимиз, тараққиётимизнинг муҳим шарти, миллатимизнинг жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнини тиклашнинг ва азалдан унинг маънавияти юксак бўлганлигини тасдиқлайдиган омиллар ҳисобланади.

**Иккинчи масаланинг баёни:** ҳар қандай мустақил давлатда халқнинг эркин яши, фаровон турмуш қуриши, ҳоҳиш-иродасининг амалга оширилиши, эзгу мақсад ниятлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши лозим.

Шу кафолат ватан тараққиётини, давлат мустақиллигини, халқнинг жипслигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, мустақилликнинг барқарорлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Юқорида айтилган кафолат республикамиз конституциясида ўз ифодасини топган. Бу ҳақда президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари конституяда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш, ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш», -деб кўрсатган эди.

Олдимиизга қўйган юксак мақсадларга эришиш учун бугунги Ўзбекистонга эркин ва равон фикрлай оладиган, унинг ҳаётида фаол иштирок эта биладиган, ўз сўзини айтишга қодир, ўз вазифа ва бурчларини тўғри англаб етган фуқаролар зарур. Бундай фуқарони тарбиялаш замон, тараққиётимиз талаби. Бунга қандай эришиш мумкин?

Демократик ҳуқуқий давлатнинг бунёдкорлари ҳуқуқий маданияти, тарбиясини тўғри йўлга қўйиш билан мақсадимизга

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А.Миллий истиқлол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Тошкент., Ўзбекистон, 2000 йил, 11-бет.

эриша оламиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, Сиз каби ёшлар қомусимиз ва бошқа қонунларни ўрганиб олишлари зарур. Конституцияни билмаган, пухта ўрганмаган киши ўз ҳақ-хуқуқларини билмайди. Ҳуқуқини билмаган одамнинг ҳаёти охир оқибатда фожиали тус олиши мумкин. Бунинг яққол мисоли Президентимизнинг юқорида қайд этганимиз нутқида ҳам кўришимиз мумкин: «Мадомики мақсадимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан, -деб нутқини давом эттирган эди юртбошимиз, – авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўлаяпти?» Бу ўринда Президентимиз бундай қалтис хатти-ҳаракатларга кўл урган кимсаларнинг қонунни билмаслиги, билса ҳам унга менсимасдан қарashi, ҳурмат қилмаслигига эканини, уларда ҳуқуқий маданиятнинг йўқлиги, етишмаслигини айтмоқчи.

Шундай экан, табиий равишда ҳуқуқий маданият нима деган савол туғилади? Ҳуқуқий маданият бу қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга тадбиқ этиш, ижросини таъминлаш ва ҳар бир шахсни, фуқарони ижтимоий ҳаётда фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш жараёнидир. Ҳуқуқий маданиятни, аввало, инсоннинг ички дунёси, ички маданияти, умуминсоний анъанааларга ва ҳуқуқий билимларга бўлган муносабатлари белгилайди. Шахснинг ички маданияти унинг ташки одобини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малака ва билимларини ишга солиб фаол қатнашади.

Кўпинча кишилар ҳуқук, қонун, бурч, адлия каби атамаларни, баъзан тасодифан қонунбузарлик қилиб қонун олдида жавобгарлик ҳолатига тушиб қолганларидагина эслайдилар. Нега қонунга рўпара бўлдинг, деб сўралганда «Бундай бўлишидан хабарим йўқ эди» -деб кўзини милтиллатиб, адвокатдан најот кутиб турадилар. Шуни яхши англашимиз керакки, қонунни билмаслик ҳеч қачон айбни енгиллаштирмайди. Биз қонунга менсимаслик билан қарасак, уни ўрганмасак, ҳурмат қилмасак шундай нокулай аҳволга тушиб қоламиз. Қонунни билиш, ҳурмат қилиш жиноятдан, жиноий оламдан йироқ юришнинг бирдан-бир йўлидир. Қонунга ҳурмат инсон маданияти ва

маънавияти бўлиб қолганда, бундай жамиятни бошқариш ҳам, адолатни қарор топтириш ҳам осон бўлади.

Мана шунинг учун ҳам ҳуқуқий саводхонликни юкори даражага кўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб қолмоги керак. Ҳуқуқий маданиятни, саводхонликни ривожлантирумай туриб қонунни менсимайдиган бузғинчилар, ўғри ва юлгичлар, товламачилар, лаганбардорлар, ахлоқ-одобсизликлар, қўрқоқлар, қотилликлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мушкул иш. Бундай қонунбузарлардан аввало одамларни, жамиятни ҳимоя қилиш зарур. Юргашимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «...давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур...

Бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиши, унга ҳуқуқий ёрдам бериши керак. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жаъми фуқаро - ёшидан, миллатидан, ирқи, динидан қатъи назар – барча баробар бўйсунмоғи фарз». Яна Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, қонун қоғозда келиб кетса, жамият асло равнақ топмайди, қонун амалда бўлиши лозим.

Юқоридагиларни бажариш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш адолатли давлатнинг маънавий ва маърифий вазифаси. Бизнинг вазифамиз эса фуқаролар манфаатини кўзловчи қонунларга тўлиқ риоя этишдан иборат.

Учинчи масаланинг баёни. Демократия «Халқ ҳокимияти» демакдир. Демократия кишилик тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб, унинг эрк-иродасини, ҳоҳиш истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Инсоният жамияти тараққиётининг ҳар бир янги даврида демократия ҳам янгидан-янги мазмун, моҳият ва шакл касб эта борган.

Демократия жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатларини, аҳоли умумий дунёқарашини ўзида акс эттиради.

Демократия тушунчаси негизида аҳолининг озодлик, ҳурияятга эришиши, эркин яشاши, ҳақиқат ва адолат сингари мазмун ётади. Буюк бобомиз Амир Темурнинг «Куч адолатда» деган сўзи негизида ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам, фуқаролик жамиятининг ҳам айрим белгилари, foят инсонпарварлик мазмуни ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг барча эркинликлари ҳам мужассамлашган. Юқорида айтилган фикрлар ҳозирги замон демократик ҳаракатлар илфор тажрибасининг ўқ илдизини, бош йўналишини ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мүмкінки, қадимий шарқ давлатчилигіда инсон әркі, ҳақ-хұқықлары күп жиҳатдан ұмома қилинган, ұмда үз даврининг талаб ва эхтиёжларидан келиб чиқиб, инсон озодлиги ва хатты-харакатлары әркинлиги таъмин этилған зди. Булар айни демократик жамиятининг муҳим ва асосий белгиларидан ұсқобланади.

Әнди биз бутунлай янги тарихий шароитта яшаяпмиз. Бундай шароитта демократияни шунчаки «Озодлик», «Эркинлик», «Халқ қокимиғи» сифатида содда равишда тушунмаслигимиз керак. Демократиянинг ҳар бир элементи янгича чуқур мазмун билан бойиб бораяпты. Чунончи, демократиянинг маданияти, маърифати одамлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган низо, муроса ва яқдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифаларини ҳам қамраб олмоқда. Одамлар онги ва тафаккури кенгайгани сари, уларнинг демократияга муносабатлари ҳам ўзгармоқда.

Тоталитар тузумдан әркин фуқаролик тузумига ўтилаётган бир шароитта демократияни англаш, унинг моҳиятини тушуниш ва масъулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Энг аввали, одам янгича шароит мазмун-моҳиятини англаши, унга ўз-ўзини тайёрлаб бориши, әркин яшаш ва әркин фикрлараш кўникмасини ҳосил қилиши даркор. Ҳар бир фуқаро маънавий-руҳий жиҳатдан унга тайёр бўлиши лозим. Қотиб қолган тушунчалар қобиғини синдириш, фикрсизлик ва танбаллик, боқимандалик руҳиятидан холос бўлиш осон эмас. Биз ҳозир ана шундай муракқаб жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Демократия бир йўла қурилган бино ёки доимий бир хил тарзда ўзгармай турадиган буюм эмас, балки у доимий ҳаракатдаги жонли ҳодисадир. Айни пайтда у жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини-ўзи тўлдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда янгича мазмун касб этиб борувчи тарихий воқеликдир. Қисқаси демократия тажрибага асосланган ва доимо мазмунан бойиб, шаклан такомиллашиб, моҳиятан чуқурлашиб борадиган доимий ва узлуксиз ҳаракатдаги фаолиятдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни олий мақсад қилиб қўйди. Унга эришишнинг ягона йўли эса демократияни чуқурлаштиришdir.

Шуни айтиш керакки, демократик жамиятни барпо этишнинг тамойиллари, дунё тан олган, эътироф этган, барча учун умумий бўлган ўз йўриқлари мавжуд. Буларга қўйидагилар киради. Бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш хуқуқига эгалиги, озчиликнинг кўпчиликка буйсуниши, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг хуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, сайлаш ва сайланиш хуқуқи ва бошқалар. Булар деярли барча мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қатъий белгилаб қўйилган демократиянинг тартиб қоидаларидир.

Демократияни ҳаётга жорий қилишда мамлакат халқининг миллий эҳтиёжлари, турмуш тарзи, ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ёндашиш керак бўлади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамма халқлар учун демократияни бирдай жорий қилишнинг бир хил қолипи бўлиши мумкин эмас. Мана шундан демократиянинг гарб ва шарқоналиги ҳақидаги қарашлар юзага келиб чиқсан. Бу ҳақда Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар фоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам «Ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб айтганлар. Табиийки бундай йўл бизга асло тўғри келмайди<sup>1</sup>», деганда демократияни жорий этишнинг босқичмабосқич, аста-секинлик билан, одамлар онги ва қалби орқали амалга ошириш каби ўзбекона тамойиллари мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиликка эришган дастлабки кунларда Туркия, Олмония, Франция, Англия каби мамлакатлар бизга ўз тараққиёт дастурлари ва моделларини тавсия этдилар. Тўғри бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд.

Бироқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу таклифларга ўзининг аниқ муносабатини билдири. Бу масалага ҳар бир мил-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 10-11 бетлар.

**латнинг турмуш тарзи, руҳиятидан келиб чиқиб ёндашиш зарурлигини айтди.** Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўронга кўчириш асло самара бермайди. Бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, гарб демократиясини тўғридан-тўғри шарқ мамлакатларида жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш кутимаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Эркинликка ортиқча йўл бериш давлат ва бошқарув аппаратининг бўшашиб кетиши, ҳокимият жиловининг ўз ҳоҳишига қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига оғир кулфатлар келтириши билан яқунланишини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Гарб демократиясида очиқдан-очиқ муносабат, кескин инқилобий ҳаракат устунлик қиласи. Шарқ демократиясида эса аксинча андишалилик, босиқлик; Гарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда ўзидан катталарга, оқсоқолга ҳурмат билан қараш, босиқлик билан иш тутиш анъаналари мавжуд.

Баъзи одамлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш фақат қофозда, шунчаки оғзаки гап, амалда фуқароларнинг барча имкониятлари чекланаётир, деб даъво қилмоқдалар. Бу гапни айтганлар нуқул Ўзбекистонни Америка, Олмония, Франция, Англия ва бошقا бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштиришга уринадилар. Бу ўринда бир нарсага эътибор беришимиз талаб этилади. Юқорида қайд этилган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўплланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз йил ва ундан ҳам ортиқ йиллар мобайнида, оғир кураш ва синов йўлларидан ўтиш орқали вужудга келган. Мустақил Ўзбекистонда тарихан қисқа вақт мобайнида, кечаги кундан бугунги кунга ўтган куннинг ўзида Гарб давлатларида гидек кенг миқёсли тадбирни амалга оширишини талаб қилиш ақлга сифмайдиган ҳолат. Одамлар дунёқарashi, фикрлаш тарзи ва онглилик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Шахснинг фақат ўзини ўйлаши, барча ташабbusлар остида ўз манфаати туриши, шахсий ғамхўрлик, ўзи учун яшаш, ўзгани ўйламаслик, барча умумий манфаатлардан ўз манфаатларини устун қўйиш каби кайфияти демократиянинг чуқурлашишига тўсқинлик қиласи. Боз устига асрлар давомида ҳалқ турмушига айланган қадриятларга ҳам зиддир.

Энди демократияни қандай тушуниш кераклигини баён этиш вақти етди. **Демократия** - оңгли фикрлаш, ҳар қандай эҳтирослардан ҳоли, ақл-идроқка таянган муносабат. **Демократия** - юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти; демократияни англаш шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла риоя этиш; аниқ тартиб-ингизомларга таяниб яшаш салоҳияти; демократия бизга инсон ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиласиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиласиган барчанинг қонунларга бўйсуниб яашини ўргатади ва талааб этади. Аксинча бўлган жамиятда бошбош-доқлик, парокандалик авж олади ва оқибатда бундай жамият ҳалокатга учрайди. Шунинг учун ҳам президентимиз мамлакатимизнинг сиёсий ва давлат қурилиши соҳасидаги хусусиятларини кўрсатиб берар экан, «сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, жамитятда демократия, фикр ва виждан эркинлиги тамойилларини, гуманизм тоялари ва умуминсоний қадриятларни қарор топтириш»<sup>1</sup>ни муҳим вазифа сифатида белгилаб берди.

Мустақиллик туфайли эркинлик, демократия нималигини ва ўзлигимизни кашф этдик. То маънавий камолотга етмагунча, то хатти-ҳаракатларимиз, муносабатларимиз ақлу-идроқ ва умумий манфаат доираси билан чегараланмагунча демократияни мазмумни ҳам кўлами ҳам кутганимиз даражасида бўлмайди. Бу бевосита фуқаролар онги, дунёқарашини тубдан ўзgartириш, яқин ўтмишдан қолган лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш, шу асосда давлатимиз, ватанимиз истиқболи учун куйиниш туйғуларини кучайтириш каби мураккаб ва узоқ муддатли жараён билан боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов «...демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тортиб, кейин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин»<sup>2</sup>, -деган эди. Демак, ана шу мураккаб жараёнларга ҳар биримиз алоҳида тайёргарлик кўришимиз, ўзимизни демократияга тайёрлаб боришимиз, ички бир маънавий құдрат билан ўзимизни тарбиялаб боришимиз керак.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқбол мағкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажак-ка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й, 13-14 бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 10-11 бетлар.

## **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Ўз-ўзини англаш; миллий ўзликни англаш; миллатлараро то-түвлик; демократия; ҳуқуқий маданият; ҳуқуқий саводхонлик; демократиянинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатлари; «Шарқона демократия», «Фарбона демократия»; ҳуқуқий демократик давлат; демократик жамият; демократия – эркинлик, тенглик, меҳнат, адолат.

## **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Миллий ўзликни англашнинг моҳиятини изоҳланг.
2. Миллат ва миллий ўзликни англаш муносабатларини қандай тушунасиз?
3. Миллий ўзликни англашни мустақиллик учун курашнинг муҳим омили деб ҳисоблайсизми?
4. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда қанча миллат ва элат вакиллари истиқомат қиласиди?
5. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатни изоҳланг?
6. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик жамиятимизга нима учун зарур?
7. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни қандай тушунасиз?
8. Демократия тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини изоҳланг.
9. Шарқ ва Фарб демократиясининг муштарак томонлари ва фарқларини тушунтириб беринг.
10. Мустақил Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг қарор топиши ҳақидаги фикрингиз.
11. Демократия ва маънавият ўртасидаги муносабат нималарда ўз ифодасини топган?

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Туркестон – умумий уйимиз. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ислоҳатларни чуқурлаш-тиришнинг муҳим вазифалари. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А. Конституция кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 8 декабр 1999 й.

4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й.
6. Абдураҳмонов Ф. Мустақиллик ва миллий манфаатлар. Т., Фан, 1994 й.
7. Хўжамуродов И. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш. Т., 1991 й.
8. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳатлар сари. Т. Университет, 1996й.
9. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
10. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Т., Шарқ, 1999 й.
11. Отамуротов С. Миллий ўзликни англаш; миллий ғурур; – Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т. 1998 й.

## ШАХС МАЬНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

### Режа:

1. Шахс маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти.
2. Адабиёт ва санъат - шахс маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим воситаси.

Шахс маънавиятини ривожлантиришнинг омиллари ва воситалари кўп. Улар ҳақида олдинги маърузаларда у ёки бу муносабат билан ўз фикримизни баён этганиligимизни ҳисобга олиб, мазкур маъруза матнида асосан режада қўйилган масалаларни баён этиш билан чекланишни лозим топдик.

1-масаланинг баёни: Ўзбек халқининг энг қадимий давлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятларидан бири ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир. Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўтабар зот йўқ. Ота-она фарзандларнинг суюнчиғи, битмас-туганмас бойлигидир.

Ота-она ўз фарзандидан ҳеч нарсани аямайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари ҳам ана шунда. Ўзбек халқи одобахлоқи бўйича, кексаларнинг, ота-онанинг олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов, беминнат хизматига бир умр содик бўлиш, дуоларини олиш болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Буюк бобомиз хазрат Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «...фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдидা бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзиди! Икки дунёнг обод бўлишни истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган - бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, «адаб» сўзидағи «дол» каби қоматингни ҳам қил».

Тан олишимиз керакки, шўролар даврида кексаларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш ҳақидаги миллий қадриятларимиз бироз хира торта бошлади. Баъзи ёшларимизда ўзларидан катталарни, нуроний қарияларни ҳурмат қилиш, уларнинг насиҳатларига қулоқ солиш сингари юксак маънавий фазилатлар йўқолиб кетаётгани сезилмоқда. Эҳтимол, бошқа миллат кишилари бунга уччалик эътибор беришмас, лекин биз, ўзбеклар буни ҳис қилмай иложимиз йўқ.

Кексалар учун ажратилган уйларда фарзандлари тирик, ўзига тўқ бўлган ота-оналар яшаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Гоҳи-гоҳида бўлса ҳам, ота-онага қўл кўтариш, ундан ҳам оғирроқ жиноят қилиш ҳоллари содир бўлиб турганлигини эшитиб турибмиз! Бу - оддий нуқсон эмас, балки учига чиққан тубанлик, бағритошлиқ, миллий қадриятларимизни оёқ-ости қилиш, ўз инсонийлигини йўқотишидир. Миллий қадриятларимизга, ўзбек халқининг шаънига дод тушурадиган бундай ярамас ҳодисалар замини, илдизи, сабаби нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Шўролар даврида, авлод-аждодларимизнинг ўгитлари, панд-насиҳатлари, ажойиб анъаналаримиз тарғиб қилиниш ўрнига нуқул қораланди, ёмон отли қилинди, билъат, хурофот, деб баҳоланди. Миллий тарбия борасидаги меросимиз ўрганилмади, тарғиб этилмади. Уларнинг ўрнига таълим-тарбия борасида Европа, Русия моделини кўкларга кўтариб мақтаб, тарғиб қилиб, ёшларимизни ўз миллий қадриятларимиздан бебаҳра қилиб қўйдик. Ана шу туфайли диний-ахлоқий, оила, қўни-қўшни, маҳалла-кўйлар таъсири каби таълим-тарбиянинг ҳаёт синовидан ўтган бебаҳо бойликларидан жудо бўла бошладик. Мустақиллигимиз туфайли буларга чек қўйилди, бундай салбий иллатларни тугатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр-шафқат, ота-оналарга эъзоз, фарзандларга меҳр-садоқат каби инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, ахлоқий, маънавий жиҳатдан гўзал ва баркамол қиласиган қадриятларимиз одамлар, айниқса ёшлар қалбидан ўрин ола бошлагани қувончли бир ҳолдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий фоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд

қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Хуллас, ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онасини эъзозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги масъулияти саналади. Ота-онани эъзозлашнинг қуйидаги шарқона талабларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, фарзандлик бурчимииздир. Ота-онага таом бериш, озода қилиб кийинтириб қўйиш, касал бўлганда шифокорга кўрсатиш, керакли дори-дармонни келтириб бериш, доимо ҳол-аҳвол, сиҳат-саломатликларини сўраб туриш, ота-она олдида «ух» тортмаслик, гердаймаслик лозим бўлади. Ота-она норизо бўлган ишни қилмаслик, ароқ ичма, ёмонга қўшилма, деса уни қилмаслик ва қўшилмаслик керак бўлади. Кўчада юрганда отадан олдин юрмаслик, отадан аввал овқатга, дастурхонга қўл узатмаслик, отадан аввал ўтирмаслик, отадан кўра пойгакда ўтириш, отанинг олдида оёқни узатиб ёнбошлаб олиш бизнинг ахлоқ-одобимизга кирмайди. Ота-она чақирганда лаббай деб жавоб қайтариш, нима иш қилаётган бўлса, ҳеч иккиланмасдан дарров уларга жавоб бериш фарзандлик бурчи ҳисобланади. Шунда ота-она ўз фарзандидан рози бўлади. Ота-онанинг розилигини олган фарзанд барака топади, иши ўнгидан келади, олдига қўйган мақсадига эришади. Ота-онаси норизо бўлган фарзанд кечгача юурса ҳам, ишининг баракаси бўлмайди, бири иккига айланмайди. Турмушга чиқиш, уйланишда ота-онанинг розилигини, оқ фотиҳасини олиша ҳикмат кўп. Юқоридагиларнинг ҳаммаси биз учун бир ховуч олтин, хазина. Келгуси ҳаётимиз учун пойдевор қўйиш демакдир. Бу дунё қайтар дунё, нима эксанг шуни ўрасан, Сиз ота-онангизга нима қилган бўлсангиз, у сизга фарзандларингиздан қайтади. Бу ҳам табият қонуни бўлса не ажаб!

Энди ота-онани ҳурмат қилишнинг улуғворлиги ҳақидаги баъзи ибратли фикрларни ҳадислардан келтириб ўтамиш. «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча, Оллоҳ таоло ундан рози бўлмайди»; «Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо (жаннатдаги дараҳт) насиб бўлиб, Оллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади»; «Уч тоифа кишиларнинг дуоси, ҳеч шубҳасиз, Оллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофириларнинг дуоси ва

ота-онанинг дуоси»; «Ота-оналарнинг кексайган вақтда ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, ва яна хор бўлсин»; «Ота-онага итоат қилиш тангрига итоат қилишидир. Уни олдида гуноҳ қилиш тангри олдида гуноҳ иш қилиш билан баробардир» ва бошқалар.

Юқорида фарзанднинг ота-она олдидағи бурчи ҳақида фикр юритдик. Ота-онанинг ҳам фарзанд олдидағи бурчи ниҳоятда катта ва масъулиятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга bogliq. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб этиши керак.

Собиқ шўролар даврида узоқ вақт миллий ва маънавий тарбия четга суреб қўйилди. Оқибатда болалар тарбиясида ота-она масъулияти пасайиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки бола, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ота-она берадиган тарбия жуда муҳим аҳамиятга эга. Фарзанд тарбияси қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан холи бўлмайди. Биринчиси насл тарбияси, яъни бола тарбияси - бола туғилмасдан уч-тўрт йил олдин бошланishi керак. Яъни бўлғуси она ва отанинг соғлиғи, фарзанд тарбиялашга масъуллигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу бола, фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига масъулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутади. Иккинчи босқич ҳомиладорлик давридаги парвариш. Бу масала ўта муҳим, ўта аҳамиятли бўлиб, бизда бу энг қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даври туғилажак инсон тақдирининг 60 фоизини белгилаши кўзда тутилади. Бу даврдаги чора-тадбирлар аксарият ота-оналар томонидан амалга оширилади. Учинчи давр бола туғилгандан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола маънавиятининг асосий куртаклари шаклланиб бўлади. Сўнг ана шу маънавий куртакларни парвариша ва янада ривожлантириш даври бошланади.

Маънавий баркамоллик, балки, бешикдаги алланинг мазмунидан, болани кийинтириш-у уни ҳалол луқма билан боқищдан бошланиши мумкин. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, инсондаги яхши феъллар, амоллар ҳалол луқмадандир. Демак, ота-она фарзандини ҳалол луқма билан боқса, у фарзанд

маънан пок ва ҳалол бўлиб вояга етади. Биз шўролар замонида буни унугаётзик, аҳамият бермадик, боз устига тарбияни ҳам тузум ўз манфаатларига мослаштириб, уни ўз қўлига олди.

Хулоса шуки, бола тарбиясини доно ҳалқимиз айтганидек, у ҳали туғилмасдан ота, она ва бутун оила аъзолари ҳамжиҳатлигида бошлишимиз лозим булади.

Оlamda барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган. Жуфт бўлиб яшаш табиат қонуни, тақазоси. Лекин оила бўлиб яшаш барча маҳлуқотлар орасида фақат одам наслига хосдир.

Оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи буғини, заррачаси. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Эр ва хотин

икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам бу оиласидир. Агар оила тинчтотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод. Акс ҳолда, турмуш дўзахга айланади, оила зиндоннинг ўзи бўлади, бунинг жабрини эса эр ва хотиннинг ўзигина эмас, балки фарзандлари, яқинлари ҳам тортади.

Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади.

Энг қадимги одатимизга кўра, ўзбек оиласи ҳам тўйдан бошланади. Ҳалқимиз саховатли ҳалқ. Топганини эл-юрт олдига қўйсам, дейди. Ҳалқимизни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Агар айбласак, ўз-ўзимизни камситган бўламиз. Тўй ва маъракаларимизга ўринсиз тош отиш инсофдан эмас. Лекин тўй баҳона сохта обрў олишга интилиш, кимошарга исрофгарчиликка йўл қўйишни оқлаб бўлмайди. Тўй ва маъракаларда мусобақа эмас, хайр-саховат ва маънавият қадриятларини мустаҳкамлаш устивор бўлгани яхши.

Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий, маънавий мезонлари бор. Қуйида биз шулардан баъзилари, турмуш учун зарурлари ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топдик, зоро бу Сиз каби оила қуриш олдиди турган ёшлар учун фойدادан холи бўлмас, деган ниятдамиз. Айтмоқчи бўлган гапларимизни эшигтан бўлсангиз, яна бир бор эшигсангиз фойدادан холи эмас.

Ризқ-рўз тонгда ҳар бир одамга, оилага улашилади. Кимки ғафлат босиб, ўрнида ётаверса, ризқидан қуруқ қолади, дейилади. Барвақт турилса, иш унумли, ўша кун хайрли бўлади....

Юз-қўлни ювмасдан ҳол-аҳвол сўралмайди, юз-қўлни юв-гандан сўнг кичиклар катталарага салом берадилар, аёллар но-нушта тайёрлайдилар, қизлар-келинлар ҳовли, эшик олдини супуриб, сув сепиб қўядилар...

Иш ёки ўқишига оиласининг табаррук ёшлиларидан фотиҳа олиб кетилиши ахлоқ-одоб доирасига киради, қайтганда, аввал уларга учрашиб, салом берилади, ҳол-аҳвол сўралади...

Оила одобига кўра катта ёшлилар болаларга, балогатга етган фарзандлар, келинлар катта ёшлиларга очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайдилар, бачкана қилиқ қилмайдилар, пардасиз сўзларни айтмайдилар. Кўчага уй кийимида чиқилмайди ва бошқалар. Айтаверсак, ўзбек оиласининг фазилатлари кўп, қонунларда белгиланмаган, аммо миллатимизнинг қадрияларига айланган тартиб ва талаблари мавжуд. Уларни фарзандларимиз ўзлаштириши ҳам фарз ва ҳам қарзdir.

Шундай қилиб, оила жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбida бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Оиласининг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаш етмасдан, оиласа миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура яратолмаймиз»<sup>1</sup>. Яъни маънавий соҳадаги ва-зифаларимизни муваффақиятли амалга ошираолмаймиз.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оиласи мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Асосий қонунимизнинг «Оила» деб аталган 14-бобида қўйидаги қоидаларни ўқиши мумкин:

«63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар...

65-модда. ...Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» ва бошқалар.

Мустақил Республикамизда Оила муносабатларига алоҳида аҳамият бериладётганлигини Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида «Оила кодекси» ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида ҳам кўришимиз мумкин. Давла-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажак-ка ишончdir. 23-бет.

тимизнинг оиланинг ролини оширишга қаратилган сиёсати албатта фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтиришида катта аҳамиятга эга бўлади.

2-масаланинг баёни. Адабиёт ва санъат асарлари мустақил республикамиз фуқаролари маънавий дунёсини бойитиш, уларни гўзал нарсаларнинг ҳаммасидан баҳраманд қилиш каби ажойиб хусусиятларга эга. Маънавий тоғаси юксак, бадиий жозибали адабиёт ва санъат асарлари кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик ҳиссиётига кучли таъсир қилиш, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни чуқур мушоҳада этишга даъват этиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун адабиёт ва санъат асарларининг кишиларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги бадиий таъсир этишдек воситалик хусусиятидан имкони борича кенгроқ фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички руҳий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Маънавий тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшлиаримиз маънавий тарбиясида Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитиша катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бой бадиий-маънавий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажралиб туради.

Классик санъаткорларимиз асарларида ҳалоллик ва поклик, тўғрилик, бироннинг ҳақига кўз олайтирмаслик, хиёнат қилмаслик, инсонпарварлик, ватанпарвалик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик, иймонлилик, ҳалол луқма билан кун кўриш, отонани ҳурмат қилиш каби инсон учун зарур маънавий хислатлар юқори бадиий савияда баён этилган.

Маънавий тарбияда Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Сайд Аҳмад, Ўткир Хошимов, Тоҳир Малик каби ёзувчиларимиз; Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Омон Матчон, Рауф Парфи каби шоирларимизнинг асар ва шеърларидан ҳам

кенг фойдаланиш, бадий асарлар, улардаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, ахлоқи, маънавий дунёси тўғрисида суҳбат, муно-зара ўтказиш катта самара беради.

Маънавий тарбияда кишилар онги, руҳиятига таъсир этишда театр санъатининг ҳам роли, ўрни ва аҳамияти, таъсир этиш доираси имкониятлари чексиздир. Биз театр санъатини икки томони чархланган шамширга ўхшатишимиш мумкин. У бир томони билан кишилар қалбига ёруғлик олиб кирса, уни юксак маънавийлик томон йўлласа, иккинчи томони билан эса инсон қалбидаги нодонлик, жаҳолат яъни маънавиятсизликка ва жаҳолатга қарши курашади.

Театр санъати бошқа санъат турлари каби образли бадий табиати билан инсон қалбига эмоционал таъсир кўрсатиш, унинг руҳий дунёсига чуқур кириб бориш, шу орқали маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эга. Мустақилликни мустаҳкамлаш, кишиларни юксак маънавийлик руҳида тарбиялашда театр санъатининг ана шу хусусиятидан унумли фойдаланиш замон талаби. Афсуски, кишиларимиз, шу жумладан ёшларимизнинг театр, кино санъати, ёки санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқиши унчалик етарли даражада эмаслиги кишини ажаблантиради. Театр воқелигимиз, кишиларимиз турмуши, интилиши, қизиқиши, хатти-ҳаракатларини ҳаяжон билан акс эттирадиган майдондир. У бир вақтнинг ўзида ҳам сўз, ҳам мусиқа, ҳам хатти-ҳаракат орқали инсон қалбига таъсир этиш хусусиятига эгалиги билан ажralиб туради. Шунинг учун театр ва кино санъатининг бу хусусиятидан маънавий тарбияда фойдаланиш катта самара бериши шубҳасиз. Фақат улардан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Бундай асарларни кишилар қалбига кириб боришида телевидение имкониятларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Кишиларимиз «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» каби кўрсатувларни сабрсизлик билан кутганидек, маънавий юксакликка чорлайдиган, яъни жасорат ва олижанобликни, маънавий гўззалик ва ахлоқий покликни, улугворлик, нафосат ва маънавий қадриятларимизни тарғиб этувчи бадий юксак адабиёт ва санъат асарларига муҳтождир. Чунки, улар маънавиятимизни юксалтирибгина қолмасдан, шунинг билан бирга ёшларимизга илм эгаллашда, миллат ва ватанни тараққий эттиришда фидой-

илик кўрсатишда, завқ-шавқ ва илҳом бағишлиайдиган восита-ларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

Тарбиявий ишларни амалга оширишда ва ёшларимиз онгига миллий истиқолол фояларини сингдиришда республика маънавият ва маърифат кенгашининг олиб бораётган амалий ишларини ҳам аълоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Унинг вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги билимларида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, талаба ёшлар билан республикамизнинг кўзга кўринган адабиёт ва санъат арбобларининг учрашувларини ташкил қилиш, кўзга кўринган олимлар иштирокида турли илмий-амалий конференциялар уюштириш каби ўта муҳим ишларни амалга оширилмоқда. Айниқса, бу кенга什 томонидан маънавият, тарбия ва таълим масалаларига бағишлиланган илмий, илмий-оммабоп рисолаларни босиб чиқараётгани ва уларни ёшлар ўртасида кенг тарғибот қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Бу кенга什 ўз фаолияти билан мамлакатимизда тарбия борасида олиб борилаётган умумий ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий тарбия бугунги куннинг энг долзарб масаласи. Бу ишга юртимизнинг барча зиёлилари ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, врачлар, артистлар, барча раҳбарлар бирдек масъулдирлар. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

### **Таянч сўз ва тушунчалар:**

Ота-она – азиз ва мўътабар зот; ота-она фарзанднинг суянчиғи, битмас туганмас бойлиги; бирисини ой деб бил, иккинчисини қўёш; ота-онани эъзозлаш фарзанд бурчи, жамият олдидаги масъулият; ота рози – худо рози; оталар сўзи – ақёнинг кўзи; ота-онага итоат қилиш Тангрига итоат қилишdir; яхши феъллар, аъмоллар ҳалол луқмадандир; оила жамиятнинг асосий бўғини; адабиёт ва санъат инсон қалбига, руҳий дунёсига чукӯр кириб бориши ва шу орқали унинг маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эга.

## **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ота-онанинг фарзанд олдидаги улуғлиги нимада?
2. Бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш иборасининг мазмунини изоҳланг.
3. Ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчи нимада деб биласиз?
4. Фарзандларнинг ота-оналар олдидаги бурчи нимада деб биласиз?
5. Ота-она ва фарзандлар масъулияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нималар кўрсатилган?
6. Ота рози – худо рози иборасининг мазмунини изоҳланг.
7. Фарзанд тарбиясини қайси даврда бошланиши ҳақида нималар биласиз?
8. Яхши феъллар, яхши аъмоллар – ҳалол луқмадандир иборасини мазмунини изоҳланг.
9. Ўзбек оиласининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари ҳақида нималарни биласиз?
10. Кишиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда адабиёт ва санъатнинг аҳамияти нимада деб биласиз?
11. Қайси ёзувчи ва шоирлар асарларида ўзбек миллий маънавиятнинг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топган? Улар миллий маънавиятимизнинг ривожланишида қандай аҳамиятта эга?

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон, 1998 й.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т., Шарқ, 1999 й.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Халқ сўзи, 4 март 1999й.
4. Каримов И.А. Миллий истиқдол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й.
5. Давлат, жамият, оила ва ёшлар муаммолари. (Давлат, жамият, оила ва ёшлар муаммолари республика конференцияси материаллари). Тошкент: Ўзбекистон, 1997 й.
6. Алиев А. Истиқдол ва адабий мерос. Т., Ўзбекистон, 1997 й.
7. Соифназаров И., Соифназарова Ф. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. Т. Меҳнат, 1997 й.

## **МАЊАВИЯТ ВА МАЃРИФАТНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ФИКРЛАРДАН НАМУНАЛАР**

Бирор-бир жамият мањавий имкониятларини, одамлар он-года мањавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирумай ҳамда мустаҳкамламай туреб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

*И. Каримов*

\*\*\*

Мањавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради.

*И. Каримов*

\*\*\*

Мањавият инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган құдратли ботиний күч...

*И. Каримов*

\*\*\*

Моддий фаровоңликка табиий интилиш миллатнинг мањавий ва ақлий ўсиш әхтиёжига ғов бўлмаслиги лозим.

*И. Каримов*

\*\*\*

Халқимиznинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, мањавий құдратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир.

*И. Каримов*

\*\*\*

Мањавиятни англаш ўзликка қайтиш демакдир.

*И. Каримов*

\*\*\*

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

*И. Каримов*

\*\*\*

Тарих - халқ мањавиятининг асосидир.

*И. Каримов*

\*\*\*

..... жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир.

*И. Каримов*

\*\*\*

Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият - маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

*И. Каримов*

\*\*\*

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди.

*И. Каримов*

\*\*\*

Комил инсон деганда... аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-автори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билими, маърифатли кишиларни тушунамиз.

*И. Каримов*

\*\*\*

.... маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждан ишидир.

*И. Каримов*

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт жамиятимиз танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг жонидир.

*Мулоқот. 2/98, 29 бет.*

\*\*\*

Яхши хулқ яхшилик аломатидир.

*Беруний*

\*\*\*

Ҳар бир кишининг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

*Беруний*

\*\*\*

Маънавиятни қайта қуриш жамиятни қайта қуришга нисбатан ҳам оғир кечадиган, ҳам узоқ давом этадиган жараёндир.

*Виктор Гюго*

\*\*\*

Маънавият ўзини таниш, ўзини ўзгалар билан, ўзгаларни эса ўз назари билан тафтиш қила билиш демақдир.

*Виктор Гюго*

Адоват эмас - адолат енгади.

*Виктор Гюго*

\*\*\*

Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш керак.

\*\*\*

Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам.

*Виктор Гюго*

\*\*\*

Одамнинг улуғлиги унинг бўй-басти билан ўлчанмаганидек, миллионнинг улуғворлиги сон-саноғи билан белгиланмайди.

Ягона ўлчов - унинг маънавиятидир.

*Виктор Гюго*

\*\*\*

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш қабидир.

*Ҳадисдан*

\*\*\*

Тангри ўз бандалари ичida ғайратлисини ёқтиради.

*Ҳадисдан*

\*\*\*

Оқ бўлсанг онт ичма.

\*\*\*

Яхши одам юрт тузар, ёмон одам эл бузар.

\*\*\*

Маънавият - инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлийди, унинг қарашлари шунчаки бойлиқ ортириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунлари иродасини мустаҳкамлайди.

\*\*\*

Маънавият инсон онги ва шуурини ёритувчи бир куч.

\*\*\*

Вақтнинг қадрига етиш маданияти ҳам маънавиятдир.

\*\*\*

Бешикдан то қабргача илм изланг.

\*\*\*

Илм-фансиз буюк давлат қуриб бўлмайди.

\*\*\*

Ақлнинг камолоти иймон ва илм биландир.

*Ҳадисдан*

\*\*\*

Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм талаб қилинглар.

*Ҳадисдан*

## Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992.
2. Ислом Каримов. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
3. Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
4. Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
5. Ислом Каримов. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
6. Ислом Каримов. Истиқолол ва маънавият. Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
7. Ислом Каримов. Мақсадимиз тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
8. Ислом Каримов. Ҳалқимизнинг йўли мустақиллик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
9. Ислом Каримов. Ҳалқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳатлар йўлидир. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
10. Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқолол. иқтисод, сиёsat, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
11. Ислом Каримов. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
12. Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
13. Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1994.
14. Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
15. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
16. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Шарқ, 1998.
17. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон, 1999.
18. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
19. Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.

- 20.Ислом Каримов. Миллий истиқдол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й.
- 21.Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4-томлар. Қомуслар бош таҳририяти.
- 22.Азизхўжаев А.Давлатчилик ва маънавият. Тошкент, 1997.
- 23.Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Асарлар, 13-жилд, Тошкент, 1966.
- 24.Амир Темур – буюк давлат арбоби. Тошкент молия институти (илмий-назарий конференция материаллари), 1995.
- 25.Амир Темур ўғитлари. Тошкент, 1992.
- 26.Ат-Термизий. Ҳадислар. Шарқ ўлдузи. 1990, 9-сон.
- 27.Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Тошкент, 1990.
- 28.Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, 1991.
- 29.Аҳмад Хўжа. Шу азиз Ватан – барчамизники. Тошкент, 1995.
- 30.Аҳмедов Б. Амир Темур ва Шарқнинг уйғониш даври. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1996, 9 май.
- 31.Азиз Қаюмов. Аҳмад Фарғоний. Тошкент, «Чўлпон», 1998.
- 32.Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. Тошкент, «Чўлпон», 1995.
- 33.Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар) 1-3 китоб. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 1997.
- 34.Ватан саодати. Тошкент, «Шарқ», 1998.
- 35.Ватанин севмоқ иймондандир. /Иншолар тўплами/ Тошкент, 1995.
- 36.Ватан ва миллат муқаддасдир. Қосимов Б. ва бошқалар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
- 37.Вафоев О. Маънавият тараққиёт омили. Истиқдол ва маънавият. «Мулоқот», 1995, 2-сон.
- 38.Даврон А. Маънавият даҳосини тавоф этайлик. Миллат ва тараққиёт. «Ватан», 1999, 1-8 июнь.
- 39.Демократия – мураккаб жараён. «Фан ва турмуш». 1991, 11-сон.
- 40.Жабборов Ш. Маънавиятнинг фалсафий қирралари. «Маърифат», 1996, 20 ноябрь.
- 41.Жалолов А.Мустақиллик масъулияти. Тошкент, 1994.
- 42.Жумабоев Й.Ж. Тадбиркорлик ва маънавий камолот. «Иқтисод ва ҳисобот», 1996, 3-сон.
- 43.Жумабоев Й.Ж. Инсоннинг ҳаёт мазмуни. «Фан ва турмуш», 1996, 3-сон.
- 44.Жумабоев Й.Ж. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. Тошкент, 1997.

45. Зайнутдинов З. Фарзанд бурчи, «Тошкент оқшоми», 1996, 19 февраль.
46. Зуннун Ш. Донишмандлар одоб-аҳлоқ түғрисида. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
47. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент, «Шарқ», 1998.
48. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйгуси. «Ўзбекистон», 1996.
49. Иброҳимов А. Поклик – миллий тикланиш куртаги. «Тафаккур», 1996, № 6.
50. Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал муфрат /Адаб дурданалари/ Тошкент, 1990.
51. Мирзакалон Исмоилий. Инсон одоби. Тошкент, 1989.
52. Оила аҳлоқи ва одоби /тўплам/. Тошкент, 1995.
53. Олий Мажлис қарорлари. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш түғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Тошкент, 1996, 28 сентябрь.
54. Маънавият иймондан бошланади. «Гулистан». 1995, № 1.
55. Маънавият – жамият тараққиётининг асоси. «Ўзбекистон овози», 1995, 16 февраль.
56. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент, «Шарқ», 1998.
57. Мұхитдинов Н.А. Маънавиятимиз сайқал топиб бормоқда. «Ўзбекистон овози», 1994, 2 март.
58. Мұмінов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, «Фан», 1993.
59. Мусурмонова О. Ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш. Тошкент, 1993.
60. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар – соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. Тошкент, 1995.
61. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Тошкент, 1996.
62. Мардонова Г. Ватан ягонадир. /Ватан ҳақида/. «Оила ва жамият», 1996, № 1.
63. Норбой Ортиқов. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.
64. Норбой Ортиқов. Ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар. Тошкент, 1995.
65. Кайковус. Қобуснома. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986.
66. Комил инсон /тўплам/. Тошкент, 1995.
67. Маънавият – масъуллик. Тошкент, 1996.

68. Маънавиятнинг ойдин йўли. Тошкент, 1996.
69. Орипов М.К. Поклик ва комиллик рамзи. Тошкент, «Ёш куч», 1994, № 1.
70. Отамуротов С., Баҳронов Ж. Нажот – маърифатда. «Тафаккур», 1995, № 2.
71. Отамуротов С., Баҳронов Ж. Миллий ўзликни англаш - ўтиш даври сиёсатининг устувор йўналиши. «Ҳалқ сўзи», 1995, 6 май.
72. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. 1997
73. Саифназаров И. Бозор иқтисодиёти ва шахс камолоти. Тошкент, 1996.
74. Султонмурод О. Нақшбанд ва Навоий. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
75. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1998.
76. Туленов Ж.,Faфуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент, 1995.
77. Усмонов К., Фаниев Д. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.
78. Усмонов Р. Саодатнома. Танланган асарлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.
79. Усмонов М. Донишмандлар одоб-ахлоқ ҳақида. Тошкент, «Фан», 1996.
80. Усмонов М. Яхши фазилат – инсонга зийнат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
81. Умар Ҳаём. Наврӯзнома. Тошкент, 1990.
82. Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, 1991.
83. Феруз. «Фан», 1995.
84. Хўжа Аббос ўғли. Миллий ифтихор. Тошкент, 1995.
85. Хўжамуродов Н. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англаш. Тошкент, 1991.
86. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1991.
87. Шайхова Х.О., Назаров К. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Тошкент, 1992.
88. Шарифхўжаев М. Ифтихор. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.
89. Нажмиддин Кубро. Тошкент, 1995.
90. Эҳтиром./тўплам/ Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
91. Юсуф хос Ҳожиб. «Кутадгу билиг». Тошкент, 1990.
92. Юсупов Э. Маънавият мезонларига янгича ёндашув. «Ўзбекистон овози», 1995, 22 апрель.
93. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент, «Университет», 1998.

94. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й.
95. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
96. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992.
97. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Тошкент, 1992.
98. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
99. Ўзбекистоннинг миллий истиқдол мағкураси. Тошкент, 1993.
100. Ўзбекистон: қарамлик ва мустақиллик йилларида. Тошкент, 1996.
101. Файбуллоҳ ас-Салом, Сайди Умар. Толибнома. Тошкент, «Шарқ», 1996.
102. Фаниев И. Фитрат. Эътиқод. Ижод. Тошкент, «Камалак», 1994.
103. Faфуров И. Миллатнинг билурланиши. «Беш тамойил ҳаётга» китобидан. Тошкент, 1995.
104. Ҳабибулла Зайнитдин. Жалолиддин Мангуберди. /Бадиа/ Тошкент, «Фан» 1993.
105. Ҳазрати пайғамбарнинг ҳаёти. Тошкент, «Камалак», 1996.
106. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Тошкент, «Шарқ», 1999.

\*\*\*

### **Фармон ва қарорлар**

1. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил, 23 апрел Фармони;
2. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 9 сентябр Фармони;
3. «Республика маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1999 йил 3 сентябр Фармони;
4. «Маънавият ва маърифий ислоҳатларни янада чукӯрлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июль Қарори.

# МУНДАРИЖА

|   |   |
|---|---|
| Кириш.....  | 3 |
| Курсни ўрганишга доир баъзи услубий маслаҳатлар ..... | 5 |

## МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

|  |    |
|--|----|
| 1-мавзу. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепцияси ва унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти..... | 8  |
| 2-мавзу: Маънавиятнинг предмети, тушунчалари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари .....                  | 27 |
| 3-мавзу: Маънавиятнинг таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари ..                         | 41 |
| 4-мавзу: Маънавият, иқтисод ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги .....   | 54 |
| 5-мавзу: Маънавиятнинг сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрни .....  | 66 |
| 6-мавзу: Маънавиятда миллийлик ва умуминсонийлик .....   | 76 |

## МАЪНАВИЯТНИНГ ТАРИХИЙ, НАЗАРИЙ-ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЗАМИНЛАРИ

|   |     |
|---|-----|
| 7-мавзу: Қадимги Ўрта Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиши жараёнлар.....                                  | 88  |
| 8-мавзу: Ислом динида маънавият ва шахс маънавий қиёфасининг талқини .....                                    | 98  |
| 9-мавзу: Ўрта Осиё фалсафий тафаккурида маънавият ва маърифат масалалари.....                                 | 114 |
| 10-мавзу: Амир Темур ва темурийлар сулоласи даврида маънавият.....  | 127 |
| 11-мавзу: Жадидчиларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари ва унинг халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни ..... | 139 |
| 12-мавзу: Мустамлакачилик ва қарамлик шароитида маънавият .....   | 148 |

# **МАЊНАВИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МЕЗОНЛАРИ**

|   |     |
|---|-----|
| 13-мавзу: Мањнавий баркамол инсон тушунчаси, унинг шарқона таърифи. Ислом Каримов асарларида баркамол инсонни тарбиялаш foялари .....   | 161 |
| 14-мавзу: Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат – шахс мањнавиятининг муҳим мезонлари  | 173 |
| 15-мавзу: Иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик ва вафодорлик – шахс мањнавий фазилатлари .....   | 183 |
| 16-мавзу: Миллий ўзликни англаш, уни мустаҳкамлаш, ва миллатлараро тотувликни таъминлаш шахс мањнавияти белгилари. Ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимиға хурмат ва фуқаролик бурчига садоқат шахс мањнавий баркамоллиги мезонлари ..... | 192 |
| 17-мавзу: Шахс мањнавиятини ривожлантириш омиллари ва воситалари .....  | 207 |
| <b>Мањнавият ва маърифатнинг аҳамияти ҳақида фикрлардан намуналар .....</b>   | 217 |
| <b>Тавсия этиладиган адабиётлар .....</b>   | 221 |

Босишига руҳсат этилди 15.08.2000 й. Бичими 60X84<sup>1/16</sup> «TimesUZ  
ҳарфида терилиб, оффсет усулида босилди. Босма табоги 14.25.  
Нашр ҳисоб табоги 13.5. Адади 5000. Буюртма №335.  
Баҳоси шартнома асосида.

Қўлёзма макет олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
қошидаги ЎАЖБНТ марказида тайёрланди

ФТДК, ДИТАФ босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор кўчаси, 171 ў